Розий бу 34 та касалликлар тарихини бошқа неча юзлаб қайд қилинган касалликлар тарихи орасидан энг нодирларини танилаб олган ва ҳеч қандай қўшимчасиз «ал-Ҳовий»га киритган. Бу ҳақда муаллифиниғ ўзи муқаддимада шундай дейди: «Касаллар қиссаларидан олинган мисоллар ва бизнинг клиник тарихдан келтирилган кодир ҳодисаларини бу ердан жой олган». Шунинг учун ҳам биз «Касалликлар тарихи»ни ҳар хил касалликларга, чунончи, буйрак касаллиги, ич кетиш, қулоқ оғриги, олат касаллиги, кўз касаллиги, чечак, иситма, эмчан шамоллаши, бўғин шамоллаши, ҳушдан кетиш, тутқаноқ, қоя қусиш, мўй түсилиши, буйрак шамоллаши, ўт қопчасининг шамоллаши, бола ташлаш,



сиз, Зотилжам, қуймиш асабнинг шамоллари ва бош-қалларга онд эканлигини кўрамиз.

Бундан 1000 йил муқаддам Розий томонидан тузилган касалликлар тарихи бу борадаги ҳозирги замон қону-қонидаларидан кам фарқ қилади; энг муҳими шундаки, улар ҳс. тгн қону-қонидоларга хилоф эмас. Розий кун ҳоаларда касалнинг неми ва отасининг неми, ёши ва касбини, турар жойи ва жинсини, касалнинг ва бошқа белгиларини, ўзи томонидан тайинланган дори ва тадбирларни ҳамда уларнинг касал аъзоларига кўрсатган таъсирини ва няхоят касал тузалиб кетганигини ёки ўлатилигини ёзиб қолдирган. Розий ёзиб қолдирган касалликлар тарихидан биз шунги биламизки, касалларнинг ижтимоий келиб чиқиши Розийнинг уларга бўлган инсонпарварлик муносабатларини сира камайтирмаган. Олимда даволанувчилар Ўрта Шарқнинг Бағдод, Рай, Хуросон, Бухоро ва бошқа шаҳар ва қишлоқларида яшовчи аҳолининг кенг табақаларига мансуб кишилар бўлганлар.

Устао Розийнинг ямаиётини табиб бўлганлиги, таржиман ҳоли, нақоли ва дунёқароши унинг шоғираларидан бири қайд қилиб берган 700 дан ортиқ касалликлар тарихининг тадқиқоти, таржимаси ва унга ёзилган нозҳларда яна ҳам ойдинлашган. (АР № 142). (Иловидаги 1-рисолани ўқинг).

## 2. ИСҲОҚ ИБН СУЛАЙМОН АЛ-ИСРОНИЯ

(932 йили туғилган)

Абу Бакр ар-Розий ва Абу Али ибн Синолар мобайнида туғилиб шкода этган ва маъкур икки аллома табиблар ўртасида таъобат тарихи учун келтири халқа вазифасини ўстаган табиб Исҳоқ ибн Сулаймондир. Ундан бизга ёдгор сифатида «Китоб ал-ҳукмоёт» («Иситмалар ҳақида китоб») етиб келган. Бу нодир асар иситмаларнинг ҳар хил турларига бағишланган. Бунда муаллиф асосан иситмага учраш сабаблари, иситма ҳусуниятлари ва уларни даволаш ҳақида таърифи ва баъзи ҳолларда Жалинусга суянади. Асар икки катта қисмдан иборат. Биринчи қисм ўрт мақоладаки иборат: 1-мақола — «Иситма моҳияти ва унинг сегоралари ҳақида»; 2 — «Афидарус номи билан маълум бўлган бир кунлик иситма ҳақида»; 3 — «Афтикуса номи билан маълум



бўлган сўз иситмаси ҳақида»; 4 — «Оғир касалликларда юл берадиган ўткир иситмалар ҳақида»; Асарнинг иккинчи қисми бир мақоладан иборат: 1 — «Тўрт хил (сулоқлик) чиривидан вужудга келадиган иситмалар ҳақида».

Бу асарнинг 1215 йили Сулаймон ибн Амир ибн Рафий томонида 157 парақда кўчирилган бир нодир нусхаи Тошкентда сақланмоқда.

#### 4. АБУ БАҚР РАБИЪ АЛ БУХОРИЙ

(983 й. вафот этган)

Унинг тула исми Абу Бақр Рабиъ ибн Аҳмад ал-Ахавайний ал-Бухорийдир.

Роғийнинг (865—925) ўзига хос тиббий мактабда тарбияланган ва кейинчалик машҳур табиб бўлиб еттиган Абу-л-Қосим Муқонтий ва Абу Бақр Рабиъ ибн Аҳмад ал-Ахавайний ал-Бухорий номли шогирдлари бўлиб, кейингиси биригача етиб келган асар биелан Шарқ табобати тарихида ўчмас ва қолдирган. Абу Бақр Рабиъ Х-аср Бухоро илм аҳлига, хусусан табибларининг алломаси бўлган. Унинг ёзишича, у Абу Бақр Рағийнинг шогирди Абу-л-Қосим Муқонтий Тоҳир ибн Муҳаммад ибн Иброҳимнинг шогирди бўлган.

Ҳозирги замон фан тарихчиларининг тахминига кўра, Абу Бақр Рабиъ 983 йили Абу Бақр ар-Роғий ва-фотидан тахминан 60 йил кейин вафот этган. У ўзидан кейин дарий (эски тожик-форс) тилида «Ҳидоят ал-муталлимин фи-т-тибб» («Табобатни ўрганувчилар учун қўлланма китоб») номли тиббий асарини ёзиб қолдирган. Бу асарнинг 1085 йил июль ойида кўчирилган нодир нусхаи Англиянинг Оксфорд шаҳри Бодлиан кутубхонасида сақланмоқда. Абу Бақр Рабиъ ва унинг устози Абу-л-Қосим Муқонтий фан оламига ана шу биригача етиб келган асар орқали танилганлар.

Абу Бақр Рабиъ мазкур асарида 30 ёшида етук табиб бўлганлигини ва кўр кишиларни шахсан даволаб тuzатганлигини ёзди. Клиник кузатиш ва тажрибалар асосида ёзилган бу асарни у ўз фарзанди учун тuzган. Жумладан, Абу Бақр Рабиъ бу ҳақда шундай дейди: «Бу китобда мен сенга синаб кўрган нарсаларимни ёздим... Мен бундай касалликларни кўр даволадим. Бу жойда қайд қилинганларнинг ҳаммаси меннинг таж-

рибамдан ўтган касалликлар, аммо синиб кўрмаган нарсаларининг ёзмайман». Абу Бакр Рабиъ бу китобига ўзи ихтиро қилган ва ўз тажрибасидан муваффақиятли ўтган унгица мураккаб дори нусхасини киритган. Шунингдек, Қутруб (хорез) касаллиги борасида ўзи ихтиро қилган сипир шохилди ясалган асбоб ҳақида ҳикоя қилади. Бу асбоб орқали у касаллар оғанига овқат до дорн юборган.

Муаллифнинг мазкур асарн мундарижа ва 200 боб-ни ўз ичига олган уч қисмдан иборат: I-қисм 51 бобдан иборат бўлиб, унсурлар, минераллар ва хиллар; сода ва мураккаб аъзолар; ишлар, овқатлар ва ичимликларга бағишланган. II-қисм 130 бобдан иборат бўлиб, «босдан оёққача» бўлган барча касалликлар ва уларин даволашга бағишланган. III-қисм 19 бобдан иборат бўлиб, иситма ва унинг хиллари, сибдик, боғлиқни етқилаш ва томир уриши қабилирға бағишланган. Асарнинг энв бир муҳим томони шундаки, унда Абу Бакр Рабиъ Бухоро лаҳжасидаги касаллик ва доривор номларининг бир қанчасини ҳамда Бухородаги «Сапидмоша» номли қишлоқ номини келтирган.

Абу Бакр Рабиъ 30 йиллик тиббий тажрибага эга бўлган, у хусусан мелапхолия (саидо) билан оғриган касалларни муваффақиятли даволаган, шунинг учун унинг замондошлари уни «жинишлар табиби» («Пезишк-и дивонатон») деб атаганлар. Табибининг мазкур «Ҳидоят» асарида ўша эмон табобатининг деярли барча соҳалари баён қилинган: умумий назарий масалалар, касалликлар баёни ва уларни даволаш йўллари ва ҳ. к. Бу асар хусусан ўша замондаги форс-тожик тилида ёзилган тиббий асарлар терминологиясини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Бу асарнинг Бодлиан кутубхонасидаги нусхаси 661 сафҳа, 22×32,5 см. ҳажмда. Бу қўлёзма XIII аср охири ва XIV аср бошларида Абу Толиб Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Зайд ат-Табиб номли табибининг ихтиёрида бўлган. Табиб бу нусхани бошқа нусхалар билан солиштирган, сатр оралари ва қошияга баъзи бир тузатишлар ёзиб киритган ҳолда ўз фарзандига қолдирган. Бу ҳақда у махсус варақда 6-июль 1283 йили жумладан, шундай деб ёзиб қолдирган: «Бу китобни Аҳмад ибн «Ҳидоят» ва Аҳмад ибн «Куннош» деб ҳам атайдилар. Бунинг муаллифи Абу Ҳаким Рабиъ ибн Аҳмад ал-Аҳмавийий, яъни Муҳаммад Закарӣ Ар-Розийининг

шотирди. У улуг инсон — Ға фарзанди учун буни туғ-  
длаган, токи унга бу китоб қўллашга бўлсин, табиблик  
қилганида унинг тadbирлари тўғри бўлсин деб. Кампила  
тажриба қилдим, ҳақиқатда ундаги ҳет қайси даволаш  
тадбири хато бўлиб чиқмади. Кампила шу китоб асоси-  
да кўп вақт касалларни даволадим. Азия фарзандим  
Хусайн табобатни ўрганишга боқлаганда бошқа тиб-  
бий китобларнинг кўп бўлишига қарамай, унинг илти-  
мосига кўра шу китобни хатосиз ёзилган нусхага со-  
лиштирдим ва илҳом борица уни тузатиб, унга тақдим  
қилдим».

Абу Бакр Рабиънинг бу асари эски форс-тожик ти-  
лида ёзилганлиги ва Ибн Сино «Тиб қонунари»дан  
олдин яратилганлигига қарамай, асарлар оша отадан  
болага ўтиб, тиббиёт дорилиги сифатида хизмат қилиб  
келган. Бу бизгача етиб келган дорий тилидаги тиббий  
асарларнинг энг қадимийси бўлиб, пик ўрта аср Урта  
Осиё фани ва маданияти тарихини ўрганишда катта  
илмий аҳамиятга эга. Бу асарнинг таъкидий матни 1965  
йили Жамол Матиний томонидан Машиҳадда босилган.  
(АР № 136).

#### Б. АЛИ ИБН АББОС АЛ-МАЖУСИ АЛ-АРРАЖОННИ

(994 й. вафот топган)

Машиҳур Ирон табиби. Абу Моҳир Мусо ибн Юсуф  
ибн Саййор ва Ҳеса ибн Сиқон унинг табобат бўйича  
устозлари бўлган.

Али ибн Аббоснинг бизга «Китоб комил ас-синоъат  
эт-тиббий» («Табобат санъатининг комил китоби») ном-  
ли асари етиб келган. Бу асар яна «ал-Қунош ал-  
маликий» («Шоҳона тўплам») ёки «ал-Қонуи ал-Аду-  
дий фи-т-тибб» («Табобатга оид Адудий қонуни») деб  
аталган. Чунки уни Бувайҳ султони Адудалдўла (949—  
983) га бағишлаган эди. Муаллиф султон ҳузурнда са-  
рий табиби бўлиб хизмат қилган.

Ибн Сино «Тиб қонунари»нинг юзага келгушича бу  
асар Шарқда мавзу этибори ва тажаммулиги билан  
энг муҳим китоб ҳисобланган. У икки қисмга бўлин-  
ган: 1. Назарий қисм; 2. Амалий қисм; ҳар қайси қисм-  
да ўнтадан мақола бўлган. Бизга етиб келган нусхада  
яккинчи қисмга киритилган 10 та мақола бор, ҳолоё  
соғанқини сақлаш, содда дорилар, кесимлар ва шиш

лар, тери устки қобатининг касаллиги, ички аъзолар, нафас олиш аъзолари, озиқланиш аъзолари, жинсий аъзолар ва бугим касалликлари, жарроҳлик ва мураккаб дориелар.

Бизга бу асарнинг XVIII асрда кўчирилган 444 ыарақдаги бир нуسخаси етиб келган. (AP № 64, 122).

## 6. АБУ МАНСУР АЛ-ҚУМРИЙ

(909 й. вафот этган)

Иби Сиюннинг табобат бўйича устозларидан бири, табобат назарияси ва амалиётида ўз даврининг тенги йўқ моҳир табиби Абу Мансур ал-Ҳасан иби Нуҳ ал-Қумрий бўлган. У Бухорода яшаган ва сомонийлар ҳукмронлари, хусусан амир Мансур иби Нуҳ (961—976) даврида тиббий ёрдам керак бўлганда ҳарамга ҳам бемалол кириш ҳуқуқига эга бўлган.

Иби Симо ёшлик чоғларида, Қумрийнинг эса ёшв қайтиб қолган вақтларида, устозининг табобат бўйича олиб берган дарсларига қатнашган ва ундан кўнгина нарсаларни биллиб олган.

Қумрийнинг бизгача 2 та тиббий асари етиб келган: 1. «Китоб ал-ғино ва-л-муно» («Етарли ва орзу қилинган китоб»); 2. «Китоб ат-танбир фи-л-кетилоҳот ат-тиббия» («Тиббий кетилоҳларни ёритиш китоби»). Биринчи асарнинг бир нуسخаси УзД ФА ШИ (анжом рақам 5708)да сақланмоқда. У 155 ыарақдан иборат бўлиб, ансон тана аъзоларининг барчасини босишга ва уларни даволашга бағишланган. Унинг кириш қисмида Қумрий ёшлик чоғиданоқ тиббий фанларга қизиққанлигини, хусусан табобатни севиб қоялганлигини ёзди, чунки бу фан одамни оғриқдан, касалликдан қутқаради. Қумрий ўзи ўқиган тиббий китобларидан даволаш усулларини ўзинга кўчириб олар ва унга ўз тажрибасида қўлга киритган ютуқларини қўшиб бирар экан.

Мазкур китоб 3 қисмдан иборат: 1. Одамнинг «бешиндан оёғигача» бўлган касалликларга бағишланган; 2. Бадаи сиртида бўладиган касалликлар ҳақида; 3. Иентмалар ҳақида. Булардан сўнг; бухрон (кризис)лар, соғайиб келаётганларнинг тадбири ва томир уринишга бағишланган. Муаллиф касалликларнинг муъжаз баёнидан кейин уларнинг даволаш йўларини кўрсатади

па ҳар бир ҳолда унга лозим бўлган мураккаб дори нусхаларини беради. Қумрий бу исарида Буқрот (эра-мизгача 459—355 йй.) дин торғиб Абу Бакр Розий (865—925) гача бўлган 30 дан ортиқ муаллифлардан иқтибос қилган.

Юқорида айтиб ўтилган Қумрий иккинчи асарининг иккинчи яна бошқа бир номи — «Китоб ат-таввир ал-маъруф би-сирои ал-Қумрий» («Қумрий чирои номи билан таввифан «ёритилиш китоби»»). Бу асарининг бир нусхаси Истамбулда Аҳмад III кутубхонаси (анжом рақом 2010) да сақлалмоқда. Бу асарининг қирғиш қисмида Қумрий табобат фанини ўрганишни ҳодимчиларга ёрдам беришга ҳар даим тайёр эканлигини ётади. Бу-нинг учун у ҳар янги тиббий китоблардан келишлардан айтиб уларни тўшунтирди. Барча сўзлар маъзу аъти-бирига кўра 10 собаа баён қилинган. Китобда ҳаммаси бўлиб 350 та термин тўшунтирилган, шунинг ҳам айтиш керакки, тўшунтиришларининг ҳаммаси муаллифининг «Китоб ал-ғино ва-л-муно» номида асаридан олинган. (АР № 65).

Қумрийнинг бу дурати. Ибн Сино даври тиббий пе-тилоқларини ўрганишда катта илмий аҳамиятга эга, чўки ундаги баъон бир амалиётга оид сўзларнинг шар-ҳи ундаи бошқа дурат китобларида, ҳатто «Тиб қону-ларида ҳам учрамайди.

Қумрий 999 йил атрофида вафот этган ва у Бухоро-га кўмилган. Қумрий иккинчи асарини У. И. Қаришова рус тилига таржима қилган. (АР № 67).

## 7. АБУ-Л-ХАЙР ИБН АЛ-ХАММОР

(942—1030)

Ўрта аср табибларидан — Ибн Синога ҳамаср бўл-ганлардан бири сифатида Абу-л-Хайр ибн ал-Хамморни айтиш мўмкиш. У 942-йили Бағдодда туғилган, бу ерда у Форобийнинг шогирди Яҳё ибн Али (973 й. вафот эт-ган) раҳбарлигида маътиқ ва фалсафани ўрганади. У табобат билан ҳам шуғулланган, хусусан табобатининг назарий мисалаларига алоҳида аътибор берган, нати-жада ўз замондошлари орасида иккинчи Буқрот деган лақаб олишга сазовор бўлган. Кейинчалик у Хоразмга кўчиб келади, Хоразмшоҳ Абу-л-Аббос Маъмун ибн Маъмун (1009—1017) саройида Ибн Сино, Беруний.



Масканий ва бошқалар билан бирга ишлайди. Ундай кейин Беруний билан бирга Ғазна шаҳрига кўчиб бориб, султон Маҳмуд (998—1030) хизматига киради ва шу йилда 1030 йилда вафот тонади. (АР № 114).

Бошқа бир маълумотларга қараганда Ибн ал-Хаммор 102 ёшида наероний диндан ислом динига ўтади. Қушлардан бирида султон Маҳмуд уни ўз ҳузурига чақиртиради. Шунда Ибн ал-Хаммор отга миниб, кафшдўзалар бизоридан ўтиб кетаётганда оти тупдан хуркиб кетиб уни йиқитиб, қаттиқ майиб қилиди. Шу баҳона у 1048 йили 106 ёшида оламдан ўтади.

Ибн ал-Хаммор сурёний тилини яхши билар эди, шунинг учун ҳам сурёний тилидан араб тилига кўпгина таржималар қилган. Жумладан, Византия табиби Ашоция Атидий (502—575) нинг китобини таржима қилган. У бир қанча табобатга оид асарлар ёзган бўлиб, улар бизгача етиб келмаган. Фақат номларинигина етиб келган. Ибн ал-Хаммор «Мақола фи иктихон ал-атиббон» («Табиблар тажрибаси ҳақида китоб»)нинг муаллифи бўлган, уни Хоразмшоҳ Маъмунига атаб ёзган. Яна у «Мақола фи хулқ ал-инсон ва таркиб аъзоиҳ» («Инсон худди ва унинг аъзосининг таркиби ҳақида китоб»), «Китоб ал-Ҳавомил» («Ҳомилдорлар китоби»), «Китоб тадбир ал-мвиюйил» («Қариялар тadbири ҳақида китоб») номли асарлар ёзган.

Берунийнинг «Сийдани» асарида Ибн ал-Хамморнинг иккита асаридан иқтибос қилинган — «ал-Ҳошия ало матн Булис» («Павел матнига шарҳ») ва «Китоб ал-авзия» («Овқатлар ҳақида китоб»). Биринчи китобдан олинган иқтибосларда дориворларнинг сурёнийча ёки грекча номлари келтирилган, баъзи бир ҳолларда эса уларнинг маҳаллий номлари ҳам кўрсатилган. (АР № 12).

Ибн Сино устозлари ва ҳамаср табиблари ижодига яқун ясаб шунинг айтиш мумкинки, Ибн Сино даврида Урта Осиёда, хусусан Бухорода, Самарқандда ва Хоразмда табобатга оид муҳим асарлар яратган йирик табиблар янаганлар ва ижод қилганлар. Бироқ, бу асарларнинг биринчиси ҳам ўз ичига қамраб олган маълумотлари, баъзи услубининг чуқур ва изчиллиги бўйича «Қошун» билан тенг келаолмайди: улардан бирлари табобатнинг ағалий масалаларига асосий аҳамиятин берсалар (масълан, Кумрий), бошқалари — унинг назарисига асосий аҳамиятини берадилар (Ибн ал-

Хаммор), учинчиларнинг асарлари эса тўлиқ эмас — уларда мураккаб дорилар ҳисми тушиб қолган (Ахавайний, Маснхий ва Қумрий). Бироқ, шунга қарамай Ибн Сино устозлари ва ҳамасрлари бўлган бу олимларнинг асарлари мавзу, тузилиши ва услуб жиҳатидан аявадлигларига нисбатан устун бўлган: «Қорун»ни яратганда манбалар бўлиб хизмат қилган. (АР № 16, 64).

## В. АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ

(973—1048)

Хоразмлик буюк олим Абу Райҳон Беруний жаҳон фани тарихида энг улуг ва ериқп сиймолардан бири ҳисобланади.

Беруний 973 йилининг 4-сентябринда Хоразмнинг қадимги пойтахти Қот шаҳрига яқин жойда дунёга келади. Унинг исми Муҳаммад, отасининг исми эса Аҳмад бўлиб, Беруний унинг исбаси, яъни келиб чиқishi ва насл-масабини билдирувчи номдир. «Беруний» форсча «берун» («ташқари») сўзидан олинган бўлиб, «шаҳар ташқарикида туғилган» ёки «уша ерда яшовчи» деган маънони билдиради. Абу Райҳон эса унинг куняси, яъни лақаби бўлиб, араб тилида «Райҳон отаси» ёки «Райҳонли киши» деган маъноларни англатади.

Амударёнинг ўнг қирғоқига жойлашган Қот шаҳри Х асрда Ўрта Осиёдаги йирик иқтисодий ва маданий марказлардан бири ҳисобланган. Уша вақтларда у ҳатто Бухородан ҳам катта эди. XIX-асрга келиб бу жойни Шайх Аббос валий (кейинчалик ҳисқартхриб Шаббоз) деб ятай бошлаганлар, ҳозир эса у туман маркази бўлиб, Беруний номи билан юритилади.

Беруний ўз ватанида ўқиди ва шу ерда билимларини такомиллаштириб, буюк олим бўлиб етишди. У умрининг сўнгги йилларида ёзган «Сайдана» номи асарида ёшлик чоғларини эслаб, болаликданоқ ўз табиатида билим олишга ҳаддан ташқари зўр иштиёқ бўлганини ёзади. Бошқа бир асарида эса ўзининг биринчи астрономик кузатишларини Қот шаҳрида 990 йил, яъни 17 ёшга тўлмаган ўспиркилик вақтидаёқ ўтказганлигини хотирлайди. Кўпинча у килий кузатишлар учун керак бўлган асбобларни ўзи ясар эди, жумладан, у Шарқ фани тарихида биринчи бўлиб ер глобусини ясаган. (АР № 71, 82, 88, 98, 135).

Берунийнинг Хоразмдаги биринчи тарбиячиси ва устози уша даврнинг машҳур математиги ва астрономия Абу Наср Мансур ибн Лан ибн Ироқ (вафоти 1031 й.) бўлган.

Беруний учун она тили, ҳозирда истеъмолдан қолган хоразмий тили эди, ammo у ўз асарларини уша даврларда Яқин ва Урта Шарқда умумий тил ҳисобланган араб тилида ёзди. Кейинчалик Беруний, яъни 15 ёшда қадимги хонд тили санскрит билан шугулланиб, уни тула асаслаб олди. Беруний ўзининг «Сайёҳна» асаринда доривор моддалар номларини 31 тил ва лаҳжада келтиради, бу нарса унинг юқорида зикр этилган тиллардан ташқари яна қатор бошқа тил ва лаҳжалар билан ҳам таниш бўлганлигидан далилат беради.

Кот шаҳрида олдинги Хоразмшоҳ саралига яқин бўлган Беруний 995 йили Хоразмдан чиқиб, Техроннинг жануб томонида жойлашган қадимги Рай шаҳрига келди. 22 ёшли ёш олим бегона шаҳарда кўп қийинчиликларга дуч келади ва ҳатто моддий жиҳатдан ҳам анча тангандек яшаган.

Матъуи ибн Муҳаммад шайх йилдан кейин, яъни 997 йили вафот этади. Эҳтишол шукинг учун бўлса керак, Беруний қисқа муддатга бўлса ҳам яна ўз наглик Котга қайтиб келади. Унинг Ибн Сино (980—1037) билан ёзма равишда олиб борган илмий мунозаралари тахминан мана шу йилга тўғри келади. Уша йилларда Беруний Хоразмда туриб Бухорода ишайтган ёш Ибн Синога табиат фалсафаси ва физиканинг айрим масалалари юзасидан саволлар ёзиб юборади. Берунийнинг бу саволлари, Ибн Синовнинг унга берган жавоблари, кейин бу жавобларига Беруний томонидан билдирилган эътирозлар ҳаммаси жамланиб бир рисола шаклида бизгача етиб келган ва нашр этилган. (АР № 26, 43). Бу илмий ёзишмаларда, жумладан, дунёларнинг кўпинги, бўшиққ масаласи, овирлик ва енгиллик, жанемларнинг атомдан ташкил тоқганлиги, уларнинг кесилликдан кенгайиши, нурнинг аксланиши ва сийиши каби мавзулар тилга олинади. Беруний бу масалалардан Аристотелга қарши дадил фикрлар баён қилса, Ибн Сино, аксинча, буюк юнон фалсафунини ёқлашига ҳарикат қилади. Орадан кўп ўтмай, тахминан 998 йили Қасбий денгизининг шарқи-жанубий томонида жойлашган Гургон вилоятининг амври Қобус ибн Вашиғир (ёки Вушмасир, 1012 йили қатл этилган) Берунийни ўз

саройга таклиф этади. Қобус амир сифатида жуда қаттиққўл ва зolim бўлишига қарамай, араб адабиёти-ни севар ва илм—фан аҳлига ҳурмат билан қарар эди. Бир вақтлар Буюк Бухоролик табиб Ибн Сино ҳам Қобус саройида яшаган эди. Унинг устозларидан бири табиб ва астроном Абу Саъд Масихий (1010 йилда вафот этган) ҳам шу вақтда Гургонда эди. Беруний ҳам бу олим билан яқин дўстона муносабатда бўлган. Бу нарса шундан ҳам маълумки, Масихий ўзининг физика ва математикага онд рисоаларидан 12 тасини Берунийга бағишлай ёзган.

Беруний ўз илмий ишларига қулаброқ ширин яратин мақсадида бўлач керак, Қобуснинг таклифини қабул қилиб Гургонга келди. Кейинги тадқиқотлардан маълум бўлишича, Беруний Гургонда 1004 йилгача яшаган.

Нийтастин Қобдан Гургонж (Урганч)га кўчирган янги Хоразмшоҳ Дав ибн Маъмуи (998—1009) ининг таклифига биноан бўлса керак, Беруний 1004 йили ўз ватани Хоразмга қайтади ва тез орада саройга яқин турган олим ва сийёсий эрбоблардан бири бўлиб қолади.

Шу вақтларда, ҳусусан Хоразмшоҳ Абулаббос Маъмуи ибн Маъмуи (1009—1017) даврида, Гургонж шаҳри Урта Осиёдаги илм-фан ва адабиёт марказларидан бирига айланган бўлиб, у ерда қатор олим ва эдиблар яшаб ишқод этганлар. Олимларнинг шу анжумани илмий адабиётда баъзан «Маъмуи академияси» деб ҳам йертилади. (АР № 1, 2.) Берунийнинг маъмур анжуманида етакчи олимлардан бири бўлганлиги шубҳасиз; бироқ унинг шу даврда Хоразмда олиб борган илмий ишлари ҳақида тулиқ маълумотга эга эмасмиз. Олимнинг ўз асарларидаги айрим фактлар шуни кўрсатадики, у 1016 йилгача Хоразмда бир неча бор астрономик кузатишлар ўтказган. Бу кузатишлардан кўзда тутилган мақсад, жумладан, Гургонж шаҳрининг жүгрофий кенглигини аниқлаш бўлган. Беруний «Қуёш ҳаракатини аниқлаш йули» номли китобини ҳам 1016 йили Хоразмда ёзган.

Саройга яқинлик Берунийга шох казинасидаги қилма-қил қимматбаҳо тошлар ва металллардан тажриба учун фойдаланиш имкониятини беради ва натижада у ўзининг солиштирма оғирлик масаласига бағишлаган ажойиб рисоласини ташиф этади.

Берунийнинг Хоразмдаги ишбатан осойишта ҳаёти



1017-билгача давом этди. Уша пақуда Урта Осле ерларни яқин йирик давлат ўртасыда тақсимланган эди. Аму дарёсиниң шарқий томонидаги ерлар Қорахонийлар қулида бўлса, унинг гәрбдада жойлашган вилоятлар, шу жумладан Хоразм ҳам, султон Маҳмуд бошлиқ Газнавийлар давлати тәъсирин остида эди. Авваллари Маҳмуд билан Хоразмшоҳ Маъмуи иби Маъмуи ўртасыда дўстлик муносабатлари мавжуд бўлиб, ҳатто Газна султони Хоразмшоҳга ўз синлисини ҳам берган эди. Аммо кейинчалик Маҳмуд ўз номини хутбага қўшиб ўқилышын, яъни Хоразмда ҳам ўзини ҳоким деб тани олинышын талаб қилады. Нойлоқ қолган Хоразмшоҳ ушннг талабнын қабул қилады. Бундан газавга келган аскарлар исен кутарадилар ва 1017 йил мартда Маъмуи иби Маъмуини саройдаги кўп аъёнлар билан бирга қәтл этадилар. Маҳмуд қулай фурсатдан фойдаланыб, кўбни учун ўч олнын баҳонаси билан Хоразмга келиб ушн эвог этади. Бу воқеадан кейин Хоразмшоҳ саройидан бўлган бир қанча олимлар, шу жумладан, Беруний ҳам Газнага — Маҳмуд хизматыга олиб кетилады.

Берунийнинг Газнада ёзилган ва бизгача етиб келган асарлариниңг биринчиси «Масквилар орасидаги масофаларни аниқлаш учун жойларниңг чегараларини белгилаш» яъни ҳозирда «Геодезия» номи билан юритилады. Бу асар 20-сентябрь 1025 йили ёзиб тугатилган. Беруний томонидан тузилган денгизлариниңг жойлашынн схежаси ўз наври, ҳатто, умумин, ўрта асрлар учун энг аниқ схема эди. Олимниңг бу соҳадаги ажойиб ишларидан бири, география тарихида биринчи бўлиб Африка қитъаси жануб томондан океан билан қопланган, деган фикрини алға сурганлиқидир.

Султон Маҳмуд 1000-йилдан бошлаб Хиндистонга тез-тез «газог» билан борар эди. Шунинг учун Беруний 1017 йилан Газнага келган вақтидан бошлаб ҳиндлар билан бевоқият муносабатда бўлиш имкониятига эга бўлады.

«Сайдана»даги айрим фактлардан Берунийниңг Қашмир тоғларигача ҳам борганлиғи аниқлашлады. Шундай қилиб, Беруний Хиндистонни ва ушннг бой маданиятинини ҳар томонлама чуқур ўрганишга киришади. Бунинг учун у аввало ҳинд китобларини муталаа қилын ва олимларни билан яқин муносабатда бўлиш орқали ҳиндлариниңг классик адабий тили бўлган санскритни ўргана бошлади ва тез орада ушн шу даражада чуқур эгал-



лейдики, араб тилидаги илмий асарларнинг санскритга ва аксинча, санскрит тилидагиларнинг арабгага таржима қиллади.

Беруний ҳеч қандай қийинчиликларга қарамай Ҳиндистоннинг табиати, у ерда яшовчи халқларнинг тарихи, урф-одатлари, диний ақидалари, фалсафий системалари, адабиёти ва илмларини 13 йил давомида чуқур ва атрофлича ўрганиб, ўзининг 80 бобдан иборат машҳур «Ҳиндистон» асарини яратди. 1030 йили тугалланган бу асарнинг тўла номи «Ҳиндларнинг ақлга сиғадиган ёки сиғмайдиган таълимотларининг ҳақиқати ва аниқлиги» бўлиб, унинг бир неча қўлёзма нусхалари бизгача етиб келган.

Махмуднинг рафотидан сўнг Ғазнавиёлар тахтига унинг ўғли султон Масъуд (1030—1041) ўтиради ва бу вақтда Беруний ҳаётда кескин ўзгариш кўрайди. Ёш султон илм-фанни севар ва шавқан ўзи астрономия билан қизиқар эди, шунинг учун ҳам Берунийга олоҳида ҳурмат билан қараб, унинг илмий ишларига кенг шароит яратиб беради. Бунга жавобан Беруний фанининг астрономия ва математикага оид энг бирик асарини Масъудга бағишлайди ва унга «ал-Қонун ал-масъудийя» («Қонуни Масъудий») деб ном қўяди. Тахминан 1036 йилда ёзиб тугалланган бу асар ўрта асрларда Шарқда Берунийнинг бошқа асарларига нисбатан кўпроқ машҳур бўлган ва олимлар томонидан юксак баҳоланган.

Беруний ҳаётининг сўнги етти йили Масъуднинг ўғли султон Мавдуд (1041—1048) даврига тўғри келади. Бу даврда ҳам олим самарали илмий ишларини тинмай давом эттирди ва бир неча бирик асарларини яратди. Шунлардан бири «ал-Жамохир фи маърифат ал-жавоҳир» («Жавоҳирларни билиш учун маълумотлар тўплами») номли китоби бўлиб, унда қимматбаҳо минераллар ва металллар ҳақида фикр юритилади. Шунинг учун ҳам бу асар ҳозир «Минерология» деб юритилади. (АР № 11).

Берунийнинг энг сўнги асари доринуюслонликка бағишланган бўлиб, «Китоб ар-сайдана фи-т-тибб» («Табибатда доринуюслонлик китоби») деб аталади. Уш олим жуда кексалиб қолган вақтида ёзишга киришди ва узи-кеси тахрирдан чиқаришга улгурмай алфог этади. Дунё бўйича бу асарнинг фақат нуқсонли битта қўлёзма нусхаси сақланиб қолган эди. Уни У. И. Қаримов биринчи бўлиб «Сайдана» («Фармакогнозия») номи бил-

дан рус тилига тәржима қилиб чоп эттирди. (АР № 12, 62).

«Сайдана» Шарқ мамлакатлари жумладан, Ўрта Осиёда доривунослик (фармакогнозия) тарихида алоҳида ўрин тутувчи муҳим бир асардир. Асарнинг муқаддимасида Беруний бу фаннинг вазифалари ва унинг баъзи бир назарий масалаларига шу қадар кенг ва илмий жиҳатдан тўхталиб ўтадики, бу нарса Берунийни Ўрта Осиёда фармакогнозия илмига асос солувчилардан бири деб ҳисоблашга имкон беради.

Китобнинг асосий қисми ўсимлик, ҳайвон ва маъдалардан олинган 1000 дан ортиқ доривор моддаларни ҳар томонлама таърифлашга бағишланган. «Сайдана»нинг доривуносликка онд бошқа асарлардан фарқи шунки, бузда Беруний ҳар бир ўсимлик, ҳайвон ёки маъданининг номини бир неча тилда келтиради: араб, форс, юзон, сурёний, ҳинд (санскрит), хоразмий, сугдий, туркий ва бошқалар. Умуман, китобда доривор моддаларнинг 30 дан ортиқ тил ва лаҳжалардаги 4500 номи қайд этилган. Бу нарса Беруний давридаги табиб ва доривунослар учун қиначлик муҳим бўлган бўлса, ҳозирги замон тадқиқотчилари учун ҳам шунчалик қимматлидир. Чунки у синонимлар дориларини тўғри аниқлаш имконини беради.

Беруний кўпинча ўзи бўлган мамлакатлар, яъни Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон ва Ҳиндистонда шахсан учратган доривор моддалар ҳақида қизиқарли маълумотларни келтиради, булар шу мамлакатлар фани ва маданиятининг тарихи нуқтан назаридан алоҳида аҳамиятга эга. Бундан ташқари «Сайдана» олим ижодининг ҳали кам ўрганилган томонларини ёритиш учун ҳам муҳим қўллашмадир. Умуман, «Сайдана» Берунийнинг доривунослик ва табobatдан ташқари, ботаника, зоология, филология, география каби бошқа фанларга ҳам қўшган ҳиссаси жузъ салмоқдан бўлганини кўрсатади.

Беруний 1048 йил 11-декабрда 75 ёшида Ғазна шаҳрида вафот этди.

Беруний 1036 йилининг сентябрда ўз асарларининг рўйхатини тузган эди. Шу рўйхат бўйича олимнинг ўша вақтгача ёзган асарлари 106 та бўлган. Аммо ундай кейин Беруний яна 12 йил яшаб, қатор янги асарлар яратди. Шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олганда, унинг жами асарларининг сони 152 тага боради. Шулардан 70 таси астрономияга, 20 таси математикага,

12 таси географияга ва геодезияга, 4 таси картографияга, 3 таси об—ҳайвон маъволалариغا, 3 таси минералогияга, 1 таси физикага, 1 таси дориншуносликка, 15 таси тарих ва этнографияга, 4 таси фалсафага ва 18 таси адабиётга бағишланган. Афеуски, буларнинг қўли йўқлиб кетиб, бизгача фақат 36 таъсирини етиб келган. Аммо шу саккизиб қолган асарларнинг ўзи ҳам кишилик маданияти ҳақиқисига қўшилган йирик ва бебаҳо мансаблар. (АР № 32, 63, 66, 68, 98).

## 9. АБУ САҲЛ МАСИҲИЙ ЖУРЖОНИЙ

(970—1010)

Абу Саҳл Масиҳий ҳам ибн Синонинг ҳамасридир. У Гургонда туғилган, Хоразмда яшоб ижод этган. Унга кўчларда Хоразмда Беруний, Ибн Сино, Абу-л-Хайр, Ибн Прок ва бошқалар ҳам яшар эди. Масиҳий замонасининг йирик табиби, табиатшуноси, астроном ва фалсафуфи эди. У тўмониди математикага, астрономияга ва иккиншуносликка оид асарлар ёзилган.

Бироқ, фай тарихда Масиҳий табиб сифатида машҳурроқдир. У Ибн Синонинг яқин дўсти ва таъобат соҳасида унинг устозларидан бири эди. Масиҳий Ибн Сино билан биргаликда Хоразмдан Хуросонга ўтиб кетганда 40 ёшида 1010 йили побуд бўлган.

Масиҳий ёгани 2 та тиббий асар бизгача етиб келган, улардан бири қомусий аҳамиятга эга, қолганлари таъобатнинг айрим масалалари: умумий терапияга, одам аъзоларининг физиологиясига, чечакка, ўлат (чума)га мизожга ва томир урушига бағишланган. Масиҳийнинг ласий ва энг катта асари «Кутуб ал-миъа фи с-синоъат ат-тиббия» («Таъобат савъати бўйича юз китоб») деб аталади. Бу асар бизгача қўлига нуехаларда етиб келган бўлиб, битга тўлиқ бўлиган нуехаси У.Ф. IIII (анжом рақам 12970) да сақланмоқда. У 36 китоб («китоб» бу жойда «боб» маъносига) дан иборат, «Юз китоб» қўлидаги маъзуларга бағишланган: 1—29 китоблар таъобатнинг умумий назариясига бағишланган, 30—33-содда дориларга бағишланган, 34—38-ҳам билам бир умумий масалалар (касалликларнинг сабаби ва белгилари) га бағишланган, 39—62-нентлар, шимилар ва томир урушига бағишланган, 63—91-плавининг бошидан товошигача бўлган аъзоларида юз берадиган жузвий

касаликларга бағишланган, 95—100-терп касаликларга, чиркин ва захарларга бағишланган.

Ўрта асрларда Алсидийнинг бу асари — чуқур тадқиқот эканлиги, бади услубининг тушунарлиги, ихчамлиги ва қабиларидарининг йўқлиги билан юқори баҳаланган. Арузий Самарқандий бу асарини Жолшарҳ, Розиий ва Ибн Синоларнинг асарлари билан бир қаторда ўрганишини таълиф қилган эди. Афсуски, Ўрта Осиё таъбаотиининг бу ажойиб бағорлиги шу кунгача янаш қадимлаган ва ҳозирги замон таъбаот тарихи мустақилликлари назаридан исосенки четда қилиб келмоқда, (МР № 61).

## 16. АБУ АЛИ ИБН СИНО

(980—1037)

Таъбиотининг тўлиқ ваъни Абу Али ал-Хусайн ибн Абдуллоҳ ал-Хазеъи ибн Али Ибн Сино бўлиб, кўпинча қисқарттириб Абу Али ибн Сино деб зоритилади. Бу ваъ қадимий иқудий тилида Авиценна деб ёзилган ва олимнинг Европада кенг тарқалган Латинча шаклидаги ваъни шу сўздин бир өз бузиб талаффуз этишдан келиб чиққан.

Ибн Синонинг отаси Абдуллоҳ Балх шаҳридан бўлиб, Сомонийлар ваъни Нуҳ ибн Мансур (976—997) даврида Бухоро томонига кўчиб келади ва ўша атрофдаги Хурмитон қишлоғига амалдор этиб тайинланади. Кейин Афшана ваъни қишлоқда ҳам иетиқомат қилади ва шу қишлоқдаги Ситора ваъни қизга уйланади. Уларнинг 2 ўғиллари бўлиб, каттаси Хусайн эди. У 980 йили дунёга келади.

Хусайн 5 ёшга киргач, Ибн Синолар ваъни Бухорога хўчиб келади ва уни ўқишга берадилар. Ибн Сино аввал Қуръон ва адаб дарсларини ўқиди ва 10 ёшга етар-етмас бу дарсларини тўла ўқидириб олади. Айни вақтда у арифметика ва алгебра билан ҳам шугулланади. Булардан ташқари, ўида Абу Абдуллоҳ ан-Нотийлий раҳбарлигида математика, геометрия ва астрономия фанларини ўқиди. Шу билан бирга Ибн Сино таъбиот фанлар билан ҳам жиддий шугулланади; хусусан таъбаотини севиб ўрганади. У ўзининг тўлма истеъдоди ва фавқу-

лодда меҳнатсеварлиги туфайли дарсларни осонлик билан ўзлаштиради ва ҳатто муаллимларга номаном дарсларни ҳам китобдан мустақил ўқиб билиб олар эди.

Айниқса тиб илмида у жуда тез камол топа бошлайди. «Тиб илми,— деб ёзади Ибн Сино ўз тарихнамаларида,— қайси илмлардан эмас, шу сабабли қисқа муддат ичида бу фанда жуда илгорлаб кетдим, энди ҳатто билимдон табиблар ҳам келиб хузуримда тиб илмидан дарс оладиган бўлдилар. Беморларни ҳам кўраб турардим ва шу йўсида эрттирган тажрибаларим натижасида муолижа эшикларини менга шу қадар кенг очилиб кетдики, уни таърифлаб бериш қийин».

Ибн Сино 17 ёшлагаёқ Бухоро халқи орасида моҳир табиб сифатида долг чиқаради. Ушбу кезларда сомонийлар давлатининг бошлиғи Нуҳ ибн Мансур касал бўлиб, сарой табиблари уни даволашдан оғина эдилар. Бухорода янги чиққан ёш табибнинг овозаси саройга етиб берган эди, уни амирни даволашга таклиф қилдилар ва унинг иштирокида даволанган бемор тез фуриятда оёққа туради. Бунинг эвазига Ибн Сино сарой кутубхонасидаги фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Бу кутубхона ўша вақтда бутун Урта ва Яқин Шарқдаги энг катта ва бой кутубхоналардан саналарди. Бир неча йил давомида кеча-кундуз тинимли мутолаа қилиш натижасида Ибн Сино ўз билим доирасини мислсиз даражада кенгайтирадики, у дарди шу қадар билимга эга бўлган бошқа бир кишини топиш мушкул эди.

999 йили Қорахонийлар Бухорони забт этиб, Сомонийлар давлатини йиқитдилар. Бунинг устига эйрим феодал ҳукмдорларининг ўзаро уруши Бухорода тинч ва хотиржамликда илмий ишларни давом эттиришга қулай фурсат қолдирмагачи эди. Булар етмагандек 1002-йили Ибн Синопнинг отаси вафот этади. Оқибатда Ибн Сино ўз юрти Бухорони тарк этиб Хоразм (Урганч) га кетади.

Хоразмшоҳлар Али ибн Маъмул (997—1009) ва ибн Маъмул (1009—1017) лар даврида Урганчда кўпгина замонасининг ташиқли олимлари яшар ва ижод этар эдилар. Илмий астролом ва математик Абу Наср ибн Ирак (Берунийнинг ўстаси, 1034 й. вафот этган), атоқли табиб ва философ Абу Саҳл Масихий (1010 й. вафот этган), Абул-л-Хайр Хаммор (912—1030), ниҳоят буюк олим Абу Райҳон Беруний (973—1048) шулар жумласидандир.



Уз сўёсатида кўпроқ руҳонийларга таянадиган Ғазий ҳукмронин Султон Маҳмуд (998—1030) Хоразм ерларини ўз давлатига қўшиб олишга ҳаракат қилади. Унга тобе бўлишни истамаган Ибн Сино тахминан 1010—1011 йилларда Хоразмдан маҳфий равишда чиқиб Хуросон томон йўл олади. Нисо, Абшвард (бу шаҳарлар ҳозирги Туркменистон ерларида бўлган) ва бошқа шаҳарларда қисқа вақт тургандан кейин Қасбий девизининг шароит-жанубида жойлашган Гургон амирлигига етиб боради. Бу ерда Абу Убайд Жузжоний билан топишади, шундан бошлаб бу илгир Ибн Синога энг яқин ва содиқ шоғирд бўлиб қолади ва устозининг охириги нафасигача ундаи ақралмайди. Жузжоний Ибн Синонинг то Гургонга кел-гунча бўлган таржиман ҳолини унинг ўз оғзидан ёзиб олган, устоз ҳаётдаги ундаи кейинги воқеаларни ҳам ўзи ёзиб тўлатган, шу туфайли биз Ибн Синонинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ишончли манбага эгамиз. (АР № 42, 49).

Кўп ўтмай Ибн Сино Гургонда ўзининг илмий иш-лари ва таъбиблик фаолиятини бошлаб юборади. «Тиб қонуилари»нинг 1-китоби ва бошқа асарларини ёзишга киришади.

1014-йили Ибн Сино Гургонни ҳам тарк этади ва бир қанча муддат Рай ва Қазвин шаҳарларида тургандан кейин Ҳамадонга келади, ва бувайҳийлар ҳукидори Шамс ад-давла (997—1021) хизматига киради — олдин сарой табиби бўлиб ишлайди, сўнгра вазирлик манса-бига кўтариллади.

Ибн Синонинг шоғирди Жузжонийнинг айтишича, Ҳамадонда яшаш устози учун оғир бўлагач, Исфохон амирин Ало ад-Давлага хат юбортириб, унинг олдига четноқчи бўлади. Лекин мактубин Ҳамадонда тутиб олиб, Ибн Синони Фардажон номли бир қалъага қамай-диллар. У бу қалъага кирар экан, шундай гамгин мисра-лар айтади:

Бу ерга киришни, кўриб турибсан, шубҳасиздир,  
Бутун шубҳа бу ердаи қачон чиқяшимдадир. (АР  
№ 138).

Ибн Сино бу қалъада тўрт ой ётади ва озад бўлагач, ёнида укәси Маҳмуд, шоғирди Жузжоний ва икки хиз-маткори билан бирга дарвин илминда Ҳамадондан Исфохонга кетадилар.

Ибн Сино «Юрак дорилари» (ал-Алфият ал-қалбия) номли рисоласини шундай бир ғамгин ва фалокатли ҳаёт кечирган Ҳамадон шаҳрига илк келган вақтида ёзган.

Жузжонидининг ёзишича, Ибн Сино жисмоний жиҳатдан ҳам жуда бақувват киши бўлган. Бироқ, шаҳарма-шаҳар дарбадарликда юрши, кечилари ухлэмасдан узлуксиз ишлаш ва бир неча бор таъқиб остига олиниб, ҳатто ҳибсда ётишлар олинининг саломатлигига таъсир этмай қолмади.

У ҳуланж (қолит) касаллигига чалиниб қолган эди. Касаллик зурайғач, уни тутқалоқ тутадиган бўлди, оқибатда шу дарадаки у 1937 йили 57 ёшида Ҳамадонда вафот этди. Унинг қабри ҳозиргача сақланиб қолган.

### ИБН СИНОНИНГ ТИББИЙ АСАРЛАРИ ҲАҚИДА

Ибн Сино 450 дан ортиқ асарлар ёзиб қолдирган бўлса ҳам бизгача уларнинг 242 тасигина етиб келган. Шу 242 дан 80 таси фалсафа, илоҳиёт ва тасаввуфга тегишли, 43 таси табобатга оид, 19 таси мантиққа, 26 таси психологияга, 23 таси табиқёт илмига, 7 таси астрономияга, 1 таси математикага, 1 таси музикага, 2 таси кимёга, 9 таси этикага, 4 таси адабиётга ва 8 таси бошқа олимлар билан бўлган илмий ёзишмаларга бағишланган. (АР № 6—9, 129).

Ибн Синонинг бизгача етиб келган тиббий рисола-лари («Тиб қолунлари»дан ташқари)нинг мазмунига кўра уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Умумий хусусиятга эга бўлган асарлар, буларда куйиндогилар ёритилган:

а) табобатнинг деярли барча соҳалари (бунга Ибн Синонинг «Табобат ҳақидаги уржуза»си мисол бўлади). (АР № 126, 127).

б) бу фаннинг бирорта соҳаси — бунга соғлиқни сақлаш ва титиенага оид назм ва насрда ёзилган бир қатор рисоалари кирди (масалан, «Саломатлиқни сақлаш ҳақида ёзилган уржуза», «Тўрт фаслга оид тиббий уржуза», «Сафёрда бўладиганларнинг тадбири ҳақида рисола», «Аскар манзилгоҳини тuzатиш тадбири ҳақида», «Саломатлиқни сақлаш ҳақидаги рисола», «Тадбирда йўл кўйилган ҳар қил хатоларга қарши чора кўриш орқали инсон бадавлига етишган турли зарарларни йўқотиш»); панд-насиҳат ва табибга умумий тавсия шак-

лида ёзилган бир қанча асарлар (масалан, «Буқрот тиббий насихатлари ҳақида уржуза», «Тиббий дастур»); айрим назарий масалаларга бағишланган рисолаалар (масалан, «Тузга ва ёғ иссиқликларнинг фарқи ҳақида»); исботи маъноли инебатан шиллиқдан осон пайдо бўлиши сабаблари шарҳи (масалан, «Хунайн ибн Исҳоқ масалаларининг шарҳи»); бу гуруҳга яна шунга ўхшаш мавзуда бошқа тибблар билан олиб борилган баҳс киради (масалан, «Абу-л-Фараж ибн ат-Таййиб китобини рад қилиш ҳақида рисола», «Шайх Абу-л-Фараж ибн Абу Салъд ал-Иаманий мақолалига раддия»); шунингдек («Анатомияга оид уржуза», «Қон олинадиган томшурлар», «Темар уриши ҳақида рисола»). (АР № 9, 51).

II. Бирорта аълонинг касаллиги ёки муайян бир касалликка бағишланган асарлар. Масалан, юрак касалликлари ва уни даволашга бағишланган дорилорлар ҳақида («Юрак дорилари рисолалиси»); йўгон ичак касаллигини бағишланган («Йўгон ичак касалликлари ҳақида рисола»); жинсий аъзолар фаолиятининг бузулиши ҳақида («Жинсий алоқа ҳақида уржуза», «Манйининг (ихтиёрсиз) оқишига қарши тадбир»). (АР № 14, 15, 17, 25, 138).

III. Дорини уносликка оид асарлар: буларнинг айримлари умумийроқ масалаларга бағишланган — дори-дармон билан пазқ бўладиган моддалар ўртасидаги фарққа («Озқ бўладиган моддалар ва дориалар»), ҳар бир дориини ичиш учун маъқул бир вақтни тайинлаш («Тиббий насихатлар ёзилган уржуза»), содда дориаларнинг бир ичим миқдорини кўрсатиш («Содда дориаларнинг ичиладиган миқдори [ва уларнинг зарари]»). Шунга қалари ҳам борки, уларда дориаларни тайёрлаш усуллари ва хусусияти ҳам баён этилган, шунингдек муайян дори-дорини қўлландиган ўринлари айтилган («Сиханжубки ҳақида рисола», «Баданини идора этиш, шаробининг фазилатлари ва унинг зарарлари», «Сечратқи ҳақида рисола»). (АР № 9, 139).

Мазкур рисолааларда қайд этилган барча масалалар Ибн Синонинг асосий тиббий асари — «Таб қонунари»да маълум даражада ёритилган. Бироқ, бу рисолаалар силчиқлаб ўрганиб чиқилмагунча, уларнинг «Қонуни» билан ўзаро муносабатларини айтиб бўлмайди — улар «Қонуни»нинг мос келадиган бирорта қисмини бирор-шаклдаги тажрорини ёки улар бетакроф, мустақил рисолааларини?

1970 йил охиралигига келиб, Ибн Синонинг таржимма қилинган китоблари нодир библиографик асарларга айланган қолди. Уларга бўлган таъаб эса тобора ошиб бормоқда эди. Шунинг учун ҳам 1980 йили Ўзбекистон Фанлар академияси Ибн Сино таваллудини 1000 йиллигига бағишлаб «Тиб қонуллари»нинг иккинчи туза-тишти ва ўзбекча ва русча нашриги босмага тайёрлади. 63 уш 1979—1983 йиллар мобайнида нашрдан чиқарди. (АР № 8).

«Тиб қонуллари» (жаз-Қонуи фн-т-тибб) беш китоб-дан иборат:

Биринчи китоб таъобатнинг назарий асослари ҳамда амалий таъобатнинг умумий масалалари ҳақида маълумот беради. Таъобат намининг таърифни, унинг вазифалари, хил ва мижоза ҳақидаги таълимот баён қилинади... (АР № 46, 102, 128).

Иккинчи китоб — ўша вақт таъобатинда қўлланилган дори-дармонлар ҳақида зарурий маълумотлар баён қилинган мукамал мажмуадир. Унда ўсимлик, ҳайвон ва ҳаёданлардан олинмаган 800 дан ортиқ дори-дармон таърифни, уларнинг даволик хусусиятлари ва қўлланиш усуллари баён қилинган. (АР № 18, 20, 59, 112, 115).

Учинчи китоб рисола таъобатнинг бошидан товоғигача бўлган аъзоларида юз берарган «хусусий» ёки «маҳаллий» касалликлар ҳақида маълумот беради. Бомқача қилаб айтганда, бу китоб хусусий патология ва терапияга бағишланган. (АР № 27—26,41).

Тўртинчи китоб киши аъзоларидан биронтасига ҳос бўлмаган «умумий» касалликларга бағишланган. Бундай касалликларга турли иситмалар (касаллик давридаги бухронлар), ишчилар (шу жумладан рак), тошмалар, яра-чақалар, куйиш, суяк синиши ва чиқиши, асабларнинг жароҳатланиши, баш суяги, кўкрак қафаси, умуртқа ва қўл оёқларининг шикастланиши киритилган. (АР № 37—33,124).

Бешинчи китоб фармакология бўлиб, унда мураккаб таркибли дори-дармонларни тайёрлаш ва улардан фойдаланиш усуллари баён қилинган.

1987 йили Ўзбекистон «Фан» нашриёти» Абу Али ибн Сино тиббий рисоаларининг бир томлигини омма-лаштирди. Унга қуйидаги II рисола киритилган:

1. «Ибн Синонинг тиб ҳақидаги шеърӣ асари — «Уржуза», «Уржуза» Ибн Сино қаламига мансуб шеърӣ асарларнинг барқамоли ва энг улугидир. Бундай



асар яратиш учун муаллиф кўн иштагани ва ўз гонларининг халққа тезда етиб боришини истаганлиги ҳақида шундай дейди: «Мен бу «Уржўза»га камолат тушини ва ҳусн сарушонини нийгаздим, уни ўрғаниш осонроқ, машаққати камроқ бўлсин деб, тўқилшини осон, шозини енгил қилдим». Бунинг натижасида, — дейди Ибн Сино, — қимқи унга идрок кўн билан қараса, бу ҳажми кичик асар туғайли катта нафта эриша олсин мумкин.

2. «Юрак дорилари». Тебббат фанининг тараққиятида Ибн Сино тиббий асарлари юқори баҳоланади. Ибн Сино асрдошлари ва унлаи бир иecha юз йил кейин ўтган табиблардан Ибн Жаъла (вафоти 1100 й.) Ибн Бойтор (вафоти 1248 й.), Хажжа Зайн ал-Аттор (XIV аср), Ҳакимий (XV аср)лар ўзлари ёзган тиббий асарларининг юрак касалликлари бобида Ибн Сино «Юрак дорилари» рисолиснда кўрсатилган соада дорилардан бевосита фойдаланибгина қолмай, бу дориларнинг юракка етказадиган зўр манфаатини ва бу соҳада Ибн Синодан кейин ўтган табиблар ҳам унинг билан тараққисига ета олмагандекликларининг жонли тубоҳи бўладилар.

Мирзо Улуғбек (1447—1449) таклифига кўра, Самарқандга ижод қилиш учун келган пермялик табиб Нафис ибн Аваз Кермоний (XV аср), Жамолуддин Муҳаммад Оқсароий (XIX аср) ўзларининг тиббий асарларида Ибн Сионинг руҳ ҳақида айтган материалистик фикрларидан ўринли фойдазланганлар.

Мир Муҳаммад Замон Дейламий (XVII аср), Муҳаммад Боқир (XVII аср), Солиҳ ибн Муҳаммад Қисбий (XVII), Муҳаммад Солиҳ Бухорий (XIX аср)лар ўзларининг тиббий асарларида Ибн Сионинг меликхония касалини давослаш учун кашф этган ёқутий дорисидан ўзларининг фойдаланиб қолмай, бу дори билан оталарки ва ҳамкасблари ҳам бейорларни муваффақиятли тuzатганиклари ҳақида туноҳлиқ бериладилар.

Демак, Ибн Сионинг «Юрак дорилари» номли рисоласи юрак касалликларини ўрғаниш ва тuzатиш ишида муаллиф замонаснда ҳам, ундан кейин ҳам, то XIX асргача Шарқ табиблари орасида тенги йўқ бўладими бўлиб келган. (АР № 21).

3. «Тадбирда йўл қўйилган ҳар бир католарга қарши чора кўриш орқали инсон баданига етишган турли



зарарларин йўқотиш» («Дафъ ал-мазорр ал-куллия ан ал-абдан ал-иксония би-тадорик анвоъ хато ат-тадбир»). Мазкур рисолаги Ибн Сино ўзига замондош бўлган давлат арбоби ва олимларга ҳомийлик қилган илмлар-лар ҳоламанг вазири Абу-л-Ҳасан ас-Саҳлангга бағиш-лаб ёзган. Рисола соғаники етказилишиг назарий ма-салалари устида баҳс қилувчи асардир.

4. «Водани идора этиш, шаробнинг фазилатлари ва унинг зарарлари» («Снбсат ал-бадан ва фазил аш-шароб ва мануфияти ва мазорриҳ») номли рисола Ибн Синонинг бошқа рисодалари орасида энг кичири деса бўлади, чунки у фақат бир варақни ташкил этади. Ри-солада Ибн Сино айтганидек, шаробнинг оз ичувчига бўладиган зирифтлари, фазилатлари ва шунингдек баъзи бир зарарлари, кўл ичувчиси аладини ва шароб-дан туғилаган барча касалликларда киз берадиган ҳолатлар ҳақида қисқа гапирилади.

5. «Томир уриши ҳақида рисола» («Рисола-ли наб-зия») Ибн Сино томонидан форе тилда ёзилган бу рисолада аввал томир уришининг таърифи берилади, ундан сўнг томир уришининг зоҳияти ва хиллари ай-тилаган. Бу рисолада келтирилган форе ва араб тилла-ридаги терминлар муҳим аҳамиятга эга. Рисола «Қо-нуни»нинг шу мавзуга бағишланган қисмига тақминан тенг келади.

6. «Қон олимпиаган томирлар ҳақида» («Рисола фи-л-уруқ ал-мафеуда») араб тилида ёзилган бу рисола-нинг мазмуниги Ибн Сино унинг кириш қисмида қуйи-даги икки жумлада баён қилади: «Қон олимпиаган то-мирлар... икки турдир. Бир тури — веналар, ина бир тури — айрим артериялар», бўлиб, буларнинг ҳаммаси 43 гадир.

7. «Сафарда бўладиганларнинг тадбири ҳақида ри-сола» («Фи тадбир ал-мусофирин»). Рисолада умуман сафарда бўладиганларнинг тадбирларидан ташқари, денгизда сафар қилувчиларнинг махсус тадбири, қор-дан қамашган кўзининг давоси, қишда кишининг қўли ва оёқларида юз берган қиш билан бўладиган оғриққа қарши ишлатиланган тадбирлар, терияда пайдо бўл-ган шилиниш ва оёқ кишим уришидан вужудга келган чақаларнинг давоси каби масалалар баён қилинган.

8. «Шаҳвоний қувват ҳақида рисола» («Рисола фил-л-боҳ»). Рисолада жинсий қобилият ва ёш ўтиши бил-ан унинг сусайиб бориши ҳақида сўз юретилади. Шу-

нингдек, шахвоний қувватин кучайтирувчи дори ва тал-бирлар айтилган.

9. «Жудия рисола» («Рисола-йн жудия»). Бу Ибн Синонинг форс тилида ёзилган рисолаларидан бири. Рисоланing кириш қисмида уни султон Маҳмудга бағишланганлигини айтилган. Бироқ, баъзи мутахассисларнинг фикрига кўра, бу рисола Ибн Сино ёзганлиги шубҳа тугдиради. Рисола киришдан ташқари саккиз бобдан иборат бўлиб, жумладан хўз, тиш оғриғи ва меъда касалликларини даволаш баён қилинган. Шунингдек, унда баъзи бир гигиена ва санитарияга оид масалалар ҳақида ҳам гап юритилади.

10. «Сячратқи ҳақида рисола» («Рисола фи-л-ҳиндабо»). Бу рисолада суз нега табиблар ювилмаган сячратқи ширасини ишлатишни буюрадилар, деган масала билан бошланган бўлиб, рисола давомида бу саволга жааоб бериб борилади.

11. «Сиканжубин ҳақида рисола» («Рисола фи-с-сиканжубин»). Сиканжубин — бу шифобаҳш ичимлик бўлиб, у асосан узум сиркаси ва эсалдан тайёрланади. Баъзи ҳолларда унга доривор ўсимлик уруғлари ёки илдизлари ҳам қўшилади. Бу рисола Ибн Сино Абу Саъид исми кишига атаб ёзган. (АР № 23,66).

## II. АБУ АБДУЛЛОҲ АН-НОТИЛИЙ АС-САМАРҚАНДИЙ

(X—XI асрлар)

Абу Абдуллоҳ ан-Нотилий тарихда Ибн Синонинг ушда унга дарс берган уй ўқитувчиси сифатида машҳурдир. Ибн Синога жантиқ, геометрия, астрономия ва фалсафадан дарс берган устоз ва биринчи бўлиб, Ибн Синонинг истеъдодини ҳамда илм ўрганишига бўлган кучли қобилиятини пайқаган, шунингдек отасига ўғлини илмдан бошқа нарса билан шуғуллантирмаслигини айтган олимдир.

Нотилийнинг фан тарихидаги асосий хизмати грек доринуюси ва табиби Диоскурдае (I аср)нинг машҳур «Дориворлар ҳақида» номли асарининг арабча таржимасини янги таҳририни бажарган. Бу асар юнон тилидан араб тилига Истифайн ибн Басил томонидан Бағдодда халифа ал-Мутанаккил (847—861) даврида бажарилган эди. Истифайн ибн Басилнинг таржима-

сизда кўнишга юмонча дориворларнинг арабча номлари таржимасига маълум бўлмаганлиги учун юмонча номлари ўзинча қолдирилган эди.

Нотидий бешқа фанлар билан бир қаторда табобат билан ҳам шугулланган. Бу соҳалаги унинг устози йирик табиб ва файласуфи Абу-фараж ибн ат-Таййиб (вафот 1043 й.) бўлиб, устоз юмон тилини ҳам билган, ҳатто Арзету, Буқрот ва Жолнуус асарларига шарҳ ёзган.

Нотидийнинг мазкур Дюсқуридаус асарининг арабча таржимасига ётган таҳрири бизгача 4 та қўлёзма нусхада етиб келган. Улардан бири 1083 йили кўчирилган бўлиб, бу нусха Нотидийнинг ўз қўли билан 990 йили Самарқандда ёзилиб, сомонийларнинг Хуроёндаги ноиб турк лашкарбони Абу Али ас-Симжурий (986—997) га тақдим этилган нусхадан кўчирилган. Бу асарнинг килин қисмида Нотидийнинг айгинича Абу Али ас-Симжурийнинг таълифига кўра, Дюсқуридауснинг ушбу «Дориворлар ҳақида» номли китобагаи барча чалкашликларини ва камчиликларини тузатган ҳамда таҳрир қилган. Шунингдек, китобни Нотидийнинг ўзи кўчирган ва ундаги барча ўсимлик ва ҳайвонлар расмини ўз қўли билан чизган, юмонча қолдирилган дориворлар номининг ўранга арабча эквивалентларини топиб қўйган.

## 12. АБУ АБДУЛЛОҲ АЛ-ИЙЛОҚИЙ

(1067 й. вафот этган)

Тошкент яқинида жойлашган Ийлоқ қишлоғида туғилиб нашъунамо тоғган Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф ал-Ийлоқий Абу Али ибн Синонинг шогирди ва унинг «Тиб қонуллари» асарини ўрганиб, унинг биринчи китобига «Муҳтасар ал-Ийлоқий» («Ийлоқий қисқартмаси») номли қисқартма тузган табибдир. Бу асарнинг бир нусхаси Қоҳира кутубхонасида сақланмоқда.

Бу «Лугат»нинг 1953 йилгача муаллиф дастхати билан кўчирилган 39 ыарақдан иборат нусхаси бизгача етиб келган.

Ҳомидхон ўз укаси Бонетхон Шошиининг «Қонуи ал-мабсуут» (қаринг) номли асарининг қисқартирилган нусхасини туздан ва ўз қўли билан кўчириб, рисола ҳолига келтиради. Бизга бу рисоланинг 1953 йилгача муаллиф-муҳаррир томондан кўчирилган, 35 ыарақдан иборат нусхаси етиб келган.

Булардан ташқари Ҳомидхон Шошии Букротининг Хунаби нби Нехоқ араб тилига таржима қилган «ар-Рисола ал-қабрия» номли асарини ўзбек тилига таржима қилган. Таржима матнининг олдига эса Букротининг

ҳаёти ва у ёниб қолдирган асарларни рўйхатини ширитган.

Ховандхон Шонийнинг котиблик сифатини тасдиқлаётган асарларидан бири «Ташриҳ» «Китоб-и таркиб-а-нажидани» деб номланган Маҳмуд Хуқондийнинг асарини 1953 йилгача юмурганишидир. Бу қўлёзма ЎзФА ШИ (анжом рақами 12635/III) да сақланмоқда.

### БЗ. БОСИҲОН ИБН ЗОХИДХОН ИБН МУҲАММАД СОДИҚХОН ШОНИИ

(1878—1939)

У Тошкентда табиб оиласида туғилди ва бутун умрини шу шаҳарда ўтказди. Ёштан ёшидан бошлаб Боситхон ўз отасининг раҳбарлигида араб, форс-тожик ва ўзбек тили ҳамда адабиётини, хусусан, Шарқ табобатини ўргана бошлади. Натижада у табиб, шонр ва форс-тожик тилида ёзилган ҳикомларни ўзбек тилига айлантирувчи таржумон сифатида танилди.

Бизгача табиб Боситхоннинг ўзбек тилида ўз қўли билан ёзган учта тиббий асари етиб келган. Улардан бири «Қонуи ал-мабсут» («Кенг қонуи») ёки «Қонуи-и Боситий» («Боситнинг қонуни») деб аталган бўлиб, икки жилдан иборат. Унда табобатнинг назарий ва амалий масалалари баён қилинган. Бу асарни ёзишда муаллиф Ибн Саломнинг «Тиб қонуналари» ва унга ёзилган шарҳлардан фойдаланган. Боситхон бундай асар ёзишига асосий сабаб қилиб, араб тилидаги тиббий китоблар аҳолига тушунарли бўлмаганилигини, шунинг учун ўз замонасизлагли олим ва табиблар ундан ўзбек тилида тиббий «Қонуи» ёзиб беришигини илтимос қилганликларини айтади.

26-ноябрь 1942 йилда ёзиб тугатилган «Қонуи ал-мабсут» кириш ва 3 мақолали ўз ичига олган иккига китобдан иборат. Биринчи китоб ўз навбатида кириш ва қўлидаги 3 мақоладан ташкил топган: I мақола — «Табиий ишлар ҳақида»; II — «Нисон билан аъзоларининг анатомияси ҳақида»; III — «Нисон билан аъзоларининг ҳар хил ақволи ҳамда бундай ақвоаларни келтириб чиқаредиган сабаблар ва уларни бидирадиган белгиларни ҳақида». «Қонуи ал-мабсут»нинг иккинчи китоби биринчи китобнинг бевосита давоми бўлиб, ўз ичига IV ва

У-мақолали олган. IV-мақола — «Томир урини ва касал сийдиги ҳақида»; V — «Сонгом кишилар соғаниқларини саклаш учун ва касалларни даволани учун умумий қондалар баёнотга бағишланган».

Қонуи ал-мабсуутнинг муаллифи ҳажм жиҳатидан 130 ва қатга (310 ыорак) бўлиши билан, ундаги 8 та ыоракда иккинчи бадан ыозоларининг туцу ва рангити буйықларда баъарилган суврати берилган. Булардан ташқари, оықат ва ыаракатларининг сифат ва мыйларига бағишланган иккинчи жаъвод илова қилинган. Боситхоний тиббий китобларидоги кўрсатилган материалларини бағишлаган ҳозирги замон меъджиниенда қўлланиладиган усулдога яна бағишланганлигидан дарак береди.

Боситхонийнинг иккинчи асары «Нетилохот ал-атиббий фи иттифезот ал-ахъдбб» («Дустларининг фойдаланиши учун тиббий терминлар») деб аталган. Тиббий терминлар мугатидан иборат бу китоб «Фарҳанг ал-мабсуут» («Китоб дуст») деб ҳам юритилади. Бу мугат муаллиф томонидан 12 июнь 1944 йилда Тошкентда тугатилган. Ҳажми 136 ыорак. Мугат асосан муаллифнинг ўзбек тилида бағилган «Қонуи ал-мабсуут»да ишлатилган арабча тиббий терминларни тушунтиришга бағишланган. Асорда муаллиф иккон борича арабча терминларининг бинда унинг ўзбекча маънодош сўзини беришга ҳаракат қилган. Мугат «алифбо» тартибида тугилган. Унда тушунтирилмагилан «алиф»дан кейингича бўлган ҳар бир ыотинида «ҳаракат» (қисқа укилар) кўйилган, шунингдек, бини равишда ўқилиши кўрсатилган. Мугат «ава», жами «ини», таржимаси «иниш» сўзи билан башланади.

Боситхонийнинг узинчи асары дорিশуносликка бағишланган бўлиб, муаллиф унинг номини «Фавоид ал-адавия ва маъоид ал-адавия» («Фойдали дорилар ва хилма-хил таъкилар») деб қўйган. Бу асар 1950 йилгача ЎзР ФА томонидан муаллифга топширилган кўч жиптлик қатга илжий ишнинг биринчи жипди ҳисобланади. Қолган жипдлари Боситхонийнинг 50-йиллардан кейин соғаниқининг ёмонлашини натижасида қалиб кетган. «Фавоид ал-адавия»нинг биринчи жипди сўзбоси ва киришдан ташқари 13 фаслдан иборат: I фаслда — «Хосият ва мураккаб қувватларга эга бўлган дори ва оықатлар баён қилинади»; V — «Табибларнинг кўрларидоги ҳарамма-доринишларининг сабаблари баёнида»; VI — «Дориларни ўз вақтида тарияб олиш ва

эхтиётлик билан сақлаш усуллари ҳақида қисқача баён»; VI — «Соғда дориларининг умри, яъни қувватли-  
лиги яроқлик мулаоти ҳақида қисқача баён»; VII —  
«Овдат емоқ ва ичмоқ ҳамда таъмининг баъзи хилларини  
бир-бирига қўшиб истеъмол қилиш керак эмаслигининг  
баёнида»; XI — «Дориларни куйдириш, қовуриш, юшиш,  
эптак сутини ичиш, баъзи дориларни олиш қондалари  
ва санъатлари баёнида»; XII — «Ҳинд ва Эрон табоба-  
тида ишлатилиб турган вази ўлчовларининг номлари  
ҳамда бу ёнирлик ўлчовларини биридан иккинчисига  
ўтказиш баёнида»; XIII — «Юлдузларга боғлиқ бўлган  
баъзи ишлар баёнида».

Маъкур асарларини ёзишда Боситхон бошқа табиблар  
сингарни машҳур Шарқ табибларидан Ибн Сино (980—  
1037), Ибн ал-Байтор (вафоти 1248 й.), Ибн Тархон  
(вафоти 1291 й.), Юсуфий Багдадий (XIII—XIV аср-  
лар), Ҳожик Забириддин Ахтор (вафоти 1404 й.), Муҳам-  
мад Қосим (вафоти 1624 дан кейин), Довуд ал-Андо-  
қий (XVII), Мир Муҳаммад Муъмин Таикабувиий (XVII)  
асрларидан кенг фойдаланган. Шунинг ҳам айтиш ке-  
ракки, «Қонуи ал-мабеут» муаллифи Боситхон Шеший  
«Қонуи ал-илож» муаллифи Маҳмуд — ҳаким Яйфоний  
сингарни маъкур асарига от қўйишда ҳам Ибн Сино  
«Тиб қонунлари»га қисман тақлид қилган.

\* \* \*

Юқоридида келтирилган аниқ маълумотлар асосида  
шундай ақунга келиш мумкинки, XIV асрдан олдинроқ  
ҳам (араб аляфбоси билан) туркий тилларда оригинал  
асарлар ёзиш иши анъана тусига кирган.



## III-ҚИСМ

### ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР

АБУ АЛИ ИБН СИННО (1950—1937) ЕЗИБ ҚОЛДИРГАН  
«ТИБ ҚОҢУИЛАРИ»НИ УНДАН КЕЙИН УТГАН ШАРҚ  
ТАБИБЛАРИ ТОМОНИДАН ШАРҲЛАШ ВА ҚИСҚАРТИРИШ  
ПЕЛИ БИЛАН УРГАНИЛИШИ

Ўзбекистон шарқшунос-филологлари 1950—1990 йиллар мобайнида медин ва бошқа мутахассенлар билан ҳамкорликда Ўрта Осиё ва Хуросон олимларининг таъоботга оид бир қанча асарларини араб тилидан ўзбек ва рус тилларига таржима қилдилар. Жумладан, Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонуйлари»ни мисол қилиб келтириш мумкин.

Таъобот фанининг тараққиётида Ибн Сино тиббий асарлари юқори баҳоланади. Агар Абу Бақр Розий (865—925) таъобот тарихига доир китоблардаги тарқоқ Шарқ таъоботини тартибга солган табиб сифатида танилган бўлса, Ибн Сино Шарқ таъоботининг ўрганилмаган соҳаларини ўрганган, камчаланкларини тўлдирган ва уни баён услубини камолотга етказган табиб сифатида дунёга машҳур бўлган. Шунинг учун ҳам Ибн Синонинг «Тиб қонуйлари»дан бадан аъзоларининг барча касалликларини тўзатишда Шарқ табиблари ягона наъзорий ва амалий қўламама тарзида фойдаланиб келганлар. Бу ўринда шунинг алоҳида таъкидлаш керакики, «Қонуй»ни Ибн Синодан кейин Шарқнинг кўзга қаринган барча табиблари ўрганибгина қолмай, у бешта катта китобдан иборат (ҳажми 213 босма табақ) бўлганнинг учун дар биринчи қисқартирини ва шарҳлаш йўли билан қайта ишлаб, амалий дасолат билан шугулланувчи олдги табиблар ва халқ оммасини орасига келиб тарқатганлар. Бу билан улар таъобот фанининг кейинги та-

раққиётига «Яқин ва Урта Шарқ шаҳар ва қишлоқ» ларида санитария ва гигиена талабларига риоя қилин-  
дек хайран билишиг кенг тарқалишига ўз ҳиссаларини  
қўшганлар. Булардан ташқари «Қону»нинг биригача  
етиб келган араб, форс ва туркий тилларидаги шарҳ ва  
қисқартмалари Ибн Сино тиббий асарлари мазмунига  
яқин тушуниб етиши ва ҳозирги замон ўзбек, рус ва  
болға тилларга тўғри таржима қилиши ишда ҳам ижо-  
бий таъсир кўрсатмоқда.

Бу ишда 1310 йили вафот этган Қутбуддин Шир-  
оининг «Шарҳ қуддийет ал-қону» («Қону»нинг умум-  
ий қисмига шарҳ) номли асари хусусан катта ёрдам  
кўрсатди. Бунда шарҳ қилинганган мати ҳамма жойда  
ҳам қилна снос билан ёзилган. Шу билан бирга шарҳ-  
ловчи ўз котибларида бўлган «Қону» қўлёзма нусхалла-  
рининг бир-биридан фарқларини кўрсатиб берган. Баз-  
ан Уринларида Қутбуддин Широиний «Қону»нинг биригача  
бир шарҳи 1288 йили вафот этган Абууддин Қариний  
шарҳига таъинди.

Ибн Сино «Қону»и унинг оҳангаронани шогирди  
Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Илоқий (Оҳангарон дарёси  
XII аср бишларигача «Илоқ» деб аталган)дан тортиб,  
XX асргача бўлган Шарқ табиблари томонидан шарҳ  
ва қисқартмаларда ўрганилиб келинган. «Қону»ни  
шарҳлаш ва қисқарттириш йўли билан ишланган кўп  
нусхалар биригача етиб келган, улар дунёнинг қўлёзма  
китоблар сақланадиган бирик кутубхоналарида сақла-  
ниб келинмоқда. Аммо «Қону» шарҳи ва қисқартма-  
ларини ўрганишга бағишланган махсус тадқиқотнинг  
бўқлиги, Шарқ табибати тарихига оид маълум масала-  
ларни еритиши, уларга ҳалигача баҳо бериши ва табибати-  
нинг тор соҳаси бўлича мутахассисе бўлган киши учун  
ўзига лозим бўлган шарҳни танлаб олиши ишини қийин-  
лаштиради. Қуйида мазкур камчиликларни қисман  
бўласада тўлдириниға ҳаракат қиламиш.

Қўла остигичада бўлган маълумотларга кўра, Шарҳ  
ва қисқартмаларини қуйидаги 4 гуруҳга бўлиши мум-  
кин:

1. «Қону»нинг хусусан I ва II китобларида ёзилган  
шарҳлари. «Қону» XI асрдан XX асргача кўп марта-  
лаб, тўла ва қисман шарҳ қилиниб келинган. Мисол та-  
риқасида «Қону»нинг қуйидаги ўрта аср шарҳловчилла-  
рининг номларини келтириши мумкин: Али Рузвон

(+1067 й.)\*, Хибатуллоҳ ибн Жамматий (+1197 й.), Иб-роҳим Мисрий (+1221 й.), Якуб Насроний Куркий (+1286 й.), Садиуддин Қозруний (+1352 й.), Муҳаммад Оқсароний (+1397 й.), Довуд Антокий (+1597 й.), Хаким Шифойихон (+1797 й.) ва бошқалар.

«Қонун» шарҳларининг орасида бизгача на фақат ёзув жиҳатидан, балки баъдий безаклари жиҳатидан ҳам енияткорона бажарилаган нусхалар етиб келган. Бунга номалум муаллиф томонидан «Қонун» II-китобиغا ёзилган шарҳ мисол булади. Қўрама китоб 800 дан ортиқ ўсимлик, ҳайвон ва маъдан жинсидан олинган солда дори-ларнинг хусусиятлари, табиатлари ва қандай касалликларга қўлланишларига бағишланган. Бу шарҳнинг бир нусхаси Абехфия (Туркия)да 3748 янжом рақами остида сақланмоқда, у 750 та ҳар хил мой буюқлар билан шиланган ҳайвон ва ўсимлик жинсига онд мутавиз расмлар билан тазминланган.

Юқорида келтирилган мисоллардан маълумки, «Қонун»га ёзилган ва бизгача етиб келган шарҳларнинг кўпчилиги ўрта аср табобатининг назариясига бағишланган биринчи китобига ёзилган. Шарҳлар ҳамма вақт ҳам улардан фойдаланувчи табибларни қониқтира олмаган. Шундай ҳолларда уларнинг ўзлари шарҳга шарҳ ёзганлар ва олдинги шарҳларнинг йўл қўйган кэмчиликларини кейинчилари тўзатган. Бу хилдаги асарларга Фаҳруддин Рози (+1209 й.) шарҳига Аҳмад Нахчеванний (+1253 й.) томонидан «ал-Ажуба тан ал-ашколот ав алтирозот» («Хатоларга жавоблар ёки эътирозлар») номли шарҳини, Муҳаммад Омиддийнинг шарҳига Жилокий (+1609 й.)нинг ёзган шарҳини мисол қилиб келтириш мумкин.

Юқорида айтиб ўтилганларга асослашиб шундай хулосага келиш мумкинки, «Қонун»ни шарҳлаш ва унинг шарҳини қайта шарҳлаш орқали «Қонун», хусусан унинг назарий қисмига бағишланган I-китоби мутавассал ўрганилган.

II. «Қонун» қисқартмалари. Машҳур қисқартмалар қаторига Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Илоқий (+1067 й.) томонидан бажарилаган «Мухтасар ал-Илоқий» («Илоқий қисқартмаси»), яъни «Қонун» I-китобининг қисқартмаси кирди. Бу қисқартма кейинги аср Шарқ та-

\* + Белгиси вафот йили эътиборини билдиради.

библиясида кенг тарқалган бўлган. Масалан, Муҳаммад Лубудий (+1224 й.), Маҳмуд Тоғ Роний (+1329 й.), Муҳаммад Омиллий (+1352 й.), Муҳаммад Табиб (+1596 й.) лар бу — Илоқий қисқартмасидан фойдаланибгина қолмай, унга шарҳлар ёзганлар.

III. «Қонун қисқартмаси» билан иккита шарҳи бирдан, бир йўла шарҳлан билан икки шарҳ ёзиш.

Ибн Нафис ажаби билан машхур бўлган Абдулдин Қарний (+1288 й.) томонидан бажарилган «Муъжаз ал-Қонун» («Қонун қисқартмаси») номли китоб. Бу беш китобдан иборат тўлиқ «Қонун»нинг қисқартмаси бўлиб, тўрт қисмдан иборат: 1. Назарий ва амалий табобатга бағишланган умумий қисм; 2. Содда ва мураккаб дориалар ҳақида; 3. Айрим-айрим аъзоларга ва касалликлар, уларни аниқлаш ва даволаш ҳақида; 4. Бутун баданини қоплаб оладиган касалликлар, уларни аниқлаш ва даволаш ҳақида.

Ибн Нафиснинг мазкур «Қонун қисқартмаси» Сарпарий томонидан турки тилига таржима қилинган бўлиб, бир қўлёзма нусхаesi Фотиҳ (Нетамбул) номли кутубхонада 3542 анжом рақами остида сақланмоқда.

Ибн Нафиснинг бу «Қисқартмаси» бизгача аса нусхалар ва унга ёзилган шарҳлардан кўчирилган қўлёзб қўлёзма нусхаларда етиб келган. Масалан, Садиуддин Қозруний (+1344 й.) ўзининг «Китоб ал-муғни фи шарҳ Муъжаз» («Қисқартма»ни шарҳлашда қўтқарувчи китоб») номли асарини ёзган. Садиуддиннинг бу асари Ибн Нафиснинг мазкур «Қонун қисқартмаси» ва Қутбуддин Қозруний (+1310 й.)нинг «ат-Тухфа ис-Саъдия» («Саъдий тухфаси») номли икки асарининг қисқача йиғма баёнидан иборат. «Қонун»нинг икки шарҳини бир йўла қилинган шарҳига бағишланган бу асарининг шундай аталлишига сабаб, у ўқувчини юқориде айтиб ўтилган биринчи икки шарҳни ўқиб чиқишдан қўтқаради.

Яна бир бизгача етиб келган ва УЭР ФА ШИ да 3320 ва 7636 анжом рақимларида сақланаётган Бурхонуддин (XV аср) Ибн Нафис «Қисқартмаси»га ёзган шарҳи Шарқ табобати тарихини, айниқса Ибн Сиёнинг ўзиндан кейинги табибларга кўрсатган таъсирига ўрганишда қатъ аъний аҳамиятга эга. Бурхонуддин бу шарҳини Улугбек ҳузурнда — Самарқанда тугатган ва унга 1448 йили май ойида дунёвий илмлар муҳибн, олимлар ҳомийси Улугбекка (1447—1449) бағишлаган.

Бу шарҳ муқаллифи даврида ҳам ушдан кейин ҳам совиб ўқилган ва Давудов ҳамма Ташқонда 1875 йилда топилган босмага ташри эътириган.

IV. Катта «Қонунийнинг кичик баъзи ва ушдан кейинги шарҳлар» ҳам Қонуния фа боси олган ат-тибб («Табобатнинг баъзи қилишда «Қонуния») ва кейинги давр табиблари томонидан унга совилган шарҳлар Ибн Сино табобатининг ўрганишда катта аҳамиятга эга. «Қонуния» Ибн Сино «Тиб қонуналари»дан олдинги кичик-кичик кўчирмалардан иборат. Унинг муаллифи Махмуд Чағчиний (+1314 й.) дар «Қонуния» қуйидаги 19 бабдан иборат: I—Боб. Одам табобати даврида. II—Автомия ҳақида. III—Одам баъзи аъзоларининг дар ҳал ҳолатлари ҳақида. IV—Томир урини ҳақида. V—Соғлом кишилар соғлигини таълави ва уларнинг шарҳлари ҳақида. VI—Биш оғриқлари ҳақида. VII—Қўқракдан то қорни остига бўшлиғигача бўлган айрим баъдан аъзоларининг касалликлари ҳақида. VIII—Буйрак ва бошқа аъзолар касалликлари ҳақида. IX—Баъдан аъзоларининг ҳаммасини қилишни касалликлар ҳақида. X—Оқдатлар ва ишқалларининг қувватлари ҳақида. «Қонуния»га Фахр Раҳимий (1311 й.), Хусайн Астрабодий (—1427 й.), Абдулқосим Хенафий (+1514 й.), Муҳаммад Хусайний (+1624 й.) ва бошқалар шарҳлаганлар.

Маълумки, ЎРФА ШИ қўлампалар фондида 720 анжом рақамида Муҳаммад Арзобий (XVII аср)нинг «Қонуния»га ёлган «Муфарриҳ ал-қулуб» («Қалбларини дурланд қилувчи») номли форча шарҳининг бир қўлёзма нусхаси сақланмоқда. Бу муфассал шарҳ шарҳловчининг «Қонуния» бунча мадраса талабаларига берган дарсларининг натижасида вужудга келган.

Муҳаммад Чағчинийнинг маъкур «Қонуния» ениги ўзбек тилига таржимаси қилиниши Ибн Синодан кейинги давр ўзбек табобати тарихини ўрганиши учун хатта ялғини аҳамиятга эга. Бу ўзбекча таржимани Муҳаммадшоҳ-хўжа Тўшкандий вилоди Шохрайзий хўжа Шайх Лованд Ташқурий (XIX аср олғи ва XX аср бошларида) бажарган ва ўз таржимасига ҳам «Қонуния» деб ном берган. Бу таржиманинг Шукур-қори Отаҳўжа эшон ўғли қўли билан 1925 йилда кўчирилган илгори қўлама нусхаси ЎРФА ШИда 11083 анжом рақами остида сақланмоқда.



Хулоса қилиб айтадиз, Ибн Сино «Тиб қонунлари» ни чуқур ва ҳар тоқимлама ўрганишда унинг Биринчи китобида ёзилган шарҳлар қандай муҳим олимий аҳамиятга эга бўлган бўлса, бешинчи китобида ёзилган шарҳлар ҳам табиobat тарихида юқундай катта қийматга эга. «Қонун»нинг кейинги дaврдaги қайта нашраниши: «Шаддий қисқартирилган», Махмуд Чагъиний «Қишк қонун» яна «Қонунча» ва уларга ёзилган кўп сонли шарҳлар янги мазмунни сақлаган ҳолда ва фақат «Қонун» ҳажмини қисқартирган, балки янги табиoblарнинг унга тувинишига тенглаштирган ва шу билан бирга уш Шарҳ қалплари орасида кенг тарқалганига сабаб бўлган. (АВ № 120, 121, 144).

### ТИББИЯ АСАРЛАРИНИ ТУРКНИ ТИЛЛАРГА ТАРЖИМА ҚИЛИШ ТАРИХИДАН

Билгача турк тилидаги таржималарда етиб келган тиббий асарларнинг энг қадимийси, яъни таржимачи қилинган асар, «Синга» шебати билганда Абу Бакр Рошининг «Қасалаликлар тарихи»дир. Ундан кейин Ибн Сино ва башқа араб, форс-тожик тилларида асар ёлган табиoblарнинг турк, хусусан, ўзбек тилига қилинган таржималарлари келади.

Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари» номли шох асари XVII—XVIII асрларгача Шарқ ва Ғарб табиoblарининг энг эътиборли қўлланмаси бўлиб келди, унга кўлииб табиoblар шарах ёздилар, уни қисқартириб, қайта ншлаб, янги нусхаларини яратдилар. Шулардан бири «Ал-Қонунча» («Қишк қонун»)дир. «Қишк қонун»ни Махмуд бин Муҳаммад Чагъиний (вафоти 1344 й) ёлган.

«Ал-Қонунча»нинг биз учун энг муҳим бўлган ўзбекча таржимасини Муҳаммад Шох Хўжа Тошиқиндий валади Шох Файзий Хўжа Шайх Ховинди Тохурий (XIX аср охириларида) бажарган ва ўз таржимасини «Қонунча» деб атаган. Бу таржиманинг Шукур қори Ота Хўжа эшон ўгли қили билан 1925 йилда кўчирилган янги қўллама нусхаси ШИ да сақланмоқда. Таржима кирини ва 10 бобдан иборат. Унда аввал таржимачи қилинган арабча матн жумла ва ибораларда келтирилиб,

сўнг уларнинг ўзбекча таржимаси бериб берилган. Шундан қилиб, арабча мати ҳам таржимлада сақлаб қолинган. Таржиммага ёзилган «кириш»дан маълум бўлишича, таржимон — Муҳаммад Шоҳ Хўжа Ташкандий мадрасада дарс берувчи — мударрис бўлган. У талабалар билан биргаликда «Қонулча»ни ўрганган, ammo араб тилидаги асарни тушуниш қийин бўлганидан уш ўзбек тилига таржима қилган. Бу таржима 125 парақдан иборат бўлиб, унинг ҳақида таржимон шундай дейди: «Рисолайи «Қонулча»ни машхурин баъзи талабаларга таълим берур эрдим, валараб ансонига ва форсий забонига ноошинолик сабабли кўп машаққат чекар эрдилар ва баъзилари илтимос қилур эрдиларким, ушбу «Қонулча»ни ўзиниз тилмизким, туркий—чингиз тилларини омматан баҳраманд бўлур эрдилар ва ҳам сиздан бир ишона бўлур эрди деб. Алар илтимосича, осийшани бўлса ишшо Аллоҳ қилурман деб ваъда берур эрдим. Ушбу фурсатни ва ҳам умрини ва сиҳатиники таъинат билан мақсадга шуруъ айладим».

Муҳаммад Шоҳ Хўжа Ташкандий халқ орасида Шоҳ Хўжа Ҳаким номи билан машхур бўлган. У XIX аср ўрталарида Ташкент шаҳар собиқ Шайх Хованд Тахур даҳасида биринчи Оқ масжид номи маҳаллада дунёга келган ва 80 йил чамаси умр кўриб, 1930 йиллар атрофида вафот этган. Муҳаммад Шоҳ Хўжа Ташкандий ўз маҳалласидан Юнусхон мадрасасида дарс берган. У араб, форс-тожик ва туркий тилларини мукаммал билган табиб, таржимон, адиб, шоир ва ношир эди. Шунинг учун ҳам у «Шоҳий» деган адабий таҳаллус билан машхур бўлган.

Муҳаммад Шоҳ Хўжа Ташкандий «Қонулча»дан ташқари Нузур Хорезий (вафоти 1544 й.)нинг «Жомия ал-фавоид» («Фавоидани хабарлар тўплами»)ни тўлалигича форс тилидан ўзбек тилига таржима қилган. Бу таржима Ташкентда 1898 йилда «Тарихий Шоҳий» номи билан нашр қилинган. Таржимон китобнинг кириш қисмида бу асарни таржима қилишга ким ва нима сабаб бўлганини шундай бери қилади: «Баъзи аҳлинон номдор бу китоби бешиқдорин илтимос қилдилар, машхур рисолайи осон иборат билан форсий лугатидаги туркий лугатга таржима ва таъбир қилсангиз ва ҳам баъзи ноиб дориларни бадалани ва Туркистон вилоятидаги мавжуд дориларни ишорат қилсангиз баҳри тарийқ му-

талаасидан ҳамма ҳосу бим ва кофайи аном аҳолийи Туркистон мустафид ва баҳраманда бўлиб, балки мактабхона ва дабиётхоналарда ўқуладургон бефоида сийод китоблар ўрнига ён ўзгаларга ўқитилса ва таълим берилса кун яхши бўлар, сизга ҳам вақри алим ҳовил бўлар». Таржимон матилаги форсча шеърларни ҳам ўзбек тилига шеърӣ таржима қилган. Бу эса уни мударрис ва табиб бўлиши билан аҳлиғина таржимон шир эканлиғидан ҳам далолат беради.

Юсуфийнинг «Жомий ал-фавоид» номли асариниғ икк битта ўбекча таржимон бизгача етиб келган. Уни Хоразмда ал-Ходим деган тазаллусли Мулла Муҳаммад Амин ибн мулла Муҳаммад Зоҳир-хўжа ва Хусейний ал-Хоразмий 1882 йида форс тилидан ўбек тилига таржима қилган. Асариниғ исер билан ёзилган қисми назм билан сояган қисмига аснобатан тулиқ таржима қилинган. Таржимода рубоийлариниғ форсча асл нуسخаси ҳам келтирилган. Бу иғона таржима нуسخа таржимон Мулла Муҳаммад Амин қўли билан ёзилган авторгаф ҳисобланали ва у 143 парақдан иборат бўлиб, у ШИ ва сақлашжода, ал-Ходим ўз таржимасиниғ дебонасида нима сабабдан бу асарни ўбек тилига таржимон қилаётганини ҳақида, жулардан, бундай дейли: «Бу фоида китоблар тахрир ва нуسخалар тахрир қилиниблар, барча форсий лафзлар бирла муайиндираар. Ва Туркий жамотасинга оналарниғ нафъ камтар етушур ва кутуби тибдин баҳраманда була олмастар, хусусан, китоби «Жомий ал-фавоид»ким «Тибби Юсуфий» бирла машҳурдириким, мавлоно Юсуф ат-табиб раҳматуллоҳиниғ мусаннафотидидур рубоийет иштимол қилган ваҳҳидан ўзгалардан вақтинидур. Хоҳладимким, ош таржима қилағайман то турк жамотаси ондин фойдаманд бўлиғилар».

Хуросонлик табиб Султон Али табиб Хуросоний (XV—XVI асрлар) ўз даврида жуда машҳур бўлган. Хуросон ва Мовароуннаҳрда 40 йил тажриба ўтказган. Унинг «Муқаддимак дастур ал-илож» («Даволаш бўйича қўлланмага кириш») номли асариниғ номтаълим китоби томонидан форс тилидан ўбек тилига Еркенда қилинган таржимаси бизгача етиб келган. Бу асарда табибатиниғ умумий масалалари: соғлиқни сақлаш, иссон аъзолариниғ соғлиқ ва касаллик ҳолатидаги шарҳлари, қон томириниғ уруши, бухрон ва ҳоказолар баён қилинган. Бу нуسخа XIX аср бошларида кўпирилган бў-

либ, 140 парақни ташкил этади. Ҳозир у ШИ да сақ-  
ланмоқда:

Таржимон ўз таржима асарининг муқаллимасида  
давридан қолиб, шикоят қилиб шундай дейди: «Бу ма-  
ҳалда оламнинг низоми бевитизом, горулуниинг тақоло-  
си беваранижом, чарҳ вожугун, фитиномуз, сиеҳри бу-  
қаламун раҳваннигиз, ҳаюдиесоти замин бевитумор, кори  
бори жаҳон иносетвор, ҳолойиқалар гонгеси фузуи, ал-  
бонилар ялолаеси афзуиниғидан хираамандлар зехми  
мушавванш, аҳли дошниллар тавъти нохуш, суҳонворлар  
тафаккур даштилда ҳайрон, ҳунарнарлар таҳайвор саҳ-  
нида саргардон, хўрдабонилар ситлоғ иҳтимоминга но-  
баста, нуқтабонилар аюйиҳот энҳоминга побаста бўл-  
гонидан илму ҳунар ишғилгани қалил, фазлу дошни не-  
тиҳеали тағина, талаб тариқи, дари адаб тафқиқи  
маҳжур бўлиб, ҳосу оим нофайи аном узуми таҳқиқдан  
муъарро ва русуми тадқиқдан мубарро, шарифат аҳво-  
мидан беҳабар ва тариқат атворидан беҳунор, алаҳу-  
суе ҳикмат илмидан бебаҳра ва табобат расмидан бе-  
нашъалекларидан арабий ва форсий китобларидан ка-  
мо янбағи баҳра ола олмаслар ва бебаҳра табиблар  
муолижасидан беморлар нафъ топмаслар деб, арабий  
ва форсий китоблар мутолааси маънус ва ғайри маъ-  
нус лугатлар мулоҳазасига машғул бўлиб мамлакатни  
Ёрқанд... балдасида туркий алфоз бирла таҳрир аз ра-  
шан иборатлар бирла таҳрир қилинди».

Бу қадима нусхалар Шарқ табобати тарихини ўр-  
ганни билан бирга, Хуросон, Урта Осиё ва Ёрқанд аҳо-  
лисининг ўтмишдаги аяичли ҳаёти, фан маданият дара-  
жасини, давлат арбоблари ва эиелиларининг дунёқа-  
рашиини ўрганнишда ҳам қимматли мақба ҳисобланади.  
Бир сўз билан айтганда, бу асарлар ўз даври еиёсий,  
иқтисодий ва ижтимоий ҳаётини қисман бўласида, ўзи-  
да бевараз аке эгтира олган асл таржималар бўлиши  
билан ҳам қимматлидир. (АР № 100, 109, 143).

## ҚАДИМГИ ТУРКИЙ ТИЛЛАР ЛУГАТИ

(VII—XIII асрларга оид)

Энг муҳим ва биз ўрганаётган доривор терминлар  
материалларига энг бой бўлган асар, ҳозирги замон  
илмий тадқиқот ишларидан бири бўлган, «Древнетюрк-  
ский словарь» («Қадимги туркий тиллар лугати») —



ДТС дур. ДТС кейинги еркени илэ маббалада ҳар дил мамлакатларда нашр қилгани VII—XIII асрларга онд туркий тилларда ёзиб қолдирилган кўрсатилган ёдгорликларда сақланиб қолган лексиканинг мажмуасидан иборат. У 20.000 га яқин сўз ва барқарор сўз бирикмаси, шу жумладан атоқли ёллар, географик ва этник номларини ўз ичига олган. Унда қадимги туркий тилларда ишлатилган сўзларнинг ҳозирги замон рус тилдаги эквивалентлари берилган, сўз тушинириланган. Сўз ва сўз бирикмаларини ёзма ёдгорликлардан мисол тариқда келтирилган нарчалар ва уларнинг таржималари орқали шуюқланган ва деярлик ҳар бир мақоладан кейинги списокда фойдаланилган мабба ва унинг бети кўрсатилган. ДТС биринчи ниббатда қадимги туркий тиллардаги матиларини ўқиш ва туркий тилларининг лексика ва грамматикасини тадқиқ қиланиш учун туркий тилларини ўрганувчи тилшуносларга ва бошқа сўз ва маънаидоларига мўликалланган билан ҳам жуда аҳамиятлидур. ДТС да бизгача етиб келган деярлик бирча ёзма ёдгорликлардан фойдаланилган, шу жумладан биз юқориде айтиб ўтган Юсуф Хос Хожиб, Қошиғрий, Югнасийларнинг биз фойдаланиши имкониятига эга бўлган қўлезма нусхаларидан истифода қилинган. Доривор номларини ўрганиш учун энг муҳим бўлган маббалардан бири Раҳматийнинг 1930—1932 йилларда Берлинда нашр қилдирилган уйғур ёзувида ёзилган иккига тиббий ёзма ёдгорлиқдур. Берлин коллекциясига қарашли бу ёдгорликларнинг биринчиси тиббий китоб бўлиб, иккинчиси тиббий мазмунга эга бўлган бешта асар нарчаларидан иборат. Бу ёдгорликларда, жумладан шундай доривор терминлар учрайдн: абинан (доривор ванна), агару (хинд уди), амра (манго), арири (ҳалила), арчун (терминалия) ва ҳоказо. ДТСда фойдаланилган бу китоб маббалардан бизда «Ўрта тили дугат» — ТТДа фойдаланиши имконияти бўлмаганлиги учун списокда фақатгина ДТС га таяниш билан чекландик.

ДТС дан ҳаммаси бўлиб 1028 та доривор терминлар жой олган бўлиб, улардан ўн еттигаеси соф арабча, ўн олтигаеси форс-тожикча ва ўн биттаеси бошқа (санскрит, тохар, хитой каби) тиллардан ўтган сўзлардур. ДТСнинг кириш қисмида айтиб ўтилганидек, унда фойдаланилган кўрсатилган қўлезма ёдгорликлардаги қадимги туркий лексемалар текширилган ва улар аниқлашган маънолар билдириштирилган, яъни маънолари аниқлан-



ган, шунингдек, қадимги туркий тилларнинг изоҳли дустарларида қайд қилинмаган ва ҳозирги замон туркий тиллар дустарларига бегона бўлган кўпгина янги лексемалар кўрсатилаган.

Беш сўзнинг изоҳи ДТС да бошқа адабиётлардагига нисбатан зўғри ва ишончли берилган ёки бошқа дустарлардаги изоҳлардан ўз оригинальлиги билан фарқ қилган ҳолларда уш ТТЛга ҳеч қандай ўзгартириш киритдик. Масалан, «баба башин» — бодрийт шаклида тоғларда ўсувчи бир ўт; унинг янаеи экинчи бўлади. Тоғанлар уш ебдилар.

ДТС нинг буюмални мунаффақиятли чиқиши йўлида ўмларининг машаққатли ва ҳилол меҳнатларинин амалган манаҳур туркологлар, дустат мақолааларининг тўпловни муаллифлари Т. А. Беронкова, Л. В. Дмитриева, А. А. Зорин, Н. В. Корнутаи, Н. П. Легаинка, В. М. Падиснев, Д. М. Пасилев, Э. Р. Тенишев, Л. Ю. Тугушева, А. М. Шербаклар китобхон таҳсинига ҳақан равишда сазовордилар. (АР № 40, 100).

## ТҮРК ТИЛИ ДУСТА

(VII—XX асрларга оид)

Бу асарнинг тўлақ номи «Туркий тилларда ёзилган ўрта асрда оид табиий асарлар ва дустатарда учрайдиган доривор терминларнинг тўрт тили дустати» — ТТЛ 237.

Ҳозирги вақтда ботаник — фармакологлар, шунингдек араб ва туркий тиллар мутамаксислари томонидан шараф тақобатда ишлатиладиган зорилар терминологиясини урганишта катта аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистоннинг ўсимликшунос ва дориншунос олимлари қилган бу соҳаси бўлича жуда кўп ишлар қилдилар. Жумладан, С. С. Саҳобиддиновнинг «Ўрта Осиёдаги доривор ва зарарли ўсимликларнинг илмий ҳам маънавий асослари дустати» (1963 й.), М. Набиёвнинг «Ёлтўрақа атлас — дустати» (1969 й.), К. Э. Зоҳиров, А. А. Жамаловнинг «Ёлтўрақадан русча-ўзбекча энциклопедик дустати» (1—том 1974 й.), Қ. Х. Холматов, Э. А. Аббасовларнинг «Ўзбекистоннинг шифобаҳи ўсимликлари» (1976 й.) ва бошқа асарлар нашр этилди.

Ўзбекистоннинг филолог — шарқшунослари врач-табиб ва бешқа мутахассислар билан ҳамкорликда ўрта осийлик олимлардан Ибн Сино, Беруний, Розий каби табибларнинг бир қатор тиббий асарларини араб тилидан ўзбек ва рус тилларига таржима қилдилар. Ана шу иш лавомида содда дориларнинг рус, хусусан ўзбек тилидаги яхши ишлаган дугатининг йўқлиги биланди. Бунга сабаб Шарқ табиobatидаги доривор терминлогининг тарихий нуқтан назардан етарли ўрганилмаганидир. Бу камчиликни тўлдариш учун биз кўп йиллардан бери ўрта асрларда араб, форс ва туркий тилларда яратилган тиббий асар ва дугатларда учрайдиган доривор терминларнинг кўп тилли дугатини тузиш устидаги ишни якунладик.

*Дугатнинг сўзлени ҳақида.* ТТЛ сўзлангини асосан маъкур Ҳежи Ношо, Нехоқ б. Мурад, Абдулғозий, Розий, Юсуф Хос Ҳажиб, Қошигарин, Юғнакий, Замахшарий, ДТСларда учраган содда доривор терминлар ташкил қилган.

*Дугат мақолаларининг икки тузилиши.* ТТЛнинг дугат мақолалари куйидаги тартибда тузилган: тартиб рақами — бош сўз-қайси тилдан ўтказилган — этимология маълумот — арабча эквивалент — ўзбекча эквивалент — русча эквивалент — лотинча эквивалент — тегишли манбалар.

ТТЛдаги дугат мақолалари ундаги бош сўзга кўра алифбе тартибда тузилган. Бош сўз ва унинг арабча эквивалентлари манбадагидек араб алифбесида ҳамда рус графикаси асосида тузилган транслитерацияда берилган ва улар орасига баробар |—| белгиси қўйилган. Терминларнинг арабча эквивалентлари ҳарфда айтиб ўтилганидек, манбаларда туркий терминлар билан ёнма-ён учраган ҳолатгина кўрсатилади. Туркий терминларни шартли қисқартмалар орқали туркий деб айтиб ўтилган. Дугатда доривор терминлар этимологияси ҳақидаги тарқоқ маълумотлар жамланган, холос. Туркий доривор терминлар этимологияси махсус ўрганишни талаб қилмай.

Дугатининг бош сўзи қаторидан жой олган терминларнинг баъзилари туркий тиллар шеваси эътиборига кўра, фонетик вариантда бир неча бор такрорланган: суган, сугун (пиез); ўтмак, ўтмак (нон) каби. Омоним сўзлар аниқланган маъноларига кўра икки ёки ундан кўп марта такрорланган: йунг I, йунг II; кўк I, кўк II, кўк

III жаби. Бош сўздаги битта сўзга эга бўлган битта термин икки хил ўқилса ёки у икки хил ёзилиб икки хил ўқилса, ёки у икки хил ёзилиб бир хил ўқилса, улар транскрипциялари орасига параллел икки чизиқча [//] қўйилган. Масалан: ивни // авни (дархл); атрифул // итрифул; бабодийа // бабадийа (доривор бабуна) ваби.

Этимологик маълумотлар асосан қавс орасида берилган бўлиб, маълум бир сўз қайси тилдан утганини кўрсатиш белги [>] орқали айtilган. Масалан, туркий тилларга кирган арабча «амлаж» сўзи форс-тоjikча «амулаанинг арабча шакли эканлиги қуйидагича берилган: ар. амлаж (> ф. амлаз). Китобхонга қулайлик туғдириш мақседида луғатдаги бош сўзининг лотинча эквиваленти ҳам баробар белгиси [=] дан сўнг берилди. ТТЛдаги ҳар бир мақола сўнгидаги қавс ичида бош сўз ёзилган манба адреси ва уни изоҳлашда фойдаланилган адабиётлар ва уларнинг бетлари шартан қисқартмаларда кўрсатиб берилган.

ТТЛ да туркий тилларда ёзилган ўрта асрга оид tibбий асарлар билан бир қаторда луғат ва бадий асарларининг илмий нашрларидан кенг фойдаланилганига қарамай, баъзан терминлар ҳамон тўла аниқланмай қолган. Бундай ҳолларда уларнинг таржима ёки эквивалентларидан сўнг савол аломати қўйиб берилган. Фойдаланган илмий нашрларга келсак, уларда туркий доривор терминларини махсус ўрганиш мақсад қилиб қўйилмаган. Шунинг учун ҳам уларда учрайдиган доривор терминларининг баъзилари бутунлай аниқланмаган бўлса, баъзилари бетафсил изоҳланмаган, чунончи уларнинг лотинча номлари мунтазам бериб берилмаган. Бундай ҳолнинг юзага келишига асосий сабаб, илмий асарларни, биринчи навбатда туркий тиллардаги tibбий асарларни ўрганиш ишининг орқада қолиб келаётганидир.

Шуни ҳам алоҳида мамнуният билан айтиш керакки, кейинги ўн йилликларда Ўзбекистонда нашр этилган Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний ва Абу Бакр Розийнинг tibбий асарлари, қадимги туркий тиллардаги бадий асарлар ҳамда ДТСни оммаёлашиши туркий доривор терминларини тўғри тушунишга жуда катта ёрдам кўрсатди. Натижда шу зақтгача тўла аниқланмаган 100 га яқин туркий доривор терминлар аниқланди. Уларнинг

бадалларини куйидаги жадвалда мисол тарзида келтиривиз:

ТТЛ да	Бошқа тиббий асарлар ва дуготларда
1. Ад тикан т = адж — янгику- вербонья колючка = <i>Alhagi</i> <i>multiglobin Tourne.</i>	1. название колючего растения (Заваландрий, 107).
2. Душунка т — душавра — тушбаш — илоловини кружка — <i>Lepidium draba L.</i>	2. тушбаш кунди — кохастый дя- враник (Кошгарий, илд. 67).
3. Нарбут т — дабад — лана — илла мушкетера — <i>Mentha rufo-</i> <i>ginea L.</i>	3. бир ялл хушбуй ут-семенлик (Кошгарий узб. 46—46); бир ялл хушбуй ут-семенлик — вод аромат- ной травы, буюшница (Кошга- рий, илд, 116).
4. Парман т — жарни — ар- ка — крува, шевенизая сечка	4. широч, крахмал (Кошгарий, узб. Ш. 47—48); широч — крах- мал, ялей, приготовленный из кор- ней эренуруса (Кошгарий, илд, 116).
5. Боршгу = зурур — ар- лана — борышник — <i>Crotae-</i> <i>gus azarolus L.</i>	5. қишлоқ ёки гул дейилган- ган тоғ дарахти ва унинг меваси (Кошгарий узб. Ш, 65—12); бир ялл тоғ дарахти ва меваси — илд кислотного дерева и название плода (Кошгарий илд, 119).

Юқоридаги жадвалнинг биринчи устундаги мисол-  
ларни ушбу ТТЛ мақолалари (умумий сон 2180 га)  
дан намуналар дефини ҳам мулкни. Фарқ шундаки,  
юқоридаги мақолаларда арабча номларини тулиқ кур-  
сатиш имконияти бўлмади. (АР № 35, 40, 71, 100,  
119, 123).

## IV-ҶИОМ

### РИСОЛАЛАР

#### АБУ БАКР АР-РОЗИЙНИНГ УЗИ ҚАНД ҚИЛКБ БОРГАН «КАСАЛЛИКЛАР ТАРИХИ»

##### РАҲИМИ ВА МЕҲРИБОН АЛЛОҲ НОМИ БИЛАН

Ҳиссалар қиссаларидан<sup>1</sup> ва фақат кам учрайдиган араваш клиник<sup>2</sup> кузатишлардан бизда мисоллар бор. Ҳиссалликлар тарихи ва клиник кузатишларда бўлган масалалардан эпидемия<sup>3</sup> ва эпидемия устида бўлган клиник кузатишлар ҳам бу ерда келади. Биз уни кечиктирмаймиз ва у ҳақда дағдасалик ҳам қилмаймиз, чунки унда катта манфаат бор, хусусан, у масалаларда.

Биз бу масаларни енгил санаган эдик, чунки биз уларнинг ҳаммасини шу жойга тўпламоқчи эдик. Шундай қилмоқчи эканмиз, «Эпидемия»ни бу масалаларга қўйишимиз ва уларни биргаликда ўқишимиз лозим. Қуйида, худо хоҳласа, уларни тўла равишда езамиз.

1. Абдуллоҳ ибн Сабода<sup>4</sup> гоҳо олти кунда бир тутадиган, гоҳо уч кунлик, тўрт кунлик ва гоҳида ҳар кун тутадиган араваш нестмага учраган эди. Нестма тутидида олдин озгина титроқ турар ва кун марта сияр эди. Мен бу нестмалар тўрт кунлик нестмага айланган, еки касал буйрақларида йирингли шеш бор деган фикрга келдим. Бир оздан кейин касалдан сийдик билан бирга йиринг тушди. Шундан кейин мен унга нестма қайталамаслигини айтдим ва шундай бўлди. Мен бошидан нақ касалнинг буйрағида йирингли шеш бор деб қатъий айтишга қаршилик қилган нарса шу бўлдики, у аввал уч кунлик нестмага ва бошқа хил нестмаларга учраган; шу сабабли бу араваш нестма тўрт кунлик нестмага айланмоқчи бўлиб турган яллиғламилардан пайдо бўлган, деган фикр қувватлангандек



бўлади. Бундан ташқари касал менга тураётган вақтларда белнида оғир нарсга осилиб тургандек туюлганидан шикоят қилмади ва мен ҳам ундан бу ҳақда сўрашни унутибман. Кўп сийиш унинг буйрақларида йирингли шикоят бар деган гумонимни кучайтирди. Бундан ташқари мен касалнинг отаси қовуқ заифлигига мубтало бўлганигидан ва унинг ўзи ҳам саломатлик вақтида бу дарадга учраганигидан беҳабар эдим. Шунга кўра, биз бундан буён, худо хоҳласа, бундай ҳолатни ёнгла сиччиқлаб текширишдан гофия бўлиб қолмаслигимиз керак<sup>5</sup>.

Сийдик билан йиринг чиққанидан кейин, касалнинг сийдиғи йирингдан тозаланишича унга сийдикни ҳайдовчи дорилар тайинладим. Шундан кейин унга муҳр лойи, кундур елими ва бақам дарахти елимини ичардим. Деярлик икки ой ичида у оз-оздан тузалиб, бутунлай халос бўлиб кетди. Касал бошида бели атрофидagi оғриқдан шикоят қилмаганини, унинг буйрағидagi йирингли шикоятнинг кичиклигидан дарак берган эди. Аммо йиринг сийдиғи билан тушганидан кейин, ундан шундай оғирлик ҳолатини сезганимизнинг, деб сўрадим. У — ҳа деди. Агар йирингли шикоят катта бўлганида, албатта касалнинг ўзи шикоят қилган бўлар эди. Йирингнинг тез тозаланиши ҳам йирингли шикоятнинг кичиклигидан далилат беради. У мурожаат қилган майдан бошқа табиблар сийдик билан йиринг чиққанидан кейин ҳам, ундаги ҳақиқий ҳолатини мутлақо билмаганлар<sup>6</sup>.

II Илк ҳисобчининг<sup>7</sup> касаллик тарихи. Илк ҳисобчи менга мурожаат қилиб, ўзидаги қулақ<sup>8</sup> касаллигидан шикоят қилди. Лекин касалнинг тушунириб айта олмади. Унга тамри ҳиндий истеъмол қилишнинг айтиди. У шундай қилиш ва оғриғи босилди. Аммо бир қанча вақтдан кейин бир неча кун унда ич қотиш билан қорин оғриғи яна пайдо бўлди. Ундан кейин саяди халти<sup>9</sup> сабабли бўладиган ичак шикоятинингга учраб шундан уланди; бу вақтда у майдан йироқда эди<sup>10</sup>.

Шунин билан қўйиш керакки, баъзи вақтларда айрим кишиларда ичакларига ёмон ўтнинг қуялиши сабабли қоринда қаттиқ оғриқ пайдо бўлади ва бунинг аломатлари қулақ аломатларига ўхшайди. Бу нарсга касалларда ўз асарини қолдириш билан натижада қаттиқ ва ёмон ичак шикоятининг юз беради, айниқса саяди миқозда ичакларда шундай бўлади. Илк ҳам шундай

кишилардан эди. Бундайларга юмшатувчи дори бериб  
ичини юмшатиш, ундан кейин, худо хоҳласа, илимливи-  
чи дорилар ичириш ва ҳуқиб қилиш керак. Мен бундай  
касалларни кўп жойларда кўрганман.

III. Ибн Абурайҳоннинг касаллик тарихи. Бу киши  
сарсом<sup>11</sup> касаллигига жуда мойил эди. Менинг кели-  
шимдан олдин сарсомга йўлиққан ва ундан тузалиб кет-  
ган экан. Чунки қулоғига чиқинди қубилди, у ерда оқма  
яра пайло қилган. Касалликнинг бошланишида қон ҳам  
олиган экан.

Табибларнинг<sup>12</sup> нотўғри даволашлари натижасида  
қулоғидан мадда оқиш узоқ чўзилган касалликка ай-  
ланган. Мадда қулоқ пардасида устма уст қўшилиб  
қотиб қолган, шу сабабдан пайдо бўлган. Шунинг учун  
ягар қулоқ яраси чўзилган касалликка айланса, унинг  
тағида чиқиб пайдо қилиш учун қон олишқа. Шундай  
қилиб, унинг қулоғининг тағида чиқиб чиқиб, йиринг  
йирди, шундан кейин даво билан қулоғи тузалади. Ле-  
кин кейин ҳам бузилаган хилатининг қолдиқлари қолди,  
чунки у биринчи касалидан кучли бўшатиш<sup>13</sup> воситаси-  
да қутилмаган ва мода фақат қулоғига оққан эди.

Касал ҳаддан ташқари кўп кўй калласи ва узум  
еган, буенинг натижасида кўнгил айлаш, беҳузурлик ва  
ич қотин билан доимий пертмага учраган, Шундан ке-  
йин у мева суви ва юмшатувчи нарселар ичган ва еган-  
ларини қушиб ташлаган.

Мен касалини учинчи кун кўрган борсам, у қаттиқ  
бош оғриги, сруганклан кўрқини, кўз билиминг кўн оқи-  
ши ва кўз қизарининг мубтало бўлган экан. Ундан қон  
оладим, аммо бунда кишилар бўлганлиги учун қонни кўн  
чикқармадим.

Ўша куннинг эртасидан бошлаб, унинг ичини юмшат-  
моқчи бўлдим. Лекин ўша кун аломатларининг кўни  
насайиб қолган эди, ва ўша вақтда қулоқ чуқурчаси-  
дан сарсом белгилари кўришди ва мен сарсомга учраб  
қолмога деб кўрқдим. Бошқа сабабдан эмас, одамлар  
бўлгани учун унга кучли сургин дори бермадим, балки  
хифошанбар ва ошунга ўхшашларин тайинладим, лекин  
ҳеч қайсиси унинг ўрнига ўтмади. Уч кун ҳуқиб<sup>14</sup> қил-  
синлар деб буюрдим ва шу кунлар ичида уни кўрма-  
дим.

Шундан кейин кўршига борганимда, унинг ичи жу-  
да қотиб кетган эди: фикри чалқам, сийдини қизарган  
ва юзи шилган эди. Бунидан қон олмақчи бўлдим, ле-

кин бир тўда жонли кишилар бор бўлганлиги учун бу шиддан узимни тўхтатдим, чунки мендан олдин бирон табиб унга қарамаган эди. Уша вақтда менла арпа су- пидан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Шояд, кичини юмшатса, деган умидда шундан унга ичирдим. Кейин унга қовоқ суви ва исвағуз ширасини ичинди буюрдим, лекин кас- сал биринчиси ҳам ичмабди.

Тўртинчи кунга келганда аҳволи оғирлашди ва ёмон белгилар наз берди: бир кўзи диврайган, тили жуда қо- райиб ва даладлашиб кетган эди. Уша кунин мен ояли- дан ўзинини айтиб қўйган вақтда вафот этди. Жонли табиблар касалнинг уш кўзи торайгани ва шу томон юзи тортишганига учун у рутубат туфайли бўладиган юз фалажига учраган, деб гумани қилган эдилар<sup>19</sup>.

IV. Бир киши ҳузуримга келиб, юрак қафақони<sup>18</sup> дан шикоят қилди. Қўлимни чап олчагининг устига қўйди, қарасам, катта артерия тожирк шундай шиддат билан урардики, мен ҳеч қачон унга ўхшашники кузатмаган эдим. Ундан кейин менга босялик томирини кўрсатиши учун чап қўлини қўзди. Кўрсам, қўлининг томири жуаа кучли ураётган экан. Ҳатто кўринар эди. Билмак сўзи- лари доим дам кўтарилиб, дам пасайиб турар эди. У босялик<sup>16-17</sup> томиридан қон олдирган-у, лекин ундан фой- даланмагандек ҳаёл қилар ва иссиқлик парсалар еса унга озгини енгиллик берар эди.

Мен бир қалча вақт унинг ҳақида ҳайрон бўлиб қолдим, сўнг аҳволи ойдинлашгач, жунж дорисини<sup>17</sup> буюрдим. Унинг томир урши ҳолини рабу<sup>18</sup> касалига учраганларнинг нафас олишдаги аҳволидек деб бил- дим, чунки уларнинг кўкраги кенгайгани билан ўлкала- рига ҳадо кам кирди<sup>19</sup>.

V. Муҳаммад ибн ал-Ҳусайнда қичма ва тошма пайдо бўлган. Кейин тошмалар олатининг сийдик чиқа- диган жойига тошган. Мен бу нарса олат ичига ҳам тошган бўлса керак деб қўрққан эдим, ўйлаганимча бўлиб чиқди ва ундан йиринг чиқди<sup>20</sup>.

VI. Соқоли узун пахтафурушнинг меъдасида эскидан оғриги бор эди. Унга кучли соф шароб ичишни тайин- лаган эдилар. Шаробни ичганидан кейин оғриги наст- га — киндикка тушган. Ундан кейин сийдиги туталиб қовури тўлиб қолган.

Катетер қўювчи катетер билан сийдирган, мен бул- сям бу шиддан беҳабар эдим. Катетер қўйишни қайта- қайта такрорлай бериб қовуриги шундай бир ҳолга

олиб келганим, ҳатто у бейхитёр сийиб юбарадиган бўлиб қолган. Сийдикда ҳам оқ хилат бор эди. Мен буни юқоридан тушаётган парса ва у сийдикни тўсиб қўяётган деб билдим.

Шундан кейин икки оёғи бутунлай фалажга учраган. Мен унга чақиртирдим, мен бордим, қараган табиблар оёқларини исенқ ёғлар билан ёғлаштирадилар. У Абладимки, қовуғи оғриётган ва унинг ҳамкорлигинда оёқларига келадиган асаблар ҳам оғриётган экан — деб. Чунки у асаблар бир-бирига яқин; чунки асаб бошланган жойларда шунинг пайдо бўлган эди. Бел атрофларига қуюқ суртма боғлаб қўйдим ва шундан бир неча кун кейин, ҳозир шу қиссани ёзаётган вақтингача у шикела оёқларининг аста-секин ҳаракатга келтириш ҳалима келди<sup>21</sup>.

VII. Қийим такувчи Абу-л-Ҳасан исенқлик (исенма) касаллигига йўлиққан ва менинг давомин билан ундан тўзалди. Ундан кейин меъда заифлигидан шикоят қилди. Унга қизил сул ва сумбўл кулча дориларини пичирдим. Шундан сўнг унда ўткир исенма пайдо бўлди ва бир қанча вақтгача давом этди<sup>22</sup>...

VIII. Йўлда (сиёфарда) бизга ҳамроҳ бўлиб, эшак ҳайдаб бораётган Абу Довуднинг кўзи оғриб қолди. Касалан бошланган вақтда унга томирдан қон олдирингчи мастаҳат бердим, лекин у бундан қилмади, фақат қортиқ қўйдирди. Узи билан олиб юрган доридан олиб бир уқна<sup>23</sup> қулагига томизди ва бу ишни ҳаддан ошириб юборди. Мен уни бундан қаттиқ қайтардим, ҳатто аччиқландим, шунга қарамай айтганимни қабул қилмади<sup>24</sup>.

Уша кунининг эртасига иш улғайиб, кўз оғриғи кучайиб кетди. Мен шу вақтгача бундай кўз оғриғини кўрмаган эдим. Мен кўз табақчаларининг ёрлашишидан ва кўзининг оқиб тушишидан кўрқардим. Чунки кўз шиллиқ пардасининг қаттиқ шилиб кетганлигидан кўзининг мўғуз пардасидан битта яемикдек қисмигича кўринар эди. Касаллик уни уриштириб қўйган, ундан икки маротаба уч ритл, балки ундан кўпроқ қон олдим ва қушларини йирингдан тозалардим. Сўнг кўзларига оқ элаки дори<sup>25</sup> сепдим, натижада уша кунини ухлади ва оғриғи қолди. Уша кунининг эртасига бутунлай соғайди. Бу шундан одамлар таажжубланишиди<sup>26</sup>.

IX. Халид ат-Табарий ортиқча чарчади натижасида исенқлик-исенма касаллигига учради. Исенқликни бир



от пасаёени деб унга арва суви ва шунга ўхшаш пар-  
салар бердим. Шундан сунг ён томон ва сийдик бўли  
атрофида оғриқ пайдо бўлди. Табиблар буни куланиж  
деб ўйлабдилар ва унга пессидик жуварилар<sup>27</sup>лар бе-  
ришга қарор қилибдилар. Чунки улар арва суви касалга  
зарар қилган, деган фикрда бўлганлар. Ваҳоланки, мана  
даанда пессидик касаллигининг қолдиги бор эди.

Оғриётган жойни пайпаслаб кўрдим. У жой менига  
пессидик ва қаттиқ туюлди. Сунг ундан шу жойда аўқия-  
лаш сезаяпсанми, деб сўрадим. У, жуда кучли, деб  
жавоб берди. Шундай қилиб, мен ўша бидик ёнида пе-  
сидик шир пайдо бўлган деб тахмин қилдим ва қаттиқ  
оетин венасидан бир мартаба қарийб икки юз дирҳам  
қон олдим. Шундан кейин, мен ўша бир неча кун да-  
вомида итузум суви, сақратди ва бодринг этин истеъмол  
қилишни буюрдим. У тузалди. Ушнинг касаллиги қон  
олинган кундан бошлаб енгиллаша бошлаган эди. Тах-  
минанча, касаллик туғанрушчи модданинг бир қисми  
сўнган бўлиб, бир қисми ўша жойга кўчган, чунки унда  
сезиларли бўшашли бўлмаган эди<sup>27а</sup>.

X. ал-Аббодий иситма касаллигига учраган эди. Кей-  
ин бу касаллик қайталайдиган бўлиб қолди. Лекин  
сийдиги анча кунгача соғлиқ вақтидаги рангида қола-  
верди. Аҳволи гоҳ оғирлашар, гоҳ енгиллашар, аммо  
сийдикнинг ранги ўзгармас эди. Иситмаси эса гоҳида  
тўхтар, гоҳида қайталар эди. Бир ва вақтдан кейин бо-  
силдиқ томирдан қон олдиртирдим, аҳволи яхшиланди.  
Қон олувчи кўпроқ қон олибди, шундан кейин ўша ку-  
ннеқ сийдикнинг ранги оқарди ва бутунлай тузалиб  
кетди<sup>28</sup>.

XI. ал-Хусайн ибн Абдувайҳнинг қизи менинг мас-  
лаҳатимсиз, одати бўйича, туя сутин ичибди. Сут ичин  
натijasида қорни кўпчилган ва олдин қон олдирмай ёки  
ичин сурувчи дори истеъмол қилмай мушк дориен ич-  
ган. Шундан кейин давоими иситмага учраган ва чечак  
аломатлари пайдо бўлган. Кетма-кет тўрт марта чечак  
ҳужумига учраган. Чечак ботланиб, касални даволаш  
менга топширилгач, мен аввал ушнинг кўзига аҳамият  
бердим ва кўзини туя суви эзиб ямчилгач сурма билан  
қувватлантирдим. Шунинг учун кўз атрофларига чечак  
кўп тўшган бўлишига қарамай, кўзига ҳеч нарса чиқ-  
қани йўқ. Ушнинг атрофидаги кампирлар касалнинг кўзи  
чечакдан омон қолганлигидан таажжубландилар.



Унга бир мулдат арпа суви ва шунга ўхшаш нарса-лар истеъмоа қилиб туришим буюрдим, чунки олдатди бу хил касалликларда бўлгани каби ичи қолмади ва унда иситма қолдиқлари қолган эди. Бу ҳолни ичи олдатгани суриш билан сурилганда чиқиб кетмай қолган хилтларнинг таъсиридан деб тахмин қилдим. Қасб қувватининг кученангани сабабдан унинг ичинин берданига суриб бўлмасди. Шунинг учун унга ўн беш кунгача саҳар пайтида меза иситмаси ва пешин пайтида арпа суви истеъмоа қилишим буюрдим. Натижада ҳар кун икки мартадан ичи келиб турди ва буткул тозаланди. Қирқ кундан кейин сийдиги татоман етилди ва эллик кундан кейин касал тузалиб кетди<sup>29</sup>.

XII. Табиблар ал-Хусайн ибн Абдувайҳнинг ўғли<sup>30</sup> ҳақида унинг тўлалигига қараб рутубатли касалликка учраган деб ўйлаганлар. Чунки улар гўштдор киши билан семиз кишининг фарқдай олмас эдилар.

Унинг бўғинларида бир оз оғриқ пайдо бўлиб, келинчалик йўқолган экан. Ундан бир неча марта қон олдим ва ҳар ҳафтада бир марта унга сафро ҳайдовчи сургин дори бердим, чунки унинг сафро хилти йиритган ва ўткир эди. Унга пордон, чучмак ва бурштирувчи овқатлар тайинладим. Ширинлик, ёғлик ва ўткир нарсалар ейишни ман қилдим. Касаллагни енгиллашди ва унинг эринмас аломатларигина қолган эди. Шу тadbирини анча вақтгача давом эттирган эди, тузалди ва шу билан бирга, унинг баданидagi гўшт камайди<sup>31</sup>.

XIII. Ибн Идрис ал-Аъварда шaтр ал-ғибб<sup>32</sup> иситмасининг жуда ёмон хилининг аломатлари бўлиб, шилдатли алаангаланиши кучли эди. Бу узоқ чўзиллиб кетган ва табиб унга табошир кулча дорисини берган. Мен унга сиканжубиндан<sup>33</sup> кейин арпа суви ичишини, ҳар кунги овқатини иситмаси тушгандан кейин ейишини ва улдасидан чиқса иситма вақтида овқат ейишдан ўзини тийишини буюрдим. Мен бу хил даволашда қатъий турдим, ammo у бунга ўзинга қийин деб билди. Мен унга: «Сенга бундан бошқа даволаш йўли йўқ», дедим. Мен йўқлигимда бир неча кун мен айтган тadbирин қилибди. Ўн кундан кейин у мен билан учрашди, у бутунлай тузалган эди<sup>34</sup>.

XIV. Абдулмуъмин зарғарининг ўғли кўз ёши пайчасида бўладиган оқма яра-варабга учраб қолди. Мен ўзим таркиб қилган шифони<sup>35</sup> унинг кўзига суртишни ва кўзининг ички бурчалига томизишни буюрдим. У шу,

пшин қилди ва тузалиб кетди. Мен биларман, бу хавф-қий тузалмиш эмас, Балки дорн елма ярани биринчиродин ва куритади, эmmo эт олаприб Отиприб юбора олмайди. Мен буни бир неча марта тажриба қилди курганман. «Наводир»да Жалилуссини<sup>38</sup> сузи бор, унга суз мени шуидай шикф таркиб қилншимга ундади<sup>39</sup>.

XV. Жълдавайхнинг хотини, Хайдаранинг хамивараси иситма касаллиги билан огриган. У, яъни эри ҳар куни касал сийдисини олиб келганда касал учун кўрсатма берар эдим. Бир кун у келиб хотинининг эмчагида огриқ ва пиш пайдо бўлганлигини айтди. Эмчани совуқдан сақласин ва уқаласин деб кўрсатма бердим. Мен унга бу касалликка бухрон ўтиши сабаб бўлган дедим. Шу йўсинда касаллиги пасайди. Агар бу огриқ бўшатмишса тўсатдан босилса, кейин қайталайди, дедим. Аёл менимча, ором олмоқни бўлган ва оёқ-қўллариини совуқ тутган. Пиш ва огриқ пасайган, лекин касаллик ва хилтлар аралашуви шикфотда қаттиқ ва кучли қайталади. Кейин мен уни қайта-қайта урасин, «табрид» истеъмол қилишни буюрдим ва пиши бўшатдим. Шундан сўнг у тузалиб кетди<sup>40</sup>.

XVI. Дарвозабон ал-Хасанда жуда ўткир касаллик юз бериб қолди. Жигарида исенқ бор эди. Чиккидилар оёқ ва қўлларига қуйилди, ҳатто уларнинг шийинишга сабаб бўлди. Иситма эса тушди. У шу аҳволда экан, бир табиб ундан қон олди, шундан кейин ўтлар иситмални касаллик қайталади. Касалнинг қуввати кетди ва уч кундан кейин ўлди<sup>41</sup>.

XVII. Мисгар Абу Исо ал-Ҳошимий ҳузуримга олиб келган хотин<sup>42</sup> жуда семиз ва мизожин рутубатли эди. Тугниш вақтида фалажга ва ундан кейин тутқаноққа учраган. Касали яниқ эди ва очиқ равшан белгилари бор эди. Кучли шарбатлар бериш билан бадаминн тозалаб, балғамини ҳайдадим. Ундан кейин «тўртлик тарёқ»<sup>43</sup> истеъмол қилишни буюрдим. Агтор эса унинг ўринга балозур берибди, у ажабланарлик ҳолда бутунлай тузалиб кетди. Ёнз ва бошқа табиблар бу ҳолдан ажабландик<sup>44</sup>.

XVIII. Дарб ан-Нафалда<sup>45</sup> яшовчи бизнинг қўшинииз базозонинг ёшлигиндан тутқаноғи бўлиб, ўзи озгин эди. Касаллик сабабини балғам ошиб кетганлигиндан эмас, деб тахмин қилдим ва бир неча марта қусиб ташлашини буюрдим. Кейин савдонни ҳайдашда кучли қувватга эга

бўлган шарбат ичирдим. Натижада уч ойгача тутқаноқ тутмади ва Дарб ан-Нафалдаги қушилар келиб бизга ташваккур айтдилар.

Кейин у балиқ еган, кўп шароб ичган ва ўша кун кечасидек тутқаноқ тутган. У янв қусиб ташлаганидан кейин иккинчи марта ўша шарбатдан ичди, шарбат аввалгидек таъсир қилди ва яна тузалди. Шундан кейин биз Бағдоддан чиқиб кетганимизгача<sup>44</sup>, қусиб ташлагандан кейин ўша шарбатдан ичми тadbирини, ҳеч қандай қаршиликсиз такрорлаб турди.

Ундай олдин ҳам касалхонада<sup>45</sup> шарбатлар билан сурғи қилган эдилар, лекин ҳеч қанча фойда қилмаган эди<sup>46</sup>.

XIX. Тутқаноғи бор Назиф исмли китобфурушни диққат билан кузатган эдим, бир жуфт бўйи кук томириги тўлган, юзини жуда қизартган ва шиканган, кўзларини қизартган ва баданини тўлган ҳолда кўрдим. Табобатини ўрганаётган шогирдга соғини томиридан қон олишни буюрдим. Шогирд унинг босилиқ томиридан қон олди. Мен касал холини кузатиб турдим, бир йилгача тутқаноқ тутмади<sup>47</sup>.

XX. Бир киши ҳузуримга келди, у ҳаддан ташқари мастликдан кейин икки рита қон қусган экан. Кўзларини қизартган ва баданини қон билан тўлган ҳолда кўрдим. Шунинг учун ундан қон олди: ва буриштирувчи нарсалар буюрдим, натижада тузалди<sup>48</sup>.

XXI. Бир киши йўтал билан қон туфлар эди. Бир кун зайтуни ёғида қавурилган чумчуқ ебди ва шундан сўнг бир кунда қортиқ ичидagi қонга ўхшаш уч ритача йотта-котта лахта қон ташлади. Бундан кўрққан эдилар. Шундан кейин уни саломат юргатини кўрдим, фақат доимо қалта-қалта йўталар эди. Унга ошқатинг янги балиқ бўлсин, деб тайинладим. Натижада қон ташлаши ўхшати<sup>49</sup>.

XXII. Дороний ал-Ақволаа яшовчи бир киши меннинг ҳузуримга келди, унинг бошида икки бермоқдек жойда «тузлик» касаллиги<sup>50</sup> бор эди. Унга ўша жойни латта билан қомагунча шиқала, ундан кейин у жойни шиб билан шиқала деб кўрсатма бердим. У шундай қилди, бермоқ кўп марта ҳаддан ташқари шиқалаганидан у жойда нуфакчалар ҳосил бўлди. Шундан кейин ўша жойга товуқ ёғи суртишни буюрдим. Натижада ачишиш босилди ва бир ойда сочи асидан яхшироқ, қорароқ ва қалинроқ ўсиб чиқди<sup>51</sup>.

XXIII. Саъид ибн Абдурахмон узленинг вакили — кир ювотурининг хотинида<sup>54</sup> истисқо белгилари бир эди, аммо уни бевосита кўриш билан аниқлаш имконияти бўлмади. Мен унга вақти билан мо ал-фаллофил, вақти билан куркум<sup>55</sup> дориси ичартирдим. Бир кун у кир юватуриб, тоғорала эгизлигида олдидан йигирма ритача сариқ сув кетган, кейин бир мўдат енгил тортиб тишланган. Аммо кейин яна аввалги ҳолига тушиб қолди. Шундан сунг унинг аҳволи ҳақидаги янқ хабарни олдим ва бачадонида касаллик борлигини эшиқладим, кейин уни шунга қараб даволадим. У иккиқатман деб ўйлаган экан, аммо бундай эмас эди.

Баъзи бачадон касалликлари истисқо касаллигига ўхшайди. Шунинг учун сиз буни биланб кўйишингиз, яхшилаб кузатишингиз керак<sup>56</sup>.

XXIV. Ибн Саводанинг ўғли тамоғидан сафроли иситмага учради. Тўртинчи кун эрталаб қоли сийди ва кейин ичи қон аралаш кўк-янги тушти ювганда оқадган сувга ўхшаш келди ҳамда қуввати тушиб кетди. Унинг аҳволи бизга вен бўлмади, чунки касаллиги олдин тинч ва сокин бўлиб, кейин бир кечаси аҳволи ўзгарган ва касаллиги юқоридагидек ўткирлашиб, кучайиб кетган. Бирон зарарли нарса ичган бўлса керак, деб тахмин қилдик. Ўша кун аср вақтида қора сийдан ва ичи ҳам қора кетди. Олтинчи кун азон вақтида вафот қилди. У қизамикнинг хатарли ва ичга уриб кетадиган хилига учраган эди<sup>57</sup>.

XXV. Бир хотин ҳузуримга маслаҳат олиш учун садован қора сийдик олиб келди. Сийдиги шу рангга келгунча унинг умуртқа поғонасида оғриқ бўлиб, кейин егрини тўхтаганлигини арё қилди. Менинг олдимга келишидан ўн кун илгаридан бери шу ҳўлда сийган, ҳар кечаси у титратиб тутувчи тунги иситмага учраган ва унда савдо хилати бўлган. Мен унга сийдикини юргизувчи нарсалар тайинладим<sup>58</sup>.

XXVI. Абу Исонинг хотини худаженинг енгил хилига учраган экан. У шаҳриёрон ичибди. Ундан кейин жуда иссиқлик дори истеъмол қилибди. Оғриқ урни бачадонда эди. Бачадондаги оғриқ ва шим кўр ичакни сиқиб қолганидан касаллиг ичи тўхтаб қолибди. Ахлат пастга тушганида оғриқ кучаяр, шунинг учун ахлат чиқошига ижон йўқ эди. Юқоридаги дориларни истеъмол қилганидан кейин олдидан йўлдошга ўхшаш бир нарса осилиб чиқди. Дояга уя пайпаслаб кўришни ва қат-



тақдирини аниқлашти буюрдим. Қўрсани, буш ва ҳис-  
сия эваз. У нарсаин икки кунгача касалнинг соғига  
боғлаб қўйишни ва ҳиссия кибешини қирқиб ташлашни  
буюрдим. Шундан кейин ўша нарса яна уч марта осил-  
либ чиқди ва у қирқиб ташланди, кейин касал соғайиб  
кетди<sup>57</sup>.

XXVII. Бизнинг қўшинимиз сизга учратган чол анча  
виқтдан бери қаф қон туфлар эди. Аҳволи беирлашган-  
дан кейин, йўталса қарши қаф дорилар истеъмол қилди.  
Шу дори билан ҳар гал даволанганда у ўзини бир неча  
кун яхши ҳис қилар эди. Лекин тез орада у ўлди. Ўша  
кунлари мен унинг ҳолидан бехабар эдим.

Бинобарин, бошдан қўйишга қараб йўналувчи хил-  
лардан ташқари хилтин туфлаб ташлашга монелик қи-  
лувчи дориларини ишлатмаслик керак. Шунингдек, қи-  
замик ва чечак касаллигида қоринга қуюқ суртма қўйиб  
боғлаишидан сақланиш лозим, чунки бу иш тезда на-  
фас сиқошига, ёмон хилдати ич кетишга ва қон сиқошига  
сабаб бўлади ва бунга Ибн Савода мисол бўлади<sup>58</sup>.

### «Эпидемия».

#### Биринчи мақоладан биринчи касал:

Бу одамни кун бўйи кучли ҳарорат билан исит-  
ма тутди. Ўша кечаси кўп терлади, лекин терлаш исит-  
масини какайтирмади ва аҳволи сиқиллашмади, балки  
бутун тун бўйи ва иккинчи кунни касаллик аломатлари  
кўпайди ва кучайди. Шундан кейин ўша ҳуқфа дори-  
дан бир миқдор кўтарган эди ичи келди, ўша кунни ке-  
часи билан ва учинчи кунни эрталабдан пешингача аҳ-  
воли енгиллашди. Учинчи кун охирига бориб, қаттиқ  
чанқош, оғиз қуршиш ва терлаш билан иситма тутди,  
иситма сира бўшашмади. Касал алаҳлар ва палдирар  
эди. Шу кечаси қора рангли сийди. Шундан кейин бе-  
шинчи кунга ўтар кечасидан бошлаб то бешинчи кун  
ярмисигача иситма енгиллашди. Бешинчи кун пешиндан  
кейин буркининг икки каттагидан бир нечта томчи қо-  
рамтир қон келди. Унинг сийдигида думалоқ ва бошқа  
хилма-хил шаклда макийга ўхшаш чўкмай, сузиб юр-  
ган нарсалар бор эди. Олтинчи кунга ўтар кечаси ҳам  
касал аҳволи оғирлашди, унинг оёқ-қўллари шу дара-  
жа совиган эдики, зўрға иситилди. Уйқуси камайди, қо-  
ри сийди ва алаҳсенди. Олтинчи кун эрталаб у тилдан



қолди ва совуқ тер чиқарди. Кейин пешинга яқин оёқ-қўлларни кўкарди ва ўлди.

Бутун касаллик даврида теря совуқ, нафас олинган кукур ва потехис эди. Биринчи кечанинг бошидан бу касалда ёмон белгилар кўринган эди: У тўхтовсиз терлар эди, ваъмо бу билан иситмаси енгиллашмас эди.

Будрот<sup>27</sup> айтади; Ҳар бир касалликда бухронда юз берадиган белгилар вайди бўлса-ю, ундан кейин бухрон юз бермаса, икки ҳолатнинг бири бўлиши мумкин: агар бухрон белгилари ўлдирувчи вломатлар билан бирга юз берса, ўлимдан дарак беради; агар саломатлик билан юз берса, касалликнинг тўзилишидан дарак беради.

Юқоридаги иситма терлаш билан енгиллашмади, баъзи иккинчи кунги кучлироқ ва оғирроқ бўлди; учинчи кунга келганда сийдикни қорайди, шу билан касалликнинг ёмон эканлиги аниқланди. Бу шундай бўлдики, бухрон белгиларидан кейин яна ўлдирувчи белгилар кўринди ва булар биринчи белгиларни таъкидлади, биринчи белгилар деганда тер билан иситма камайганини назарда тутаман. Ундан кейин уйқусизлик, алаҳснраш ва чанқаш ҳам юз берди. Тўртинчи кунги ёмон белгиларнинг охири бориши ва сийдикнинг қорайиши икки мартадан далолат беради: биринчиси, касаллик руҳларгача<sup>28</sup> етган, чунки иккинчи кунги касаллиги оғирлашган эди. Иккинчиси, ўлим руҳлар билан бўлиши маълум бўлди. Тўртинчи кун ўлимнинг олтинчи ва еттинчи кун бўлишидан дарак беради. Бироқ, касаллик қаттиқ ўткирлашса ва ўлим вломатлари бўлса, ўлимни олтинчи кунга кўчиради. Олтинчи кунги келганда касаллик оғир белгилари билан бирдан ҳужум қилди ва касал ўша кунги ўлди. Бухрон олтинчи кунга оққани маълум бўлди. Учинчи ва тўртинчи кунги сийдикни қора эди, бу эса касаллик ниҳоятда ёмон ва ўткир эканлигидан далолат беради. Ҳақиқатан, оғир ва шиддатли иситманинг кетма-кет икки марта бўлиши касалликнинг кучли ўткирлашганлигидан далолат беради. Бешинчи кунги мазкур белгилардан кейин бурун катакларидан қорамтир қон томчилани қувватининг заифлашганлигини аниқлади. Агар қуввати кучлироқ ва ёмон белгилар енгилроқ бўлганда, ўлимни саккизинчи кунгача кечикар эди. «Элиде-мия»да<sup>29</sup> айтилганидек, нафас олинган вақт чалқашини-дан далолат берди. Бутун касаллик давомида чиққан совуқ тер касал қувватини тушириб юборди, лекин касалликни камайтиртгани йўқ. Касаллик даврида юз бер-

ган кичкинчи ўткир ҳамла бўҳроннинг енгиллашибшига эълоаниган вақтинча оромга ишонмаслик кераклигини кўрсатади. Чунки бунга ўхшаш ҳолатлар шиддатли ҳужумларнинг тез қайталаши мумкин.

Маъийга ўхшаш сузиб юрган нарчалари бўлган сийдикдан ташқари бу кичик кузатувда айтилган барча белгилар «Касалликни олдиндан биланш ҳақида китоб»<sup>60</sup>, «Бўҳрон ва унинг куплари»<sup>61</sup> номли китобларидан мавзуларга тўғри келади.

XXVIII. Ҳасан саррофнинг касаллигини олдин эъланлаш эканлигида шубҳа қилинган эди. Кейин бу тахмин тўғри чиқди, лекин қон олिनмади... Иситмаси бор, балгани купикли ва оқ эди. Ун биринчи куни мен уни кўргананда қўл ва оёқлари муздек эди ва ҳеч бир тadbир билан иситмади. Буидан олдин ҳам иситмаланмаган эди, еттинчи куни унинг қолини менга хабар қилган эдилар, акениче баданни совиған ва қўллари ҳаракатсиз эди. Уша куни қон олдирмоқчи бўиди, томиркни ушлаб кўрсам, томир уршин калта-калта ва сусайган эди, шунинг учун қон олдирини манъ қилдим. Тупини ёмон қилди ва аҳволи «Ўткир касалликлар ҳақида китоб»<sup>62</sup> да кўрсатилганидек эди. Бир кун илгари керак, деб ўйладим. Лекин етти ёки саккиз соатдан кейин ўлди<sup>63</sup>.

XXIX. Ибн ал-Ҳасан ибн Абдуваҳх тумовнинг энг оғир турига ва мен кўрмаган кучли ҳилига йўлиқиб қолди. Енгил турига учраган кишида одатда у бир ой ёки ундан кўпроқ бўлади, сўнг мола кўрагига тушади ва йўтаи билан туфлаб ташланади. Қасалда тумов кун ярмида тўхтади ва ундан ҳеч қандай асар қолмади. Лекин у бўғли оғриғига учраб қолди. Бу ҳолатни сен Жалинус шарҳлаганидек биланнинг керак: Чиқиндилар фақатгина баданда аён бўлиб турган йўллардан ўтмайди, балки аъзоларининг тутанган жойларидаки ҳам ўтади. Шунинг учун касалдаги тумов бирдан тузалди, лекин бўғинларда оғриқ пайдо бўлди. Чунки чиқиндилар унинг бўғинларига тортилган эди<sup>64</sup>.

XXX. Бағдод катталаридан бирининг ёнбошида оғриқ бор эди. Бир табиб унга сийдикнинг оқарганлигини, тандасининг йўғонлиги ва оқити гализ бўлгани учун макамун ва масакон ҳабини тайиридаган экан. Натияжада оғриги кучайган ва касаллиги зуриққан, ҳатто тик турарига қурби келмай қолган. Шундан кейин у ҳудна қилишни тайинлаганди. Лекин унинг аҳволи яна ёмонлашган. Шунда у менадан ёрдам сўради. Мен унга меъ-

да тўлиқлигига бир неча марта қустирдим, кейин пу-  
факчалар ҳосил бўлгунича сон атрофларига ҳардад  
сўртдим. Натижادا оғрини сикллашдан ва келмайдн,  
ҳатто лардининг кўли кетди. Шундан кейин унга ичак-  
ни сидирадиган ҳуқна қилдим ва у тузалдиб кетди<sup>64</sup>.

XXXI. Китобфурӯш ҳамширасининг ёнбоши оғрини  
бор эди. Мен унга ҳуқна қилишни тайинладим. Лекин  
у ич сурадиган бир дарса сўради. Кейин тузалган ба-  
диқ суви билан ҳуқна қилишни буюрдим. Шундай қил-  
ди ва ичагидаги шиллиқ сидирилганидан кейин ту-  
залди.

XXXII. Ибн Дааллнинг ҳам касаллиги шундай эди<sup>65</sup>.  
У ҳуқна қилишдан бош тортди. Натижادا ёнбоши суя-  
гидаи оқсоқ бўлиб қолди. Кейин Абу Жаҳд тарвузининг  
ётнадаи кўп икдорда ичди ва соғайди<sup>67</sup>.

XXXIII. Ваҳбнинг ўғли Ибн Амир иситмалади ва  
унга жуда оғир сариқ касаллиги юз берди. Бешинчи  
кунн кўзларни бир бўлак маҳсарга ўхшаб қолган эди.  
Туққизинчи кунн сийдиги тугилиб қолди; у жуда оз ва  
сариқликда ўт нуфагидаги суюқликка ўхшаш уч томчи-  
дан ортиқ сиймас эди. Ичи саядо аралани қора кетар  
эди. Олтинчи кунн сийдиги қорайди ва кейин қизариб  
сариқ кўнжли бўлди. Кейин.. Уни биринчи кунн келаси  
уини бурнишнинг ўнг каттагидан кўп қон келди. Кейин  
уни учинчи кунн келаси ўлди, ўлгунича хушёр ва ақли  
жойида бўлди. Унда ҳиқичоқ<sup>66</sup> ва тумов кучайган ва  
жигарининг сизилганлиги аниқ кўринган эди<sup>68</sup>.

XXXIV. Ибн Нусайр бадаининг ярмида доимий ҳа-  
рорат ва иккинчи ярмида эса муздек совуқлик ҳис қи-  
лар эди. Бадаиннинг совуқ томонида томир урмас эди,  
лекин иккинчи қисмида томир тез урар эди. Бўйини май-  
ларни тортишиб қолган ва сийдиги оқар сувдек оқ эди.  
Совуқ томонидаги кўзи жуда ҳам кичрайган ва қис-  
либ қолган эди<sup>70</sup>.

#### «КАСАЛЛИКЛАР ТАРИХИ» ТАРЖИМАСИГА ИЗОҲЛАР:

1. Касалларнинг қисселарни дейишдан, уларнинг касаллиги та-  
риқлари оилашляди, аммо Розий ҳамин касалларни ҳам бевосита  
ўзи кўриб дэвелган эмас. Бозаларнинг ўртада хабарчилик қилиб  
турган хабарлар оспиталитяда, баъзларини яна кат оқишда даво-  
лаган (Шу жолда, XV, XXIII, XXV), касаллик тарихларига қарши).

2. Келинча екин бөлүмчө — Шийе ёниб келиги келиши билиш, табибана келиши — (Уманга) — (Резий дариюнда ҳам, дарию ҳам тароботино урганишго талабидиур тарихида тарихидека касалларга қарабанин ва ошмо ишлар ёниб биролодиган шикоятинини ва касаллик тароботини таврифларини билдиреди. Келинча тарихи дейди, таски Розий ва унинг шогирдларини нуздан касалхонидардан биринде кўриб, кўзидиго ва урганиш дариюни белгиларинини касаллик тарихларини ва касалликлар қарабанин тавсифлаш бузда тушпади.

3. Элиаенинча бирини ёки қишқа нақт ишда шумдан касалликнинг адале ишайдиган жойлардаги ишларинини кўришанинча ошмаенин тарқалиши. (Шу жонда, XXVII касаллик тарихига қарай).

4. Бу ва бундан кейини келадиган касаллик тарихларида Розий касалликнинг исми, фамилияси ва кимлигини ёниб боради. Бу катта тарихий исмиий аҳамиятга эга бўлган услуб ҳозирга онда ҳам фа қишиенинча бўлатган энас. Шарқда биринчи бўлиб Розий билиш деб берган бу йўл ҳозирга эанин дариюни иши билан шугулланувчи берини ташкилотларда алави аттирилмоқда. Шунини касаллик тарихига касалликнинг исми, фамилияси, касби, ёши ва турар жойини ёниб қўйиш мажбурий қондага айлалган.

5. Розийнинг бу жумласи «Касалликлар тарихинини ёнишдан мақсадини фойдагига касалликларини урганиш бўлимоқ, бозли уларни бозувчи табибларинини катоякка ёл қўймаслик ва йўл қўйилган илчилликни, тақрирлашувелинларини ҳам назарда тутган. Бу лардан шогирдларини ва кейинги дари табибларини ҳам ишайдиланшиларини билдирди башират қилган.

6. Биринчи касаллик тарихидати бабига қараганда, қишқардан ҳам касаллик буйрак жонда ёрлаган биринчи иши бўлган.

7. Биз Розийнинг яна бир нуздан маълумот билди касаллик тарихини бошлаганини нурамиз. У ҳам йўлса касал номидан ташқари унинг касбинини, яъни «хисобчи» қишқаринини ҳам қайд қилган. Бу эва айрим касбда ишловчилар ва маълум ҳунар билан шугулланувчилар орасида келг тарқалган касалликларини урганиш тарихида келга оҳанлигга эга.

8. «Қуланж — ичакка оғриқ берувчи илсалик бўлиб, бугинчи илсаликда табиий равишда чиқадиган ахлатинини чиқиши қийинликлади. Қуланж ҳақиқатда йўлго личок, пилин қулуи ва унга ёниб илсаликларданги сабабдан бўладиган касалликнинг «исми»<sup>\*</sup>. Қадимини табибот терминини сифатиде қуланждан ичаклар ва илсалик оғриқлар тушунилаган.

9. Эрта аср Шарқ табиботида, шу жумладан Розий ва Ибн Сино

\* Бу ва бундан кейини қўштиришқ ичмадаги нозқлар Ибн Сино «Иб қолуларини»дан ошпаган.





еске: 3) тиреак ұрта текаси (аққал) тирек бұғиының Өлиығы жатқыз өлшеги ва ички тери өста реваларыны биринтирүачи кена.

17. Мезги дориси дейштанна муряккаб дорн түшүниладн. Шу жойыгы касаллини хаи шалатилини мүжики бұлган үч хил мүшк карыниши би «Қовун»да уратымыз. Уларныи бири хақнаа шуи дай дейишан: «Ширнн калали мүшк дориси. Бу хафақон, сөзпөдан келиб шықандган кеселликлер, қийналыб нафас өлишд фалаж, ва фалажи ва түрт буыла бир тутадыган кеселликте фойда қилади.

18. Рабу — хареклаш (астма). «Харемаллид үнекаа тешили бир касаллик бүйиб, буыга утрөгек кишиини бұғилгек ёки өгир ки қилайтган киши каби нафас өлишдөк бөшица чорласа бұдэ. Алар рабу, нафас өргөилериде биринтирнги бирдди ёрлииб өқиинилди пайда бүйеа, буыга катарн шнш пайда бүйиб, мөдде интигагалдыги кейин тешилиб оқрөгган болен бүйиди.

19. Түртинчи касаллик тарихының баёныга қарогында, касаллик аорта регургитациясыа бүйеши.

20. Бешинчи касаллик тарихының баёныга қарогында, Мухаммед ибн Хусейнның касаллиги одатдагы герлес бүйган.

21. Өлтинчи касаллик баёныга қарогында, касаллик қияояи баёныги катталышыи ски тош туфайлы қовуқ яшын ва буйрак жойыныи өдиолоаши, дей тарихи қыдик.

22. Бу елтинчи касаллик тарихи түлек бүйеагалдыги учун касаллини шықлаб бүйиди.

23. Китебде учрайдыган өлирлик ва қажм үтмөваларының қуйындагы «текасн асасн «Қовун»ның V китебидеагы «Өлирлик ва қажм бөчөвлөр»н асаснда тузылди.

Уафоз номлары	грамм билан
рыта	340
қалақ	409,5
уқия	20,75
ёнгоқ	38,25
тәсеуж	0,14
мисерд	4,25
фундуқ	3.186
дирҳаи	2,975
донәқ	0,495
хабба	0,071

24. Бу сохта табиблар таъсирети берилди қолган алим қилди дордан бири. Розий худди нуздай ашиқлардан нобилди ва уларни тақид қатади.

25. Оқ қалам дори, сурмининг оқ эланиси. Розийнинг шогирди ғо устони отаидан дийбитусе эланиси, сўндиргани табиблар эланиси ва илдани мажмаи-тайдисақ ялани тарихи-тарихини ҳам ёзиб олган.

26. Бу санжиданинг касалиги тарихининг баёноти кўра, Абу Давуднинг касалиги кўннинг шажолаши ёки ижа шилиги парда-таининг кучли биринчилиги бўлади.

27. Жуворини — форс-тоjikча туворинининг арбчалоаштирилган шакли. Унинг луганини маъноси ахати қилинади. Жуворини дейилганда метад фаолиятини ва ҳам қилиш ҳудудини аъйитириданган арилар тушунилади. Жувориниларнинг маъжумалардан фарқи улар меъдада узоқроқ ушланиб турган учун тарихий исмлари биринчи личмадан ва маъани қилиб тайёрланади.

27а. Қомид ат-Таборийнинг касали кўричак бўлади.

28. ал-Аббодийнинг касалиги: исотмадан нелангик табиби бўлганлиги билан шибдик.

29. Касалиги чечанинг бир кўриниши. Касалиги тарихининг баёноти шу нарға раъшани. Розий табиби мажорати билан чечак касалиги ва унинг оқибатида кўр бўлиб қолишдан касалини сақлаб қолган.

30. Бу касалиги тарихидан ҳақиқатан ҳам Розий ал-Хусайнибн Абдувайҳ оназалини боқувчи табиб эканиниг ама ҳам икқали кўриши. У пввал шу оназалиниг қилини даволагани бўлса, энди ўғлини даволагани. Розийнинг шундай фаолияти тўғриси билан Ғрта Шарқда, хусусан Ғрта Осийда Розий давридаёқ оназали боқувчи махсус табиблар бўлганини биланис. Шундай муҳим панини аъйитишга эга маълумотлар асосан Розий ва унинг шогирди ёзиб қолдирган ушбу касаликлар тарихларини бизгача етиб келган.

31. Касалиги тарихи баёноти ал-Хусайнибн Абдувайҳ ўғлининг касалиги семизлиги ва икқис бўлади.

32. «Шатр ал-ғибба» — бир кун аро тўтадиган, иккичиси баъпанда буладиган икки семизлиги таркиб топучи мураккаб исотиладир.

33. Сиканжабни ёки сиканжабни форсча (сикангабни)нинг арбчалоаштирилган шакли. Бу термини сирки ва асоти сўзидан таркиб топган.

34. Ибн Идрис ал-Адъар мураккаб исотимага учраган бўлиб, таркиб ва дори билан тузалган.

35. Шиф — асосан, икки хил бўлади: 1) иф ва бурун касаликларни учун тайёрлагани; 2) ичак ва баъидом касаликларни учун тайёрлагани. Тайёрлаш: аарур дориларни ямчилгандан кейин, сў









## ИБИ СИНОНИНГ «ЮРАК ДОРИЛАРИ» РИСОЛАСИ

Севинчи табиб аш-Шайх ар-Раис Абу Али ал-Хусайн ибн Абдулоҳ ибн Сино, — худо унинг азия руҳини муқаддас қилсин, — аш-Шариф Саъид Абу-л-Хусайн Али ибн Абу-л-Хусайн Али ибн Абу-л-Хусайн ал-Қасанийга ёзган. Аҳа берган неъмат эгасига ҳолне ҳамд этамо ва фазлу карамини ортгиринини ундан сўраймо.

Юрак<sup>1</sup> қалб дориларининг ҳукмлари ҳақида тўп-лам — қисқача бир мақола ёзишимга лозим, худо умрини узоқ қилгур, улуг Саййиддан<sup>2</sup> менга буйруқ келди. Олий буйруқларини итбат билан қабул қилдим. Улуг таъридан муваффақиёт ва хатодан неъмат тилаб сўзга бошлайман.

### БИРИНЧИ ФАСЛ

Улуг таъри юракнинг икки бўшакендан чап бўшлигини руҳга ўрин ва унинг вужудга келиш жойи қилиб яратди, руҳни нафсоний қувватлар<sup>3</sup> учун бир улов қилиб яратдиким, у қувватлар руҳ воясатидан гавданнинг турли аъзоларига тарқалади. Нафсоний қувватлар бирикчидан руҳга тааллиқли бўлиб, иккинчидан руҳ воясатин билан бадан аъзоларига ёйилади.

Таъри руҳни хилларининг латиф ва буғ қисмидан, жасадни эса хилларининг қуюқ-қасиф ва ерлик қисмидан яратгандир.

Шундай қилиб, руҳнинг хилларининг тоза ва латиф қисмига инебэти баданнинг хилларга бўлган инебэти ҳабидир. Аъзо хилларининг мизожий бир шаклда аралашиншдан вужудга келади ва хилларининг айрим тарқабий қисмларидан фойдаланмайдиган ҳолларни бу аралашини орқали қабул этишга қобилиятли булади.

Рух түрт хил хилтлар латиф қисмининг мизожий бир сурат аъзага айланадиган аралашувидай вужудга келди. натижада рух бирин таркибий қисмларави вужудга келмайдиган нафсоний қувватларини қабул этишга қобилиятли бўлади. Балки, у бошлаб файзи илоҳий билан вужудга келур. У файзи илоҳий шундайки, қабел бир нарсани бўзмасени тақвимлашнингга қобилиятли не-теъдоди тамом ва етук бўлиб, унга футур ва камчилақ етмаса, у нарсавда билқувва маъжуд бўлганларини феъдага, яъни амалга чиқаради<sup>4</sup>.

Ҳар бир аъзо бир хил жааҳарлик хилтлардан ташкил тошган бўлса ҳам, уларнинг ҳар бири ўзига хос мизожга эгадир. У аъзоларининг ҳар биринда хусусий мизож пайдо бўлишига хилтлар миқдорининг ўзаро исобати ва хилтлар кайфиятининг аҳвали едбаб бўлади. Худди шунингдек, бизда бўлган ҳаётий, нафсоний ва табий руҳлар ҳамма буларининг шигича веналарни ҳам хусусий мизожга эгадир; уларнинг ҳар қайсиен жааҳарларни бир хил бўлган хилтларининг тоза ва латиф қисмидан таркил топса ҳам, шу қисм миқдорларининг исобати ва аралашини кайфиятининг ҳолига қараб ҳар бирининг хусусий бир мизожни бордир. Вужудга келган аъзолар сон жиҳатидан кўп бўлса ҳам булардан энг аввал вужудга келгани фақат биттасидир; унинг вужудга келишига боғланчб бошқа аъзолар вужудга келадилар. Лекин мана шу энг аввал вужудга келган битта аъзо ҳақида ҳар хил фикрлар бор. Худди шунинг сипгарин биздаги руҳларининг сонин ҳам кўрдир, бирок ҳужамоларининг энг каттаси<sup>5</sup> бўлган аолнинг фикрича, энг аввал вужудга келган рух бир донадир. Бу рух юракда вужудга келди<sup>6</sup> сўнгра қолган бошқарувчи аъзоларга<sup>7</sup> ўтиб тарқалади. Бу бошқарувчи аъзолардан қайси биринда қарор топса, ўша ерда хусусий бир мизож пайдо бўлади.

Шундай қилиб, рух мињада шундай бир мизожга эга бўладикки, у мизож орқали ҳис ва ҳаракат қувватларинини қабул этишга қобилиятли бўлади.

Жигарда еса шундай бир мизожга эга бўладикки, у мизож орқала озиқлантириш ва етиштириш тарбия қувватларинини қабул этишга қобилиятли бўлади.

Иккин мोजда шундай бир мизожга эга бўладикки, у мизож орқали туғдириш қувватинини қабул этишга қолдир бўлади.

Гарчи шу ҳақимнинг фикрича, бу қувватларининг келиб чиқиш жойлари юрак деб ҳисобланса-да, унга қар-

ини бўлган ҳақиқатларнинг фикрига кўра кўрув, эшитув, тотув ва бошқа қувватларнинг келиб чиқиши ерларни миядир<sup>4</sup>. Лекин руҳ бошқа аъзога келиб ўрнашгач, назар қувватларини ҳақиқат ва тўлалиқ билан қабул этишига қодир бўлади. Масалан, кўз тавҳарининг мизожини мизож билан аралашса, кўриш қобилияти вужудга келади. Эшитиш қисқали сатҳига ёйилган асабнинг мизожини билан аралашгач, руҳ эшитув қувватига қобилиятини бўлади.

Тил остидаги юмшоқ эт чиқарадиган памикнинг мизожини руҳининг мизожини билан аралашгач, руҳ тотиш қувватига қодир бўлади.

Қарши ҳақиқатлардан бир қисmini шундай дейди: «Рух миядан аъзоларга олиб борадиган қувватнинг у аъзолар мизожига эҳтиёжини йўқдир. Аксинча, ўша аъзо ўзинга келган қувватнинг феъли нисидан фойдаланади, унинг жавҳаридан эмас.

Чуқур текширишга асосланган илмий баҳс эса мухолифларнинг бу назарияларини ёмирдан ва руҳ тўла қувватини кўра бўлган иш аъзосидан олишлигини аниқлади.

Улуг табибнинг ҳамкасбларидан бир гуруҳ кишилар юқоридаги фикрга ўхшатиб шундай дейдилар: «Бу туғилган кифосининг қувватлар тўғридан-тўғри юракдан руҳга берилади: руҳ бу қувватларни қабул қилиш қобилиятига эга бўлиш учун мия ва жигар каби бошқа аъзоларга муҳтож эмас».

Лекин философ билан текшириш бу назарияни ҳали оқламайди, балки уни ёлғонга чиқаради.

## ИККИНЧИ ФАСЛ

Тангри ҳаётини ва ҳеч қандай камолот ва хайру-яхшилликларини ҳеч нарсадан қизғанимади. Аммо қабул қилувчиларининг ўзи ҳаётини қабул қилиш истезодидан ҳоли бўлганликларини учун уни қабул қила олмайдилар. Чунки ҳар бир қабул қилувчи ҳамма нарсаини қабул қила бермайди.

Шунинг учун юнг, юнг бўла туриб қилмиш суратини қабул қила олмайди, сув эса, сув бўла туриб нисонлик ҳақиқатини қабул қила олмайди.

Оламдаги жисмларнинг сон ва миқдор жиҳатидан жуда оз қисмидан ташқари кўпчилики қисмин ҳаётини қа-

бул қилган. Соғлари оздир, чунки ҳаётин қабул этмаган тўрт унсур ва табиатда унга яқин бўлганлардан иборатдир.

Миқдорлари оёдир, кичикдир, чунки бутун олам олдида тўрт унсурининг миқдори сезилмайдиган даражада оёдир. Улар айланувчи фалак-осмонларининг ҳар биридан жуда кичикдир; ҳатто кўзғолмайдиган юлдузлар ҳам унсурларининг катта бир қисмининг мавжуд бўлишига ҳақиқатдан узоқ бўлмаса-да, шундайдир. Ҳолбуки, буларнинг ҳаммасини Зуҳал<sup>9</sup> фалакига қибё қилмоқчи бўлсак, бир доиранинг бир нуқтаси каби бўлади. У ҳолда Зуҳал фалаги устидаги жисмларга нисбатан қанчалик кичик бўлишига равишандир.

Таъқиқотчиларнинг фикрича, бу содда жисмларнинг ҳаёт шакли-суратини қабул қилмаслигининг сабаби шунки, бу жисмларга бошқа содда жисмлар ва ҳаётга эга бўлган мураккаб жисмлар муҳолифдирлар, бунга сабаб уларнинг қарама-қарши табиатга эгаллигидадир, чунки ҳар бирининг табиатининг бир зидди бор.

Бунинг натижасида улар осмон жисмлари билан ҳамжиёе бўлишдан жуда узоқда бўладилар; шунинг учун осмон жисмлари жисмоний ҳаётининг энг шарафлисини қабул қилишга қобилиятли унсур-жисмлар бўлгани ҳолда, элементлар ҳаётдан жуда узоқдирлар.

Мураккаб жисмларга келсак, булардаги аралашини қарама-қаршилик асосини сиздирган ва уларда бир мизож суратини пайдо қилган. Мизож<sup>10</sup> эса қарама-қаршилик орасидаги васат-ўрталик демакдир. Ҳртачаликнинг эса, зидди йўқдир. Бунинг натижасида мураккаб жисмлар ҳаётин қабул қилишга қодир бўладилар.

Мураккаб жисмлардаги аралашини-мизож ўртачаллик жиҳатидан қанчалик такомиллашса, аралашган жисмининг ҳаёт жиҳатидан тўлароқ кэмолотни қабул қилишига шу қадар ортади. Агар бу мизож жуда мўътадиллашса, ҳатто ундаги қарама-қаршилик йўқола бариб, тенгликка юз тўтса, аралаш жисм самовий ҳаётга ҳаммакъл бўлган нутқий-сўзловчи ҳаёт билан такомиллашшига қобилиятли бўлади. Бу хил қобилият инсон руҳида мавжуддир. Қисқа қилиб айтганда руҳ, унсур-элементларнинг аралашувида вужудга келган ва осмон жисмларига ўхшаган бир ҳолга эга бўлган жисмоний модала — жисмдир. Шунинг учун руҳ ҳақида нуроний модала деб ҳужж юритилади; шунинг учун ҳам кўрувчи руҳни нур деб аталади. Яна шу сабабли кўз нур-

ни кўрсат, нафс сенилади, қоронгуликда у сиқилади, чунки ёруғлик нафсни ташувчи-маркабга ўхшаш бўлиб, қоронгулик унинг эидадидир.

### УЧИНЧИ ФАСЛ

Философлар ва уларга теббе бўлган табиблар гус келингандек, хурсандлик, гам, хавф ва ғазабни шражда бўлган руҳнинг махусе таъсирланишларидан дейдилар.

Ҳар хал таъсирланиш бирон таъсир қилувчи сабаб бўлмаган ҳолда кучаяди ва заифлашади. Таъсирланишнинг кучайиши ва кучеялаиши таъсирланувчи молда қобилиятининг кучайиши ва заифлаишига боғлиқ бўлади.

Ҳакимлар қувват билан ҳақиқий истеъдод орасини возик бир суратда айирганлар: қувват икки эидада баробар суратда бўлади, истеъдод эса икки эидада<sup>1</sup> баробар суратда бўлмайди. Масалан, ҳар бир инсон сенишишга ва ҳафа бўлишга қодир, лекин инсонларнинг баъзиси фақат хурсандлик учун, баъзилари фақат ҳафалик учун истеъдодли бўладилар.

Ғазаб, хавф ва бошқа таъсирланишлар ҳақида ҳам ҳукм шундайлир.

Шу ҳолда руҳнинг биалуваа шодланиши, унинг шодлик билан ҳафаликдан фақат бирнга қобилиятли бўлишдан бошқадир, бошқача қилиб айтганда, истеъдод — руҳнинг икки қарама-қарши нарсадан бирнга инебатан қувватининг такомиллашувидаи иборат деса бўлади.

Бундан шу келиб чиқадикки, руҳнинг биалуваа ҳам шодланмоқ, ҳам ҳафа бўлмоги мумкин бўлса ҳам, истеъдод жиҳатидан у фақат бирнгагина истеъдодлидир. Шу нарса ҳам равшанки, руҳ жавҳарланганда шу икки иш, яъни хурсандлик ва ҳафаликнинг ҳар иккаласига ҳам қувватининг бўлиши руҳга лозим бир нарсадир, лекин иккинчисидан биринини тайинловчи истеъдод эса лозим ва шарт эмасдир, балки руҳда у бирон сабаб ва ё восита билан вужудга келади.

### ТҲРТИНЧИ ФАСЛ

Хурсандлик бир турли лаззатдир. Ҳар бир лаззат эса ашловчи-идрок қилувчи қувватга хос бўлган тако-



инд маъруфани идрок ҳилолидан — сезиндан иборат-  
дир.

Масалан, сезувчи қўлпат учун ширинликни ва иккин  
ҳилли сезмоқ, таъаб қуввати учун ўч олинчи сезмоқ,  
тушмоқ қилиш деб ўйлаш қуввати учун фойдали ичининг  
бўлишини, яъни уми шин сезмоқ каби дур. Ҳар бир тақо-  
ми, бир табиий ишлар ва ақсима<sup>12</sup> ҳар қандай қув-  
ватнинг бир табиий ишин сезувчи у қувват учун дала-  
лар.

Баъзи айрим қувватлар табири-табиий ҳолдан айрил-  
магунча лаъзаатламаелиги мумкин. Шунинг учун лаъ-  
зат табири-табиий ҳолдан чиқиндан иборат ва дома,  
табиий ҳолатда турининг лаъзати бўлиши шарт ама-  
деб ўйлайдилар. Бу хато бир тушунча бўлиб, зотий<sup>13</sup>  
иарсалар ўринга ориғий иарсаларни қўйиндан келиб  
чиққан «Софистика» китобидан маълумки, маъкур ҳол  
иотўри ҳудосалардан биридир.

Аммо юқоридаги масалаининг баёнига келганда  
шунинг айтиш керакки, идрок ҳилинадиган иарсалардан  
баъзиларни фақат бир ҳолдан бошқа бир ҳолга ўтишда-  
гина билилади. Масалан, ушлаб кўриш билан сиқила-  
диган иарсалар шундай; чунки у иарсаларнинг кайфия-  
ти унга тегиб сезиб турган кайфияти уни сезувчи аъзо-  
нинг аъзо ўз кайфияти билан унга қарама-қарши бўлиб  
турган бир муддатда сезилади ва сезувчи у кайфиятдан  
таъсирланади. Аммо сезувчи таъсирланганидан сўнг у  
жисм устида қарор топса, у вақтда жисмининг кайфияти  
уни сезган аъзо учун мизож бўлиб қолади ва у энди  
кайфиятни ориқ ҳис этмайди. Чунки ҳар бир ҳис бир  
турли кайфиятининг бошқа бир ҳолга ўтиши натижаси-  
да вужудга келади. Бирон иарса ўз-ўзидан бошқа ҳол-  
га ўтмайди.

Шунинг учун илгичка ориқ касаллигига мубтало  
бўлган киши куйдирувчи иситма ҳароратидан яна ҳам  
ишдаатли бўлган ҳароратдан азият чекмайди. Куйди-  
рувчи иситмага учраган киши эса илгичка ориқда бу-  
ладиган ҳароратдан кученз ҳароратдан ҳам азиятлана-  
ди. Чунки илгичка ориқдаги ҳарорат аъзоларда ўрна-  
шиб, улар учун мизож каби бўлиб қолади. Куйдирувчи  
иситмадаги ҳарорат эса аъзоларга тўсатдан тарқалади  
ва аъзоларнинг мизожини унга қарама-қарши бўлади.

Табиблар илгичка ориққа ўхшаш касалликларни  
мос келадиган мизож бузилиши, куйдирувчи иситма ка-  
биларни қарама-қарши мизож бузилиши деб атайдилар.

лар. Шу нарса англанмагани, қарор тоьган ҳис эти-  
луви камолотдан лаззат бўлмаслигига сабаб янрок  
этилмаслиги, табиий ҳолатга эришилган бошланғичла-  
ри лаззатнинг сабаби эса янрок этилишидир.

Қачонки, табири-табиий ҳолдан чиқиб билан баробар  
янрок ҳосил бўлса, лаззат табири-табиий ҳолдан чиқиб  
билан ҳосил бўлганга ўхшайди ва шу ҳисни лаззатнинг  
сабаби деб ўйланади. Ҳолбуки, иш бундай эмас, балки  
лаззатнинг сабаби таъожилнинг ҳосили бўлиб, ундан  
бошқа нарса эмасдир.

Лаззатга истеъдоднинг сабаби лаззатланувчилнинг  
миқдор ва кайфиятида энг яхши ҳолда бўлиши, ҳатто  
моддасида нуқсон бўлмаслиги ва ўзи бўлиб турган ҳо-  
латдан чиқиб бирон хил табири-табиий ҳолга ўтмасли-  
гидир. Миқдорда энг яхши ҳолда бўлиши лаззатланув-  
чи руҳ миқдорининг ошшидир: натижада шу сабабли  
унинг қуввати кучаяди, чунки табиат илмининг воқеа-  
ларидан равшанки, модданинг миқдорда ортқалиги қув-  
ватнинг шиддатда ортқалигини келтириб чиқаради. Руҳ-  
нинг миқдори кўнглидан унинг миқдори катта бир қис-  
мининг бошланғич ерда қоллинига ва катта бир қисми-  
нинг эса хурсандлик ва лаззат вақтида бўладиган тар-  
қалинига кифой қилади. Агар руҳнинг миқдори оз бўл-  
са табиат унга бахиллик қилади ва уни бошланғич ерда  
тутиб туриб тарқалишига қўймайди.

Кайфиятда энг яхши ҳолда бўлмоқ руҳ мизожининг  
жуда мукаммал, қивомининг жуда мукаммал ва ундаги  
нурониятнинг жуда тўла бўлишидирки, бунинг натижа-  
сида унинг осмон жисмига ўхшашлиги жуда ошади.

Лаззатланиш ва хурсандликка бўлган қобилиятнинг  
сабаблари мана шулардир.

Бу сабабларнинг энглари эса аламга бўлган истеъ-  
доднинг сабабларини ташкил этади. Жинс ўрида бўл-  
ган лаззатнинг сабаблари билангандан кейин, нав ҳи-  
собланувчи хурсандликнинг сабаблари ҳам маълум бў-  
лади. Шундай қилиб, қалбдаги руҳнинг миқдори кўп,  
қўнглиши яқин бўлиши билан ўндан турган модда  
кўп, мизож ва қивом муътадил ҳамда нуронияти юк-  
сак бўлса, унинг хурсандликка истеъдоди кўп бўлади.  
Ёки бўлмаса, касалликдан янги турганларда, касаллик  
билан мажолсиз қолганларда ва кексаларда бўлгани-  
дек, мизож муътадил бўлмаса; яна савдо мизожлилар-  
да ва кексаларда бўлгани каби руҳ энч ҳамда қивом  
гайиз бўлса, у ўзининг қуюқлиги сабабли тарқала ол-

маъди. Еки руҳ касаллик билан кучсизлашганларда ва хотинларда бўлгани каби қивомда жуда суяқ ва сийрак бўлса, у вақтда руҳ тарқалиш учун етарли бўлмайди. Агар руҳ савдо мизожлиларда бўлганшдек хира ва керемигу бўлса, ундай руҳнинг ғамга истеъдоди кучли бўлади.

## БЕШИНЧИ ФАСЛ

Бирин нарсаса истеъдодли бўлганга энг кучсиз сабаб ҳам етарли бўлади. Масалан, олтингугурт ёнишига истеъдодли шундай, у жуда оз олов билан ёнади, ҳолбуки, ўтин унга икки баробар олов билан ҳам ёнмайди.

Бинобарин, нафе шодлантурувчи омиллардан таъсирлашишга истеъдодли руҳга эга бўлса, у энг кичик сабаб билан ҳам сешинади. Шунинг учун шароб ичган кишининг хурсандлиги ошади, ҳатто ушн ўзидан-ўзи севишяпти деб уйлайдилар, ҳолбуки, бундай эмас. Чунки бирон нарсаса таъсир этувчисиз бир нарсанинг юз бериши мумкин эмас. Балки, шароб муътадил ичилган вақтда мизож ва қивоми муътадил, нурунвати порлақ, миқдори кўп руҳ пайдо қилади. У руҳ эса хурсандликка истеъдодли бўлади ва фойдали хурсанд қилувчи сабабларнинг энг кичиги билан ҳам сешинади; ҳамда унинг ҳозирги вақтдаги фойдали сабаблардан таъсирлашиши келажакдаги фойдали сабаблардан таъсирлашишга қараганда ортиқроқ бўлади. Шунингдек, маъзатдаги маъфратли сабаблардан таъсирлашиши тиройликдаги маъфратли сабаблардан таъсирлашишидан кўпроқ бўлади. Шунингдек, гумон орқали бўладиган таъсирлари ақл орқали бўладиган таъсирларидан ортиқроқ бўлади.

Бунинг сабаби шуки, миёда бўладиган нафсоний қувватларнинг руҳи муътадил рутубатга муҳтож бўлади; бундай рутубат фикрнинг ҳаракатига ва ақлнинг ишлатилишига тобе бўлиш учун керак. Ҳолбуки, каслик вақтида маъкур йуенида рутубатлаиши ортади, натижада нафсоний қувватлар ақлга бўйсунмайди, шу билан бирга, миёга маъжлаиш кўтарилувчи буғлар билан аралашиб ҳаракати ортади. Рутубати жиҳатидан ақлнинг ҳаракатлаштиришига бўйсунмайди, балки руҳоний латиф бўлмаган зўраки жисмоний ҳаракатгагина тобе бўлади. Истиробни жиҳатидан ҳам руҳоний таъсир

юлга<sup>14</sup> бўйсунмай, фақат зураки жисмоний ташкилга бўйсунди. Бу ҳолда ҳақиқий фикрлашда унинг истеъмоли қийинлашади. Шундай бўлгач, унинг ҳолининг таълабига кўра, яъни мизож мўътадиллашиб, мавжланиши тўхтагушга қадар ақлий қувват<sup>15</sup> унда қочади. Сўнгра юракда бўлган ҳаётний ҳуваитнинг хурсандчиликка бўлган истеъдоди мастлик вақтида ортади.

Юқориди баён қилганимиз сабабга кўра,<sup>16</sup> унга ҳолис фикрий хурсанд қилувчи омиллар таъсир этмайди. Балки унга ҳис билан ҳисга тобе бўлгани ва ҳисдан қувват олган ваҳм орасида тасаввур этувчи шодланттирувчилар, ёки ҳис билан нафсоний қувватларни истеъмоли қилишда унда ёрдам олиб қувватланувчи фикр орасида тасарруф этадиган шодланттирувчилар таъсир кўрсатади. Чунки ҳис ички руҳни қаттиқроқ етгади ва унга ҳаракатга солишда ақлдан кучлирақдир. Ҳатто ҳандаса ва бошқа илмларда бўлгани каби ички руҳ ақлга бўйсунмаса, унга қарши ақл ҳисдан ёрдам олади ва ҳис васитаси билан унга имконият туғилади.

Шундай бўлгач, келажак гўзал ва ақлий шодланттирувчиларнинг шароб ичувчининг нафсида таъсири оз бўлиб, уни лаззатли ва яхши шодланттирувчилар, хусусан, дарҳол мавжуд бўлган шодланттирувчилар эгалдайди; ичган кишининг таъсуротга истеъдоди кучли бўлгани учун унга болаларда бўлгани каби энг кичик сабаб ҳам етарли бўлади. Аммо бу томонлари тушунилмасдан ичган киши сабабсиз секинди деб уйлаш беҳуда факранд.

Шодлик билан ғамнинг сабаблари кучли ва заиф бўлади; улар киа маълум ва комаълум бўлишлари мумкин.

Кўп одат этилган нарсалар маълум бўлмаган сабаблардандир. Чунки кўп одатланган нарсани сезилмайди.

Шодланттирувчи ва ғамланттирувчи сабаблардан кучли ва заиф — очиқ-ойдиқ бўлганларини тапириб ўтиришга ҳожат йўқ.

Иккинчисига келсак, у ҳиснинг оламдаги тасарруфи кабиларки, бунинг лаззат беришига эҳдиининг ғам бериши далилдир. Энди эса зулматда яшашдир. Яна, масалан, кишининг ўзига ўхшашини кўриши кабиларки, бунинг шодланттиришига ёлғизлигининг ғамгиллик келтириши далилдир.

Бу кил сабабларга яна «Риторика», яъни «Хитобот китоби»да энкр этилган қўлидаги омиллар мисол бўла



оладан дарҳол муродга эга бўлмоқ, бирон қаринликкениз  
уз истетиға мусофиг янашда давом этмоқ; шунингдек,  
бироз ва умидлар, ўтган нарсаларни эсламоқ, келажакка  
умид қилмоқ, ўзини овутмоқ, суҳбатлашмоқ, ҳайрон  
қилимоқ, қизиқмоқ, таажжуб, ажаблантирмоқ, суҳбатига  
дўстнинг аҳамият бериши, ёрдамлашмоқ, алдамоқ,  
товламоқ ва бир озгина нарсада бўлса ҳам галаба қо-  
зониоқ.

Бу ишлар истак ва одатларга кўра ўзгаради. Инсон  
булардан қатъийи ҳоли эмас. Инсонлар енгил таъсирни  
да буларнинг оқимида оққан ҳам берувчи сабаблардан  
ҳам ҳоли бўлмайдилар. Бироқ, истиснод бир нарсанинг  
икки тарафидан бирнга хос бўлганда, иккинчи тараф  
сабаблари кучли бўлмагунча улардан таъсирланмади,  
аммо махсус бўлган тарафнинг сабаблари заиф бўлса  
ҳам улардан таъсирланади. Масалан, маст одам шундай,  
у юқоридagi сабабларнинг бири билан ҳам шодланишда  
давом этади. Ҳолбуки, савдойи мизожли<sup>17</sup> ва хира руҳли,  
кишининг ғамгинлиги мазкур сабабларнинг тескариси  
бўлган ҳам ва ваҳшат берувчи сабаблар натижасида  
давом этади. Масалан, юз берган хатарлар, кўрган алам-  
лари, нафрат, қўпол муомала ва адоқалар, келгусида  
буладиган қўрқувлардан ваҳималаниш, ақли инсон-  
нинг у қадар аҳамият бермайдиган шу дунёдан айрилвиш  
каби нарсаларни ўйлаш; қилиниш лозим бўлган муҳим  
ишларни ўйлаш, бирон ҳодиса туфайли машғулот ва  
фикр қилишдан ажралвиш, муродда қимчилик бўлиши ва  
санаб бўлмайдиган даражада кўп бошқа нарсалар  
каби.

Булар ва унга ўхшаш ҳодисалар ғамга истиснодли  
кишиларнинг кўнглига келиши билан у кишини ғамга  
солади.

Савдо мизожли киши эса ҳаёли кучли бўлгани учун  
унинг ҳаёли ғамланишига буладиган манзаралар кел-  
тириб уни ваҳшат ва қоронғу фикрларга туширади. Яна  
ҳам йўқолмай бу нарсалар гўё доимо бўлиб тургандек  
туйилиб, улар ҳам ва хавфдан қутулмайдилар.

Савдойи кишиларда ҳаёлининг кучли бўлиши кишининг  
ўрта қоринчасида бўлган руҳининг мизожли савдоининг  
берган қуруқлиги билан қуруқлик пайдо қилиб ҳаракат-  
тининг енгиллашшидандир. Яна биз нафе илмидаги  
шарҳларимизда илоқ этганимиздек, ақл руҳининг ёмон  
мизожидан истиснод этмай юз ўгиради.



Хурсандлик ва ғамга бўлган истеъдоднинг ҳамма сабаблари ҳам руҳнинг жавҳарига миқдор ва сифатда қўшилган сабаблардан эмас. Балки яна бир бошқа гуруҳ мафсоний сабаблар борки, булар руҳни бу икки кидан хурсандлик билан ғамдан бирга ҳазирлайди.

Бу иккинчи гуруҳ сабабларининг руҳни тайерлашлари руҳнинг миқдори ва сифатига кирган биринчи гуруҳ сабаблардан бирининг юзига чиқиши — худуси орқали бўлади, яъни улар билан руҳнинг мизожи ва қивоми муътадиллашади, миқдори кўпаяди, табиати муттасилдоний бўлади, шундай қилиб сабаблар руҳни хурсандликка ҳазирлайди. Ёки мазкур нарсаларга энд сабаблар юз беради ва улар руҳни ғамга ҳазирлайди<sup>16</sup>.

Шундай қилиб, у ташқи сабаблар биринчи сабаблар бўлади, бу жавҳари, яъни руҳнинг жавҳарида юз берган сабаблар эса иккинчи ва яқин сабаблар бўлади<sup>17</sup>.

Узоқ сабаблар дейилган оризий сабаблар сои жиҳатидан теклашган бўлмайдилар ёки уларни санаб кўрсатиш қийиндир. Лекин, факримча, ҳаммасини бир маъно остида тўплаш мумкин: андди бўлган ҳар бир таъсир такрорланса, у таъсир натижасида қувват ортади ва истеъдодга айланади.

Яхшиси бу маънони истиқро<sup>20</sup> йўли билан язоҳ этамиз ва айтаманки, бир жисм эгар кетма-кет бир неча мартаба иситилса иситишга истеъдод пайдо қилади; совутилса ҳам шундай бўлади; бирон жисмнинг бўлакларини сийрақлатилса ёки энчлатилса ҳам шундай бўлади.

Ички қувватларнинг ҳам таъсирлари ва таъсирланишлари такрорланса, улар учун кучли бир малака ҳосил бўлади. Ахлоқ ҳам шундай вужудга келади. Шундай қилиб, бундаги сабаб қуйидагича бўлса керакки бир нарсада доний таъсирланиш юз берса, бу таъсирланиш у нарсанинг жавҳарига муносиб бўлади. Бир нарсага муносиб бўлган нарса унинг эндлига қарма-қарши бўлади; энднинг қарам-қаршиси такрор вужудга келса, нарсанинг эндини қабул қилиш истеъдодга камакди, натижада у эндининг қарам-қаршисига бўлган истеъдод ортади. Юқоридаги маънони истиқро орқали ва машҳур нарсалардан олинган қисс йўли билан баён шундан иборатдир.

Бу фикрни далил билан ҳам исбот этиш мумкин, аммо у вақтда сўз узайиб ўқувчиларни зериктиради.

Демак, шундай бўлган, хурсандликнинг кетма-кет давом этishi табиатин хурсандликка тайёрлайди, ҳамини кетма-кет бўлган эса кишини ҳам ва сиқилишига тайёрлайди.

Табиат баъзига ўхшаш бўлган қараш ва баёнига келганда муви айтаманки, хурсандликдан доимо икки нарса пужудга келади: биринчиси табиий қувватнинг кучайishi, иккинчиси хурсандлик — руҳни ёйилишига олиб келган учун руҳнинг сийракланувиidir.

Табиий қувватнинг кучайishiга хурсандликнинг сабабларидан бўлган уч нарса эргашиб келади: биринчи, руҳ мизожининг муътадилланиши; иккинчи руҳдан тарқалган қисмининг ўзинга кўпроқ моддаларнинг пужудга келиши; учинчи, руҳни тарқалиб кетишининг истилождан саклани.

Руҳнинг сийракланишига икки нарса тобе бўлади: биринчи, қишми, яъни тарқибни латиф бўлгани учун ҳаракат ва ёйилишига қобилият; иккинчи руҳнинг ёйилиши билан санқ ҳаракат этатилган томонидан бошқа томонга ҳаракат қилиши натижасида руҳга озиклантирувчи моддасининг тортилиши. Чунки бу сифатда пужудга келган ҳар қандай ҳаракат орқасида бўлган нарсани ўзинга эргаштириб тортади. Бунинг сабабини бу ерда айтиб ўтиришимизга ҳожат йўқ. Бу ҳақда қуйидаги мисоллар билан қаноатланамиз: олдиди оқувчи сувлар орқасидаги сувларни тортади; шамоллар ҳам, қортиқлар ичидидаги тери, шунингдек зарроқда<sup>21</sup> асбобидаги сувларда ҳам шундай бўлади. Худди мана шу маънода хурсандликнинг такрорланиши хурсандликка тайёрлайди. Аммо ҳам такрорланса, унинг устида қувват ортади. Чунки ҳамга икки нарса тобе бўлади: биринчи табиий қувватнинг заифлиги; иккинчи руҳнинг шиддатли сиқилиши ва бўгплиши сабабли тутма ҳарорат сўниб, натижада юз берган совуқликдан руҳнинг қуюқлашуви. Буларга эса юқориди биз айтган нарсаларининг андиги тобе бўлади.

Шундай қилиб, маълум бўлдики, хурсандликнинг кетма-кет бўлиши руҳни хурсандлик учун ҳазирлайди, ҳамининг кетма-кет бўлиши эса руҳни ҳамга ҳазирлайди. Қувноқ бўлган кишига тамлантирувчи сабабларининг энг кучлисигина таъсир қилган ҳолда, хурсандлантирувчи сабабларининг энг кучсиз ҳам таъсир қилади. Ҳамларга мубтало кишининг ақоли эса бунинг андидир.

## ЕТТИНЧИ ФАСЛ

Бу ерда, яъни юрак бобида бир ҳол бор, унга юрак заифлиги дейилади, яна бошқа бир ҳол бор, унга танаҳ-хуш<sup>22</sup> ва кўкрак, яъни юрак сиқилиши дейилади. Бу иккаласи бир-бирига ўхшаса ҳам ораларида фарқ бор.

Шунингдек, бу ерда бошқа бир ҳол бор, унга юракнинг қувватланлиги дейилади. Яна бошқа бир ҳол бор, унга эса кўкракнинг баълиши ва шодлиги дейилади. Бу иккаласи ҳам бир-бирига ўхшаш бўлса-да, ораларида фарқ бор.

Мазкур икки группадан ҳар бирининг икки қисми бир-бирига ўхшаш, чунки у иккаласи кўп ҳолларда бир-бирига лозим бўлади, яъни бир-биридан айрилади.

Биринчи группанинг икки қисмини икки таъсирланувчи ҳол, иккинчи группанинг икки қисмини эса икки таъсирли ҳолдан иборат деб ҳисобланади.

Ҳар икки группанинг ҳар икки қисми орасида очиқ фарқ бор.

Биринчи фарқ. Биринчи группанинг ҳар икки қисми бир-биридан айрилмайдиган эмас, шундай ҳилиб, ҳар бир юраги заиф бўлган киши ҳафа бўлувчи бўлмагани каби, ҳар бир ҳафа бўлувчининг юраги заиф бўлавермайди. Шунингдек, ҳар бир қалби кучли киши шодланувчан бўлмаганлиги каби ҳар бир шод киши ҳам кучли қалб эгаси эмасдир.

Иккинчи фарқ. Буларнинг таърифлари бошқа-бошқадир. Чунки юрак заифлиги хавfli ишга кўра ҳам қалбнинг унга чидай олишлигининг озлиги жиҳатидан бўладиган ҳолдир. Кўкрак-юрак сиқилиши эса ваҳшатли ҳолга кўра ҳам қалбнинг унга чидай олишлигининг озлиги жиҳатидан бўладиган ҳолдир. Хавfliдан мақсад баданга азият берадиган нарсадир, ваҳшатли нарсалар эса нафсоний азият берадиган нарсалардир.

Учинчи фарқ. Бунда донхий равишда юз берадиган руҳий ҳолисалар турлича бўладилар, чунки қалб заифлиги қочиниға ҳаракат қилади, юрак сиқилиши эса қайтаришига ва қарши туришиға ҳаракат қилади. Аммо кўпинча қочмоқнинг энди булган олишиши ва танилашишиға интилади. Шунингдек, қалб заифлиги бир орза сифатида юз берганда ҳаракатлантирувчи қувватни бўлантиради. Юрак сиқилиши эса ҳаракатлантирувчи қувватни қўлиниға кўзготади ва ҳаракатлантиради.

Кер — аман дептам кепантур пахк фиркрас тарпор-  
паннин на гинак йи оман орай хадиминур тарпордан-  
ин бинак нахто ойнак. Шинт нахто ойнак тарас-  
мур суп каярп зарон шини хам сагаб ойнак. Акко

### ТРИКТИМПИ ПАЦИ

Кер — аман дептам кепантур пахк фиркрас тарпор-  
паннин на гинак йи оман орай хадиминур тарпордан-  
ин бинак нахто ойнак. Шинт нахто ойнак тарас-  
мур суп каярп зарон шини хам сагаб ойнак. Акко

Кер — аман дептам кепантур пахк фиркрас тарпор-  
паннин на гинак йи оман орай хадиминур тарпордан-  
ин бинак нахто ойнак. Шинт нахто ойнак тарас-  
мур суп каярп зарон шини хам сагаб ойнак. Акко

Кер — аман дептам кепантур пахк фиркрас тарпор-  
паннин на гинак йи оман орай хадиминур тарпордан-  
ин бинак нахто ойнак. Шинт нахто ойнак тарас-  
мур суп каярп зарон шини хам сагаб ойнак. Акко



1. **Содержание**  
 2. **Введение**  
 3. **Глава I. Общие положения**  
 4. **Глава II. Организация**  
 5. **Глава III. Финансы**  
 6. **Глава IV. Производство**  
 7. **Глава V. Контроль**  
 8. **Глава VI. Заключение**

Содержание

1. **Содержание**  
 2. **Введение**  
 3. **Глава I. Общие положения**  
 4. **Глава II. Организация**  
 5. **Глава III. Финансы**  
 6. **Глава IV. Производство**  
 7. **Глава V. Контроль**  
 8. **Глава VI. Заключение**

1. **Содержание**  
 2. **Введение**  
 3. **Глава I. Общие положения**  
 4. **Глава II. Организация**  
 5. **Глава III. Финансы**  
 6. **Глава IV. Производство**  
 7. **Глава V. Контроль**  
 8. **Глава VI. Заключение**



Үч оқишга қаратилган ҳаракати жуда шиддатли бўлмайди. Ҳамда ғазаб жуда кучлига қаратилган бўлмаслиги билан бирга жуда заифга ҳам қарши қаратилган бўлмайди.

Балкики, агар ғазаб тез ўтиб кетса, унинг сурати хаёлда тавқоралинмайди ва йўқ бўлиб кетади, натижада кек ҳосил бўлмайди. Үч олинш орзуси ва ўч олиншга қаратилган ҳаракат жуда кучли бўлса, кекнинг кучлилигига қарши бўлганган яна икки хил ҳол юз беради. Бирин: бутун ҳамма нарсанинг ўч олинш шарафига бўлган ҳаракатга тортилиши ва хаёлини азият берувчи маънода тасвирлаш қилишдан ва унинг тобелари ва қўшимчаларини хоҳлашдан сақлаш ҳамда уни эса ўрнашиб қолишига йўл қўймасликдир. Чунки ҳаракатга келтирувчи қувватнинг иши доимо нафесни идрок этувчи қувватдан сақлашдир ва аксинча<sup>23</sup>.

Шунингдек, ташқи қисмининг иши нафесни ички томондан четга қолдиришдан иборат ва аксинча.

Иккинчи ҳол: ўч олинш шавқни жуда шиддатли бўлса ва у шавқни синдирадиган хавф бўлмаса, шавқнинг таъкидлашини натижасида исалган нарса хаёлда гўё эришилган нарса даражасига кўтарилади. Чунки қайси сурат тарафига бўлган ҳаракат кучли ва жуда тез бўлса, хаёл у суратни маъжуд нарса каби хаёл қилади. Талаб қилинган нарсанинг сурати хаёлда маъжуд нарсанинг сурати каби ўрнашса хаёлда унинг олдида, ҳаракат тугалланадиган бир нарсанинг сурати каби сурат ҳосил бўлади. Натижада хаёдан шавқ кўтарилади ва хаёлда унинг сурати кўринмайди. Шундай қилиб, шавқ зеҳини қарор топмайди ва бунинг натижасида кек ҳам вужудга келмайди.

Азият берувчи омиа подшоҳлар каби зўр ва ҳайбатли бўлса, ундан ўч олиншдан чўчини ва кўрқини ўчга бўлган шавқнинг суратини нафсда давом эттишига қаршиллик қилади. Бу ҳолда фикр ва хаёлда шавқнинг сурати кўринмасгани каби азиятнинг сурати ҳам кўринмайди; аксинча олиншига эмас, балки қочинишга шавқни бўлган хавф кўринади. Шунинг учун бундай вақтда кек сурати нафсда қарор топмайди.

Болаларга ва заифларга келганда, булардан ўч олинш имконининг осонлиги ва булардан кўрқинининг озлиги сабабли ўч гўё олингандек туйилади. Чунки жуда қулай бўлган нарса хаёлда вужудга келганга ўхшаш бир ҳолни олади. Хаёл эса бирон иш ҳақида у ишнинг ўзига

кўра эмас, балки, ўанда рўй берган таъсирга кўра ҳаракат этади. Бу ҳолда енгил бўлган нарса хаёл олдида эришилган нарса каби бўлган, эанфлардан уч олмиш мавжуд нақд каби бўлади ва ўч олмишга бўлган шавқ дарҳол кучини йўқотади; ҳеч қандай шавқ кўришмайди, кек ҳам вуҷудга келмайди.

Далил: Хаёлийнинг рағбат ва рағбатсизликдаги аҳволли ўхшашликларига асосланган бўлиб, ҳақиқатларга асосланмагандир. Асални қустирувчи аччиқ нарсага ўхшатишган вақтда инсон ундаи нафрат қилади. Яна бошқа хил яхши таомларнинг жисм рангларини ва шаклларини жирканч жисмларининг ранг ва шаклларига ўхшатишга ҳам шундай бўлади. Холябузи, оқд бўлиши шундай бўлишини тасдиқ этмайди. Яна кўннинг учуви, бирон иш ва шавқ ҳаракатининг шиддатидан еки етишишининг қулайлиги туфайли эришилмиши мумкин бўлган натижа борга ўхшаса, хаёс ундаи худди мавжуд нарсадан таъсирлангандек таъсирланади, натижада кек ҳам бўлаётди.

Энди раишан бўлдики, бу фаслдан олдинги фаслда биз томондан зикр этилган сўйиш мизож<sup>22</sup> кек учун жуда қобилиятлидир.

### ЭНИНЧИ ФАСЛ

Шодлик берувчи дорилар еки маъкур маълум сабабларнинг бири орқали шодлик беради, масалан, шароб каби руҳни тарбиялаб озақлангирини каби, еки марварид ва опак каби ўзининг тизиклиги билан руҳни раишан қилиш ва еритиш орқали; еки Қобул ҳалиласи, қаҳрабо ва маржон каби руҳни тўплаш ва ундаи тарқалиб сифраклашганини тезлик билан бўлишига қаршилик қилиш орқали еки дарунак каби қиздириш билан руҳнинг модаласини мўътадиллаштириш орқали; еки гул суви<sup>23</sup> ва кофур каби унинг мизожини синутиб мўътадиллаштириш орқали; еки дарини ва лхши худди хўкэтлар<sup>24</sup> каби руҳнинг мизожини лаззат берувчи табиий бир муносиблик билан кучайтириш орқали.

Еки говзабон ва дожувард каби савлоли ифлос бутини хайлаб чиқариш орқали шодлик берилади.

Еки булардан ҳосил бўлган сабзбларининг қушқилиши орқали шодлик берилади; масалан, маржон, дарунак ва говзабонлар шундай, бу ҳақда кейинги фаслларда гапирилади.

Еки дорилар ўзига хос, аммо моҳияти мажхул бўлган хусусиятлари билан шодлик берадилар. Масалан, ёқут шундай<sup>27</sup>.

Ёки мушк ва акбар каби мажхур сабаблардан бирига биргалашган хосияти орқали шодлик беради; чуқки бу иккови ўз хосияти билан бирга ўзларига биргалашган сабаб билан хурсанд қиладилар; бу сабаб эса руҳни озиклантирувчи ҳиддир. Олма шарбати ҳам шундай ўз хосияти билан хурсанд қилади; бироқ руҳнинг мизожини жуда иссиқ бўлса, у ўзининг номаълум-мажхул хосияти ва маълум сабаб, яъни совутиши билан шодлик беради. Яна дарунак ҳам шундай; у ўз хосияти билан шодлик беради. Аммо руҳнинг мизожини совуқ бўлса, дарунак ўз хусусияти билан руҳ мизожини киздириб, муътадиллаштириши орқали шодлантиради. Бъъзан хусусият бирдан ортқи маълум сабаблар билан биргалашиб келади.

Хосиятга биргалашиб келадиган сабаблар ё умумий бўлади, ёки жуъбий бўлади. Агар улар умумий бўлса, у ҳолда юрак заифлиги ва ҳам ҳазинлик учун бўлган сабабларнинг ҳаммасида ҳам мутлақо ислоҳ, яъни тuzатишга муҳтож бўлмайди; масалан, яхши ҳидли нарсалар шундай. Агар жуъбий бўлсалар бляъзи ҳолларда ислоҳ элишига эҳтиёж туғилади: масалан, олма шарбатининг совутиши каби. Чуқки олма шарбати бир мизожга кўра шодлантирувчи бўлиб, иккинчи бир мизожга кўра шодлантирувчи эмасдир. Агар биз олма шарбатини унинг шодлантирувчи хусусияти туфайли совуқ бир мизожда қўлланганини хоҳласак, унинг совуқлигини бирон нарса билан синдираминз.

Жуъбий сабабларни тuzатишда энг тўғри йўл шундай нарса билан тuzатишки, у нарсада талаб қилинган кайфият билан бирга шодлантирувчи хусусият ҳам бўлсин. Масалан, мизожини совуқ бир кишига олма шарбатини берган вақтда унинг шодлантириши хусусияти бўлган озгина мушк билан аралаштириш керак.

## ЭН БИРИНЧИ ФАСЛ

Руҳ моддасига уйғун ва мос бўлган кайфиятларга руҳнинг сезими қуваатлари зўр ҳоҳиш билан мойил бўлади, қояган руҳ моддаси эса табиий равишда, яъни ошатлагича мойил бўлади. Масалан, яхши ҳидли нарсалар ва ширинликлар кабиним, ҳидлаш ва тотиш қув-

вати буларни истайди. Табиий қувват ва ҳабий қувват эса буларга табиий равишда мойил бўлади.

Уз қувватда бошқа бир дорига баробар бўлган дорилар ширинроқ ва яхши ҳидлироқ бўлса, у фойдалироқ бўлади. Чунки жигар ва бошқа аъзодаги тортиш қуввати уларни кўпроқ қабул қилади; агар улар овқат хилдан бўлса, руҳ улар билан озиқланади; агар улар дорилдан бўлса, руҳ улардан тезроқ таъсирланади. Бироқ, ҳиднинг ўрни буғ ёки туғунга мансуб бўлган айтиш мўлладир; ширинликнинг ўрни эса ер моддасига мансуб бўлган тигиз мўлладир. Шунинг учун яхши ҳид руҳни яхшироқ озиқлантиради, ширинлик эса баданни кўпроқ озиқлантиради.

Юрак дориларида ширинликка нисбатан яхши ҳидликка кўпроқ риоя қилинади, жигар дориларида эса ҳидликка нисбатан ширинликка кўпроқ риоя қилинади. Чунки юрак руҳ озиғининг вужудга келиши учун, жигар эса бадан озиғининг вужудга келиши учун манбадир. Бироқ, жигар дориларида ҳидга бериладиган эътибордан кўпроқ бўлади. Чунки жигар табиий руҳнинг манбадир. Аммо тадқиқотчилар фикрича, руҳнинг вужудга келиш ўрни эмас, фақат қарор топган жойдир. Фақат таъбат тарафига эътибор берувчилар наздида эса унинг вужудга келиш ўрни ҳаманр.

Шундай қилиб, табиий руҳ яхши ҳидли нарсаларга томон интилади, улар билан озиқ олади. Табиий қувватлар эса, шубҳасиз, табиий руҳнинг қуввати билан қувватланади.

## УН ИККИНЧИ ФАСЛ

Хусусият ҳақиқатда табиатдан бошқа бир нарсас эмас.

Табиатнинг таърифи шундай: табиат ҳар қайси нарсанинг ўз-биззоғ ҳарикати ва тинчлигининг бошланғичидир. Бироқ, табиатнинг зотий бўлган бошқа ишлари хусусиятга оиддир. Бунга қарамай, ҳақиқатда хусусият табиатдан фарқ қилади: хусусият махсусроқ табиат умумийроқдир. Фақат оддий кишилар наздида табиат, билан хусусият бошқа-бошқа нарсалардир. Аммо ҳақиқатга келганда шунинг айтиш керакки, вужудга келиш ва бузилишга қобилиятли бўлган табиий жиёмларнинг асосини ташкил этувчи элементларда уларнинг содда

ҳолида баъзи бир дастлабки фаол қувватлар юз беради, масалан, олов, ер, сув, ва ҳаво қувватлари. Бу унсурлар бошқаси билан бирлашиб, уларда милож ҳосил бўлганда бошқа иккинчи фаол қувватларни қабул этишига қобилиятли бўлади. Бу ҳақда икки хил назария бор:

1) баъзилар материя — ҳаюлода бирон сурат ҳосил бўлса у сурат материяга аввал бўлмаган бир қобилиятна беради, дейдилар.

2) бошқалар эса материяда олзидан бутун қобилиятлар маъжуд бўладди ва ундан айрилмайди, дейдилар. Биринч, материяда бирон сурат ҳосил бўлса, у материянинг баъзи қобилиятларини қайтарлади. Аммо сўнгра у суратни бекор қилувчи иккинчи бир сурат ҳосил бўлса, аввалги суратнинг қайтарилишини йўқотади, натижада материя табиий равишда ўзида бўлган қобилиятларга қайтади<sup>29</sup>.

Ҳар қандай бўлса ҳам баъзи суратлар ва қувватлар борки, улар жисмлар содда ҳолда эканида бўлмайдилар, балки уларда бўлган қобилият соддалик ҳолатидан сўнг тугал вужудга келади. Масалан, магнитдаги темирни тортиш қуввати каби.

Шу икки қувватдан<sup>30</sup> биронтаси ҳам унсур-элементнинг ўзидан ҳосил бўлмайди; балки табиқарида келади, яъни улар ҳар нарсага тарқалуви ва ҳамма маҳрамадаги қувватни феълга чиқарувчи фаъли илоҳий<sup>31</sup> орқали икки вақт билан ҳосил бўлади: биринчи хил қувватлар биринчи қобилият билан бўлади, иккинчи хил қувватлар эса миложи билан бўлади, бироқ милож уни фақат қувватни қабул этишигагина тайёрлайди. Миложнинг ўзи қобилият ҳам эмас ва унинг фонли ҳам эмасдир.

Ҳосилат ҳақидаги сўроққа берилган жавобнинг натижаси, маълум бўлган табиат ҳақидаги саволга берилган жавоб кабиндир.

Бирон киши «олов нима учун куйдиради» деб сўраса, унинг жавоби: «нисинқ бўлганлиги учун» дейишдан бошқа нарса бўлмайди. Бу жавобнинг маъносин эса «олов ўз табиатида куйдирувчи қувватга эга бўлгани учун» дейишдан бошқа нарса эмас.

Шунингдек, бирон киши «магнит темирни нима учун тортади?» деб сўраса, жавоби: «магнит табиати билан темирни тортиш қувватига эга бўлганлиги учун» дейишдан бошқа бир нарса бўлмайди. Маълумки, оловнинг ҳарорати билан ёндирилишини билган киши ҳақи-



қий ҳолини билган бўлиб, у модонликка мансуб эмасдир. Шунингдек, магнит тоши темирни тортади, чунки унда торттириш кучи бор ва ҳарорат деб аталувчи қувватнинг табиати куйдирishi бўлганидек, бу қувватнинг табиати торттириш бўлишини билган киши ҳам ҳақиқий ҳолини билган бўлиб, модонга мансуб бўлмайди. Лекин куйдирувчи қувватга ном қўйилган, торттириш қувватига эса ном қўйилмаган ва куйдирувчи қувват маълум ва машҳур бўлиб, торттириш қувват ноиниқдир.

Аmmo бир нарсага берилган ном уни маълум қилмайди, шунингдек бир маънонинг оти бўлмаса, бундан у маъно билдирмайдиган бўлиб қолмайди. Сўнгра маълум ва машҳурлик номмаълумликни йўқота олмаганини каби, ноиниқлик ҳам билмасликнинг сабаби бўлмайди.

Бу жавоб оддий кишиларни қаноатлантирмайди, чунки, ундай кишининг фикрича, жисмдан вужудга келадиган ҳамма феъл ва таъсир ё несиқликдан, ёки совуқликдан, ё ҳўлликдан, ёки қуруқликдан, ё отириқликдан, ёки енгилликдан, ё ҳаракатдан, ёки оддий жисملарда мавжуд бўлган бошқа бирон сабабдан соанир бўлади.

Бирор киши шу сабабларнинг биронтасига ишбат берилмаса, ва унинг қандай йўл билан вужудга келгандлиги аниқ билинмаса, оддий кишилар у кишини келиб чиқиш сабабини номмаълум деб ҳисоблайдилар. Ҳолбуки, бундай эмас. Аниқча, ақл ҳар нарсага қандай йўл билан вужудга келишини — табиий қувватданми, кафеоний қувватданми, ақлий қувватданми ёки арабий қувватданми вужудга келгандлигини билади. Магнит темирни нима сабабдан тортади, масалладаги қийинчиликка шунини айтиш керакки, у темирни ўз несиқлиги, ёки совуқлиги билан ёки ўзидаги нафе билан ёки ўзидан чиқувчи нлмоқ шаклидаги жисملар воситаси билан ёки ўз табиатидаги темир табиати билан ўхшаш бўлиши билан, ёки ўзидаги бўшчиқ сабаби билан тортади дейиш нотўғридир; бироз диққат қилинса, бу сўзларнинг нотўғрилиги очилади.

Сўзнинг тўғриси шуки, худди ўсимлик мизож билан озиқланиш қувватига эга бўлганидек, магнит ҳам мизож билан торттириш кучига эга бўлади. Торттириш кучининг нима учун магнитда бўлиб, бошқа жисملарда йўқлигининг сабабини билмасликка келсак, бу масала биз баҳс юритаётган масаладан бошқадир.

Бу масалани билмаслик икки хилдир: биринчиси фаол, яъни таъсир этувчи мабдаъларга<sup>32</sup> қиссадир, яъни бу қувватларни вужудга келтирувчи маъбаларни билмасликдир. Экинчи шу қувват вужудга келадиган мабдаънинг аҳволини билмасликдир. Бу билмаслик маълум табиатдан ташқари хусусиятга тегишли эмас.

Иккинчиси қабул қилувчига инсбатандир, яъни нима учун шу жисм бу қувватни қабул қилишга қобилиятли бўлиб, бошқаси бўлмаслигининг сабабини билмасликдир.

Бу билмаслик ҳам фақат хосиятга маҳсус эмас, балки бизнинг билмаслигимиз ранглар, ҳидлар, нафсоний қувватлар ва бошқа нарсаларга оиддир. Биз мана шу қувватлар ҳақида шунини биламизки, уларнинг амалда мавжудлиги фаол бошланғич омиллар туфайли ҳосил бўлади ва бу омилларнинг сабаби улур таъғридир. Яна биламизки, бу қувватлар модданинг мизожга тобе бўлган маҳсус бир қобилиятидан вужудга келади. Лекин биз бу вужудга келиш ва йуқ бўлиш оламида бўлар эканми, у мизождаги оддий моддаларнинг инсбатини билмаймиз.

Бизнинг мағнитда бу қувватнинг юзага чиқариш сабабларини билмаслигимиз, нарсаларни қандай сабаб билан қизил ва сариқ ранг олишга қобилиятли бўлиш-лигини, ҳатто баданнинг нафсга қандай сабаб билан қобилиятли бўлишини билмаслигимизга қараганда кўпроқ таажжуб қилинадиган бир нарса эмас. Бироқ, маълум бўлган ва одатланилган ишларда таажжуб қолмайди; кишилар уни баҳс мавзун қилишга аҳамият бермайдилар. Модир нарсалар esa таажжубни жалб этади ва у ўз сабаби ҳақида баҳс ва фикр юритишга чақиради.

Қисқача қилиб айтганда, хусусият инсурлардан таркиб топган жисмларда улур фойз билан мавжуд бўлган бир табиатдир: у жисмларда маҳсус қобилиятларга фойдали бўлган маҳсус мизожлардан вужудга келади. Хусусият ҳақида тадқиқотга мувофиқ гапириладиган гап шу. Лекин баъзилар одат бўйича табиатдан бошқа деб ўйламайдилар. Уларча хусусият аралашини билан пайдо бўлувчи баъзи жисмларда мавжуд бир қувватдирки, у қувват сабаби билан бошқа бир жисмда одатдаги маълум табиатнинг ташқарисиди бир иш — таъсир содир бўлади. Табиат esa бир қувватдирки, оддий жисмлар у қувват сабаби билан ишларини бевосита ўзлари

қилаллар, Омжа ва назариячиларнинг заифлари бу фикрладирлар.

Агар олов нодир нарса бўлиб узоқ мамлакатлардан келтирилдиган бўлганда эди, унинг хосиятини юқори кўяр ва олов хосиятининг сабаби ҳақида бошқа хосиятлар сабабларидан кўра кучлироқ баҳс этар эдилар. Чунки оловдан келиб чиқадиган таъсирлар жуда ажойибдир. Нега шундай бўлмасинки, кўриш олов ҳузурда қувватдан феълга чиқали<sup>33</sup> у тўғри кўтарилади ва кучи етган нарсаларининг ҳаммасини юқорига кўтаради. Бир соат вақт ичида озгина оловдан жуда катта нарсалар пайдо бўлади. У учраган нарсани буюқ қилади ва уни моддасига — жавҳарига айлантиради. Ундан бир миқдорни олиш камайтирмайди.

Уйримга қасам ичмагани, оловнинг таъсири магнитнинг темирни тортишидан ва бошқа хоссалардан ута ажабланарлидир. Бироқ, оловнинг машҳурали ва кўп кўрилиши унда таражжубни ва унинг сабаби ҳақидаги баҳсни кўтаради. Магнитнинг ишени кўрганларда эса таражжуб пайдо бўлади ва бу ҳол унинг сабаби ҳақида баҳс қилнишга чиқиради.

### УН УЧИНЧИ ФАСТ

Юрак дориларидан баҳс қилганимизда бир жамъага муштарик бўлган барча синф дориларининг таъсири ва фойдаларини бу бобда экир этмоғимиз лозим. Бундан олдин бутун дориларнинг сифатларини қондаси бўйича сўзлаб ўтаемиз. Шундай қилиб айтаемиз:

Дориларнинг сифати икки турлидир: биринчи, баданининг дориларга таъсир қилиши ёки қилмаслигида қатъий назар, уларнинг ўзида бар бўлган сифатлар. Иккинчи, дориларнинг баданда ёки баданига боғлиқ бўлган аъъода таъсир эътибори билан бўлган сифатлар.

Дориларнинг ўзида бўлган сифатлар, масалан, шулар: исенқлик, совуқлик, ҳўллик, қуруқлик, латифлик, эки тузиллилик, қотишлик, ёпишқоқлик, чузилаувчанлик, оқувчанлик, мўртлик, шунингдек мазолар ва ҳидлар каби.

Исенқлик дори шундай дорик, биздаги табиий қувват унга таъсир этган вақтда аввал у исийди, сўнгра унинг патижасида баданларини исийди.

Совуқ, ҳўл ва қуруқ дори деганда ҳам шулар назарда тутилади.

Латиф дори шундай дорики, ўша бадани табиий кувват унга таъсир этган вақтда, у тезлик билан баданларимизда мумкин қадар энг кичик бўлакларга бўлинадди. Масалан, долчин ва заъфарон каби.

Энг тузилган дори деб хусусияти юқорндагидек бўлмаган дорини тушунама.<sup>35</sup>

Қотувчи дори шундай дорики, совуқ уни қотиради; иссиқ эса оқизади<sup>36</sup>. Ёки иссиқ қотиради ва совуқ оқизади.

Оқувчи дори деганда бўлаклари қайси бир вазият устида бўлмасин, осонлик билан ҳаракат қиладиган дори тушунилади.

Уваланивчи дори шундай дорики, у ҳученз бир сабаб билан ҳам кичик бўлакларга айрилиб кета олади.

Эпишқоқ дори шундай дорики, у ҳўнлишни қабул қилади ва узилмайди.<sup>37</sup>

Мазалар ва ҳидларга келганда, булар маълум нарсалардир.

Цаволарнинг баданимиздаги таъсирларига кўра бўлган сифатлари иккига бўлиняди: бири мутлақ сифатлар ва бири эса баданда бўладиган муҳим ҳоллардаги таъсирларга кўра бўлган сифатлари.

Дориларнинг мутлақ таъсирларига кўра бўлган сифатлари шулар: латифлаштирувчи, эритувчи, тарқатувчи, тозаловчи, дағал қилувчи, очувчи, бўшаштирувчи, ювувчи парчаловчи, тортувчи, ачиштирувчи, қизартирувчи, ярашовчи, қичитувчи, куйдирувчи, емовчи, сасентувчи, доғлаб куйдирувчи, етилатирувчи, ҳам қилдирувчи, дам қилувчи ва сляорин ҳайдовчи<sup>38</sup>.

Бошқа табақа сифатлар шулар: Қуйилтирувчи, еликовчи, силанқловчи, сирғантирувчи, буриштирувчи, епкувчи, тақилтирувчи<sup>39</sup>, қайтарувчи увуштирувчи, қувватли қилувчи ва қимлигича қолдирувчи дори.

Бошқа бир табақа сифатлар шулар:

Уядирувчи, бузувчи захар, таръёқ ва подзахр<sup>40</sup> дори.

Дориларнинг баданда бўладиган муҳим ҳоллардаги таъсирига кўра сифатлари ҳақида, масалан, шундай деилади:

Ичин сурувчи, сийдик, тер ва қонин ҳайдовчи, бола туширувчи дори, қон туфлатувчи, қустирувчи, қонин тухтатувчи, табиятин, яъни ичин боғловчи, сийдикни



ушловчи, яраларни битирувчи, эт ундирувчи, яраларни тиркалатувчи, уларни тозаловчи ва шилувчи дори<sup>41</sup>.

Энди бу сифатларнинг ҳар бирини алоҳида тушуниш ва бошқалардан фарқини билиш учун маъмур сўзларнинг маъноларини айтаман.

Латифлаштирувчи дори шундай дорики, у ўзининг муътадил иссиқлиги ва озгина эритувчилиги билан хилтининг консистенциясини<sup>42</sup> суюқроқ қилади.

Эритиб тарқатувчи дори шундай дорики, у ўзининг ортиқча иссиқлиги билан хилтни бугга айлантириш орқали бўлақларга ажратади ва тикилиб турган жойдан бирин-кетини чиқариб, ихроат уни йўқотади.

Тозаловчи дори шундай дорики, у ёпишқоқ ва қотирувчи рутубатларни тери тешикларининг оғзидан ва аъзо сатҳидан йўқотади.

Дағал қилувчи дори шундай дорики, у суяк, тоғай ва асаб қаби тузилиши лишик аъзога нисбатан тозаловчи вазифани ўтайди. Аъзо бўлақларининг жойлашини турлича бўлиб, унинг устига оққан рутубат уни силлиқлаб турган бўлса, у дори аъзони дағаллигига қайтаради.

Очувчи дори шундай дорики, у ўтани жойларининг ичида турган модданни ҳаракат қилдиради ва уни фақат тешикларининг оғзидагина эмас, умуман оқиб йўллари-дан чиқаради.

Бўшаштирувчи дори шундай дорики, у ўзининг иссиқлиги ва ҳўлиги билан тешикларни зич бўлган аъзонинг тузилишини юмшатади. Натижادا тешиклар кенгайиб, аъзода бўлган чиқиндиларининг қайдалини енгиллашади.

Ювувчи дори шундай дорики, у таъсир қилувчи қуввати билан эмас, балки ҳўликдан иборат таъсирланувчи қувват билан кетказиб тозалайди. У тешикларининг оғизлари томон оқиб ўз ҳўлиги, оқини ва тешик оғзида ёпишган ва қотган хилтларга аралашуви билан у хилтларни юмшатади. Сўнгра аъзо сатҳидаги ҳаракати билан у хилтларни кетказолади. Масалан, арпа суви ва тоза сув қаби. Бу ўринда тозаловчи қувват бўлса, ювиш вақ кучлироқ бўлар эди. Масалан, совуи суви ва ишқор суви қаби.

Парчаловчи дори шундай латиф дорики, у ўз латифлиги сабабли аъзо сатҳи билан унга ёпишиб ётган ёпишқоқ хилт сатҳи орасидан ўтиб, хилтни унда қирқиб ажратади. Шу билан бирга, у дори хилт бўлақла-



рининг орасига ҳам кириди, ҳатто уларни бир-биридан ажратди ва уларнинг туташлигини йўқотди. Хилталар-  
ни ёйилтирмаздан ва уларнинг моддасини тарқатиб  
йўқотмасдан ҳамини кичрайтиради.

Латифлаштирувчи сўзи анчлаштирувчи сўзига қар-  
ши ишлатилганидек, парчаловчи ҳам сирлаштирувчи  
ва ёпишқоқ сўзнинг қаршисидир.

Тортувчи дорн жуда ўтувчи кайфиятга эга доридир.  
У ўзи тегиб турган сатҳга қаратиб хилни тўғри қара-  
кат қилдиради. Бу ҳаракатни ё ҳосилати билан қилади,  
ё қиздириши билан қилади. Қиздириш эса тортади,  
чунки у эригиб тарқатади, натижада бушлиқ вужудга  
келмаслик учун тарқалган модданинг ўзинга бошқаси  
келишига эҳтиёж ҳосил бўлади. Қиздириш яна аъзонни  
гопаклаштиради, натижада оралиқлар тўлишига эҳтиёж  
туғилади. Бундан ташқари, қиздириш оғритади; қайси  
аъзо оғриса, у ерга яқин сабаб билан молдалар туғила-  
нади. Биринчиси шунинг учунки, у аъзоннинг қуввати  
заифлашади ва натижада бошқа аъзоларнинг ҳайдов-  
чи қуввати ҳайдаётган чиқиндиларни қабул қилади.  
Иккинчиси шунинг учунки, азият берувчи сабабга қар-  
ши туриш учун табикий руҳ аъзога юзлангани ва у билан  
бирга қўлгана қон қўшилиб баробар оқади.

Аништирувчи дорн жуда ўтувчанлик кайфиятга эга  
бўлган латиф дорн бўлиб, аъзода майда-чуйда, бир-  
бирига яқин жойлашган кўп сонли ажралашлар пайдо  
қилади ва оғритади.

Қизартирувчи дорн шундай доринки, у ўзи тегиб тур-  
ган аъзонни қаттиқ қиздиради, натижада латиф қон  
кучли тортиниб сиртга чиқади ва қизартиради. Масала-  
ан, торчица, аяжир барги ва чўдялпиз кабилар. Қи-  
зартирувчи дориларнинг таъсири тери учун куйдириб  
доғдекки қаториде туради.

Яраловчи дорн шундай доринки, унинг қизартириши  
кучли бўлади, ҳатто ўзи учраган аъзо бўлакларининг  
орасини туташтириб турган рутубатларни эритиб тар-  
катади. Уларда чиқинлар пайдо қилади ва уларга чи-  
қинларни тортиб ярага айлаштиради. Масалан, боло-  
зур шундай.

Қичитувчи дорн шундай доринки, у ўткир ва қизди-  
риш хусусиятига эга бўлаганидан, тери тешикларига  
ачитувчи ва ўткир хилларни тортади, аммо яра қилмиш  
ларажасига олиб бормади. Масалан, чўл петрушка-  
си — кабикаж каби.

Куйдирувчи дори шундай дорики, у хилларнинг ҳўллигини кетказиб кул қисмини қолдиради Бўйга фарфиён ва ангуза мисол бўла олади.

Еювчи дори шундай дорики, у ўзининг эритиб тарқатиш ва ирадиш хусусияти билан тўшт моддасини камайтиришга олиб боради.

Саситувчи дори шундай дорики, у аъзонинг туташлигини уйда бўлган табиий руҳни тарқатиш орқали бузадди ва туғма ҳароратни тарқатиб юборади. Бироқ, аъзони ейиш, қовуриш ва куйдириш даражасига бормайди, балки у аъзога табиий бўлмаган бегона ҳарорат таъсир этадиган ҳар бир рутубатнинг ҳолига сасиш дейилади. Бу дориға зирних софисе<sup>23</sup> мисол бўлади.

Доғлаб куйдирувчи дори шундай дорики, у терини бир қадар куйдиради ҳўлликсини кетказилади. Тери бўлакларини эса тўнлайди ва қалқондек қаттиқлаштирилади, натижада тери моддаси оқувчи хилтининг оқадиган ерларини тўсиб қолади.

Етиштирувчи дори шундай дорики, у хилтнинг консистенциясини тузатади. Хилт қуюқ бўлса, мўтадиллик билан суялтирилади, агар суяқ бўлса, уни қуйилтирилади ва шундай қилкиб уни ҳайдаб чиқаришга мессаб беради.

Бу вазифани баъзан ўз консистенцияси билан бажаради: агар у суяқ бўлса, жуда қуюқ хилтни суялтирилади ёки қуюқ бўлса, жуда суяқ хилтни қуйилтирилади. Буни баъзида ўз кайфияти билан бажаради. Чунки иссиқ бўлган нарса бевосита — биззот етиштирилади ва совуқ нарса эса билвосита — билараз етиштирилади. Иссиқ нарса қуюқ хилтни латифлаштирилади ва бадан билан бирга бегона нарсанинг орасини табиий хусусияти билан ажратади. Совуқ нарса эса жуда суяқ хилтга ярали бир консистенция беради ва жуда иссиқ бўлган хилтда мўтадилла жилож вужудга келтирилади. Иссиқлик оқизадиган ҳар бир нарсанг совуқлик қотиради ва аксинча. Агар хилтнинг суяқлиги ёт ҳароратдан келса, туғма ҳароратга уни ҳайлаб чиқариш имконини беради. Чунки туғма ҳароратга энд бўлган ёт ҳароратнинг кучини сиқдиради, натижада туғма ҳарорат уни енгиди.

Ҳазм қилдирувчи дори шундай дорики, у озиқни баданни озиқлантирувчи яхши сифатли хилтларга ва у хилтларни эса баданга ўхшаш бир ҳолга келтирилади.

Дам қилувчи дори шундай дорики, унинг молдаси-да бегона қуюқ ҳўлик бўлиб, унга миқдори мўтадил тутма носоқлик таъсир этгани елга айланади ва тарқалмайди; бунга довня мисол бўлади. Дам қилувчи дорилардан баъзисининг дам қилиши меъдада, баъзисиники жса томирларда бўлиб, меъдада бўлмайди. Чунки улардаги ҳўлик кучли эралашган бўлиб, унинг елга айлиниши дориининг бўлаклари кучли равишда ажралгандагина ижжўлга келадики, бу фақат томирлардагина була олади. Бу хил дориға аажоабил ва шилпа мисол бўлади; бу дорилар жинсий истакни қўзғотишига ҳам ярайди.

Елларни ҳайдовчи дори шундай дорики, агар ҳўлик елга айланса-ю, тарқаливса кучсиз ҳарорат бажара олмагани бу жини у дори ўзининг ўтувчи латиғ ҳарорати билан эмалга оширади. Баъзан унинг елни тарқатиши хуеунати дорилар ва озиқларининг томирларда қолган еллари ҳайдаш даражасига ҳам бориб етади. Бунга пайжангупт ва газак ўтнинг уруғлари мисол бўлади. Бу хил парсаларнинг ҳаммаси жинсий қобилиятга зарарлидир.

Қўйилтирувчи дори латиғлаштириб сўйилтирувчи дориининг тескарисидир.

Еликловчи дори шундай дорики, у оқиш йўллари-нинг оғизлариға ёпишиб уларни тўсади.

Силликловчи дори шундай дорики, у меъда, бачадон ва кекирдак-ўлка найи каби бўлаклари турлича жойлашган, яъни ғадир-будир бўлган аъзонинг юанга ёпилиб, уларининг сиртларида бошқа бир силликқроқ сатҳ пайдо қилади.

Сиргантиручи дори шундай дорики, у қуруқликдаги оқиш йўлларида қамалиб қолган жисмин сатҳини ҳўллайдди ва уни қамалган еридан қутқазади. Сўнгра у жисм оғирлиғи билан ҳарихатга келади. Шундай қилиб, у жисмин билвосита ҳаракат қилдирадиган бўлади. Масалан, олхўри ва турли ширалар шундай.

Буриштирувчи дори шундай дорики, у аъзода қуруқлик ва биринки ижжўлга келтиради ва йўлларни епади.

Сикқичи дори шундай дорики, у аъзо бўлакларининг бир-бириға сиқиб зичлаштиришда шу даражага бориб етадики, патижаала у бўлаklar орасидаги суюқ рутубатлар сиқилиб чиқиш томон ҳаракат қилишиға мажбур бўлади.

Тикликка лайдо қилувчи дори шундай дорики, у ўтмиш

йўллариغا кирган вақтида ҳаракат қилдирувчи қувватга бўйсунмасдан барча тор ерларда тўхтаб қолади ва оралиқни тўлдиреди. Бунга ейиладиган кесак мисол бўлади.

Қайтарувчи дори шундай дорики, у совуқ - дори бўлиб, у аъзода совуқлик пайдо қилди, унинг тузланганини эцилаштиради, тешикларини тораитиради, аъзога оқуниги нарсани қотиради ва ҳаракатини сўндириб уни қуйилтиради. Шундай қилиб унга тўсиқлик қилади ва уни қамайди, айниқса ўзи куюқ бўлса, кўпроқ таъсир кўрсатади. Масалан, совутувчи гул ёғи, испягул шираси ва болиқялар шундай таъсир қилади.

Увуштирувчи дори совуқлик дори бўлиб, у аъзони шу қадар совутадики, натижада аъзога кирадиган руҳ моддасининг мизожини ис қилувчи қувват билан ҳаракатлантурувчи қувватни қабул этадиган мизождан бетюна бир совуқ мизожга айлантиради. Бунинг натижасида аъзо мизожки ҳам ўзгариб ҳисси йўқотади. Масалан, қорадори ва мингдевона каби.

Қувватли қилувчи дори шундай дорики, офатларни қабул эттирмаслик учун аъзонинг тузлангани ва мизожини мўътадилликка келтиради. Бу дори шу ишни муҳр лони<sup>44</sup> ва тарёқ каби ўандаги хусусият туфайли қилиши мумкин, ёки ўз мизожининг мўътедиллиги билан қилиши мумкин. Бунда у иселхроқ мизожни совутади, совухроғини исентади; Жолшуснинг қизил гул ёғи ҳақида айтганлари шунга далолат қилади.

Хомлиғича қолдирувчи дори шундай дорики у ўзининг совуқлиги жиҳатидаи етилиши ва ҳазми тўсиқлик қилади. Масалан, меъда ишинда ичилган совуқ сул каби.

Умдирувчи дори шундай дорики, у руҳ билан бадан мизожини бузади. Бу ишни ё ўз моддаси билан ёки сурали деб аталувчи нави билан қилади. Масалан, захарлар шундай. Ёки ўзидаги таъсир қилувчи кафиятининг гилабаси билан қилади; масалан қорадори совуқлиги билан, фарфилон эса иселқлиги билан таъсир қилади.

Бузувчи захар шундай нарсани, у ўз моддаси ва навиинг руҳининг моддаси ва навига зид бўлганлиги натижасида руҳининг мизожини бузади. Масалан, биноконинг шундай.

Тарёқ ва подзахр<sup>45</sup> шундай дорики, у ўзидаги хусусият билан захарли дори таъсирдаи руҳда пайдо бўлган мизожни табиий мизожга айлақтиради ва у мизожни руҳда сақлайди.









кўнсоқ руҳ ва қоннинг суюқлигидан, юрак сиқилиши эса кўпинча қоннинг қуюқлиги ва лойқалигидан юзага келади. Агар юрак вазифлиги ундаги иссиқ бузилган мизож сабабли келиб чиққан бўлиб, бунинг натижасида у офатларни қабул қилса, юрак дориларига қайтарувчи дорилар қўшилади.

Увуштирувчи дорилар юрак дориларига шунинг учун қўшилдики, улар юрак дориларининг қувватини юракка етгунча бузмасдан сақлайди; уларнинг қувватини юракка ҳам маълум вақтгача, яъни улар ўз таъсирини кўрсатгунча сақлаб туради. Бунга мисол юрак маъжунларига қўшилган қорадоридир.

Тарёқлик хусусиятига эга бўлган қувватлантирувчи дориларнинг ҳаммаси ҳам юрак дориларига қўшилади. Чунки бу дорилар ўзидати хусусияти билан табиатига мос яв ёқимлидир. Инсон табиатининг бошланиш ери эса юракдир. Маъкур дорилар юракни қувватлантирганлиги учун заҳарлардан таъсирланмайди. Бу дориларга чиёнсимои дарунак, ёввойи занжабил ва мушк мисол бўла олади.

Юракка шодлик берувчи ва уни қувватлантирувчи барча дорилар тарёқлик хусусиятига эгадир. Бироқ, барча тарёқли дорин ҳам шодлантирувчи бўлавермайди, чунки уларнинг кўпи жуда иссиқликдир, масалан, қушдуз қирин каби. Ёки жуда совуқликдир: семизўт ва сутчўл уруғи ва кофур каби. Буларнинг тарёқликлари бир қанча сабабларга биноан қувватлантирувчи кайфиятга муҳтождир. Сабабларидан бири шундай:

Бу тарёқли дорига қарши бўлган заҳар руҳининг моддасига эид бўлиш билан бирга тарёқли даволарла бўлган кайфиятга эид бир кайфиятдан ёрдам олади. Ҳатто баъзида заҳарининг заҳарлиги фақат шу эид кайфият билан бўлади, холос.

Бошқа бир сабаб: баъзан иссиқ ёки совуқ заҳарларга қарши туриш учун шиддатли иссиқликка эҳтиёж туғилади. Бунинг бир неча сабаби бор:

Биринчи, руҳнинг ҳаракати кучли бўлиши учун.

Иккинчи, руҳнинг ёйилиш кучи ёзилиб, заҳарни узоқдан тарёқли қуннат билан қарши олиш, унга қаршилик кўрсатиш ва уни юракка етказмасдан қайтариш учун.

Учинчи, руҳ кучайиб заҳарни куйдириш ва бузиш учун.

Мана шу галабага эрининг учун руҳни өзсизга вақт сақлаб қимоя қилиш ва уни саломат бўлиши учун юрак дорисидати тарққли хусусиятига эҳтиёж бордир. Қустирувчи дорилар нафасни осонлаштириш ва юракни шамоллатиб роҳатлантириш учун юрак дориларига қўшилади.

Эритиб тарқатувчи дорилар юрак заифлиги ва сиқилиши учун жуда ёмон. Бироқ, юрак заифлигига руҳнинг совуқлиги билан қуюқлиги сабаб бўлса ва баданга ҳам хилмаилар бўлса, бу дорилар у қадар ёмон саналмайдилар.

Бу дориларнинг юрак заифлигида зарари шу сабабданки, улар таъсири билан кам ёки қуюқ ва сиқрак руҳ тарқалиб кетади; чунки энг аввал тарқаладиган нарсая моддаси буғ ва ел жинсидан тузилган нарсалар.

Бу дориларнинг юрак сиқилиши учун бўладиган зарари шу сабабданки, сиқилиш агар руҳнинг озлигидан бўлса, бу дорилар тарқатиш хусусияти билан руҳнинг озлигини оширади; агар сиқилиш руҳнинг қуюқлигидан бўлса, бу дорилар руҳнинг латиф қисmini тарқатади ва қолган қуюқлигини яна ҳам орттиради. Агар бу дориларни истеъмол қилишга зарурат тугилса, буларга туташликни жамлаб сақловчи ва қувватлантирувчи дорилардан юракка муносибларини аралаштириш керак, масалан, килинэ ва Кобул ҳалиласи каби.

## ЭН ОЛТИНЧИ ФАСЛ

Шайх шундай дейди: дориларнинг умумий ҳужмларини айтиб бўлдиқ, юрак дориларига кирадиган ва кирмайдиганларини умумий бир суратда билдирдик, шунингдек уларнинг сабабларини ҳам изоҳладик. Энди яна содда ва мураккаб ҳолда истеъмол этилувчи юрак дориларининг жузъий ҳолатларини муфассал баён қилишимиз лозим.

Абжад тартиби бўйича содда дорилар баёнидан боқладик:

«Алиф» ۱ [А, И, У] ҳарфи

І. Иорисам — ишак

Ишак юракни кучли хурсанд қиладиган дорилардандир. Унинг энг яхшиси хони. Агар бўлмаган бўлса, тоҳо қийнатилгани ҳам ишлатилади.

Инак биринчи даражада<sup>48</sup> иссиқ ва шу даражада қуруқлар. Шунинг учун унда суйиқлик, ширинлик, яъни тиреқлик ва тиниқлик бор. Юракни хурсанд қилиш хусусиятига эга; бунга латифлаштириш хусусияти ёрдам қилади.

Инак руҳни ёйилтиради, кучли қилади, ўстиради, тиниқлатади ва нурлантиради. Инакнинг руҳни кучайтириш хусусияти руҳ ва ҳолатларнинг ўзгариши билан ўзгармайди, балки унинг моддаси барча руҳнинг моддасига мос келади, ҳатто у миёда бўлган руҳга ҳам фойда қилади. Мен буни — инакни қўлга сурма қилиб бўйғанда кўрши қувватининг кучайишидан текшириб билдим.

Инакни эса сақлаб қолни қобилиятига ва жигардаги руҳга ҳам манфати бор, мен буни семиртиришидан кўриб билдим. Маълумки, инакнинг семиртириши бадалининг улдан озқилишини жиҳатидан эмас, балки сөнқини амлатини учун табиий руҳни кучайтириши туфайлдир.

Инакни мўътадиллаштирмасдан истеъмол қилинади.

## 2. Амлаж<sup>49</sup> — омила

Омиланинг мизожин ҳақида келишимовчилик бор. Кўлчанлик буни совуқ дейди, тўғириси ҳам шундир.

Лекин «Қушнош»<sup>50</sup> эгаси иҳудий<sup>51</sup> табиби буни иссиқ ва қиздирувчи деб фараз қилади.

Буни совуқ дегэнлар орасида ҳам келишимовчилик бор. Уларнинг бир қисми бунинг совуқлигини биринчи даражада, бир қисми эса иккинчи даражада, деб ҳисоблайдилар. Ҳар ҳолда биринчи даражада бўлиши муносиб кўрилади.

Қуруқлиги эса, иккинчи даражададир. Шунинг учун қувватлантирувчи ва бурштиловчи дорилардан ҳисобланади; шунинг учун ҳам у юракни қувватлантириш ва хурсанд қилиш хусусиятига эга. Қувватлантириши ва бурштириши нафа шу хусусиятига ёрдам беради. Совуқ мизожли кишиларга берилган вақтда унинг совуқлиги бир ва нарса билан мўътадиллаштирилади. Бу ҳолда у руҳ моддасига мос дорилардан бўлади.

Омиланинг юракни қувватлантиришидаги манфаати юрак сиқилиши йўқ қилишидаги манфаатидан кўпроқ. Сиқилиш агар қоннинг суюқлиги, салтиги ва тез тарқалиши сабабли бўлса, унга ҳам манфат етказиши. Бу

дори ундаги хусусияти билан руҳга фойдали дорилардан бўлиб, юракни қувватли қилиш билан бирга, эҳти ва ёдда сақлаш қобилиятига ҳам жуда фойдалидир.

Бир сўз билан айтганда, омила барча аъзоларни қувватлантирувчи дорилардандир.

## 3. Утруж — шитрон<sup>52</sup>

Шитрон қобили тарёқ хусусиятига эга бўлган хурсанд қилувчи дорилардандирки, иссиқлиги шу хусусиятига ёрдам беради. У учинчи даражада иссиқ ва қуруқ. Япроғи ва очилган гули хусусиятида қобилига яқин, бироқ улар қобилида латифроқ. Ички эти ҳам мизожин иссиқ бўлган юракни қувватли қилувчи нарсалардан бўлиб, иссиқ хафақоқ учун ҳам фойдали дорилардандир.

Бунда тарёқлик хусусияти бўлгани учун сариқ чайн, «бургут бити»<sup>53</sup> ва илри чаққанга фойда қилади. Шитрон учинчи даражада совуқ ва қуруқдир.

Уруғи барча заҳарларга умумий тарёқдир.

Руҳ моддасини чидоли қилини жиҳатидан шитрон қувватли қилувчилардан саналади. Чунки у учинчи<sup>54</sup> даражада совуқ ва қуруқ.

Шитрон юракни нурлантирувчилардан бўлиши ҳам ҳақиқатдан узоқ эмас.

## 4. Ос — мирта

Маълум бўлишига қараганда миртанинг мизожин кучли қўшилмоғи эмас, тазьир ва тазьирланмоғи ҳам мустаҳкам эмас. Шунинг натижасида унинг табиати голиб бир қувватга айланмайдди. Балки бунда икки модда борга ўхшайди: унинг биттасида совуқлик, иккинчисида эса иссиқлик голиб. Бу икки модда ораида аралашини, тазьир ва тазьирланиш мустаҳкам бўлмаганлигидан бирор қарор толган голиб мизож ҳам йўқ. Бу жиҳатдан миртага ўхшаш нарсалар кўп. Бунда иссиқлиги голиб бўлган латиф модда ва совуқлиги голиб бўлган элч модда кўп бўлса керак.

Икки модданинг қўшилиши кучли бўлмагани учун бадалларинидаги тугма иссиқлик бу моддалар орасини ажратинидаги ожиз қолмайди, балки буларнинг орасини ажратади: аввал бадалга ундаги иссиқ модда



синтибди ва у қиздиради, ундан кейин совуқ модда желиб қувватлантиради ва сиқинтиради.

Шунинг учун бунинг мўй ўстиришида манфаати катта; чунки аниқ иссиқ бўлган жавҳарни моддани тартади ва тери ташкичларини кенгайтиради; сунгра совуқ бўлган жавҳарни аъзонни сиқинтиради ва ташкичларини тарайтиради. Шу ҳолда соч бўлувчи модда тартилиб соч бўлиб кетади.

Бундаги ҳушбўйликни ташувчиси эса ундаги совуқ жавҳардир.

Миртанинг энг голиб ва энг кучли табиатини эътиборга олишса, у биринчи даражада совуқ, иккинчи даражада қуруқ бўлади. Шу билан бирга, унда латифлаштирувчи хусусият ҳам бор. У ўзининг ҳушбўйлиги билан руҳга мосдир. Узида латифлаштириши билан бирга буриштирувчи хусусият бўлгани учун руҳга шиқлик ва чидамлик беради. Руҳ моддасини тозалайди ва ёйилтиради. Шу хусусиятларининг ҳаммасига кўра мирта хафақон ва юрак занфиллигига фойдали дориладандир.

## 5. Ушла

У биринчи даражада иссиқ ва иккинчи даражада қуруқдир. Узидаги ҳушбўйлик билан руҳ моддасига мос бўлади. Руҳни қувватлантиради, буриштиради ва шиқилайди. Латифлигидан руҳга сиқиб ўтади. Шунинг учун ушша хафақон учун фойдали ва юракни қувватлантиради.

## 6. Устухудус — Рум райҳони

Бу биринчи даража иссиқ ва иккинчи даража қуруқдир. У ўз хусусияти билан савдоли хилтин, айиқса бош ва юракдан суради. Юрак ва миёдаги рудининг жавҳарларини савдодан тозалаш орқали хурсанд қилади ва юракни қувватлантиради. Бунда озгина буриштириш хусусияти ҳам бор. Шунинг учун у юракдаги руҳининг жавҳарига шиқлик беради. Юракни қувватли қилишда бунинг шу ҳолларидан ташқари бошқа хусусияти ҳам бор бўлса керак. Шунинг учун ичилган заҳарлар, заҳарли жониворлар чақинишда катта фойдали бор. Шунингдек, юракни қувватлантириш ва миёни ўткирлаштиришда ҳам манфаати кўп.



## 7. Армоқ — «Яман долчини»

«Яман долчини» қирфага<sup>52</sup> ўхшаш хушбўй чўлдир. Диттиларича, буки Ямандан келтирилади; уни Хиндистондан келтирилади деб ҳам айтадилар.

Бу иккинчи даражада иссиқ ва биринчи даражада қуруқдир. У ўнда бўлган хусусияти билан руҳни қувватли қилишда жуда кучлидир. Унинг хусусиятига хушбўйлиги ва латифлиги билан буриштириши ҳам ёрдам беради. Бу ҳақда юқорида бир неча марта сўзлаб ўтдик. Худмас, у юрак, миёна ва бугун ички аъзоларни қувватлантиради, шунингдек, у қувватларнинг барча таъсирларида уларга ёрдам беради.

## 8. Озаржи — тиркоқгул

Учинчи даражада иссиқ ва қуруқ. Бунда тарёқлик хусусияти бор. У юракни кучайтиради, бироқ руҳнинг мизожини хурсандликка эмас, азаб томошга майл эттиради.

## 9. Инфақа — панирмон<sup>53</sup>

Учинчи даражанинг охирида иссиқ ва шу даражада қуруқдир. Бунда кучли тарёқлик хусусияти бор. Аммо бунда ортиқ қиздириши бўлгани учун хурсанд қилувчи дориларга қўшилмайди.

## «БО» Ҷ [Б] ҳарфи

## 10. Бодранжубия — лимон ўт

Иккинчи даражада иссиқ ва қуруқдир. Юракни хурсанд қилиш билан бирга, уни қувватли қилишда ажойиб хусусияти бор. Хушбўйлиги, латифлаштириши, очувчилиги ва буриштириши хосиятига ёрдам беради. Бу билан бирга, у барча ички аъзоларни ҳам фойдаландир. Унда руҳдан ва юракдаги қондан савдоли бугун суриб чиқаришга етарли бўладиган енгил сурувчи табиат ҳам бор. Бироқ бу сурини хусусияти бутун бадан ва аъзоларда бўлмай ички бажаришга етарли бўлмайди.

## 11. Буссад — муржон

Биринчи даражада совуқ ва иккинчи даражада қуруқ. Ундаги хусусияти билан юракни қувватлантиради

ва хурсанд қилади. Унинг бу хусусиятига ундаги равшанлаштириш, тивиллик ва буриштириш орқали бўладиган интриқлик қобилиятлари ҳам ёрдам қилади.

## 12. Бозруж — садарайҳон

Бу биринчи даражада иссиқ ва қуруқдир. Бунда хушбўйлик ва буриштириш билан бирга қизилриш бор; унда ортиқ ҳўллик ҳам бор. Эса ҳосияти билан хурсанд қилади, юқорида айтганимиздек, буриштириш ва латифлаштириш билан бирга бўлган хушбўйлиги хурсанд қилишнинг натижаси мақтанарли эмас. Чунки бундаги оқлик бўладиган модда дори бўладиган моддага элдир; ундаги дорилик моддаси биз айтган таъсирларни кўрсатса ҳам, унда бўлган оқик моддасидан савдоли, қўйқа қон туғилади.

Ортиқча ҳўллиги эса томирларда ел ҳосил қилади. Холбуки, юқорида айтганимиздек, бу икки хол руҳга ва шодликка зарардир.

## 13. Баҳман

Бу иккинчи даражада иссиқ ва биринчи даражада қуруқдир. Баҳмanning оқи ва қизили бўлади. Қизилининг иссиқлиги кучлироқдир. Ҳар икковида ҳам латифлик ва очиқлик хусусияти билан бирга буриштириш ҳам бор. Ҳар иккови ҳам юракни қувватлантириш ва хурсанд қилишда кучли хусусиятга эга. Бу хусусиятга эгаларида бўлган мазкур табиат, яъни латифлик билан буриштириш ёрдам қилади.

## 14. Байз — тухум

Тухум музлюқ дорилардан бўлмаса ҳам, юракни яхши қувватлантириш жиҳатидан шубҳасиз дахли бор. Бунда мен тустовуқ, товуқ, қирғовул ва каклик каби яхши гўшти қушлар тухумининг саригини назарда тутаман.

Бу тухумларнинг сариги мўътадил мизожлидир. Булда уч нарсга жамланган: биринчи, тез қонга айланади; иккинчи, қонга айланмайдиган чиқиндисен оз; учинчи, буилан ҳосил бўлган қон юракни енгил озиқлантирувчи қон жишидан бўлганлиги учун у юракка тезлик билан кетади. Шунга кўра, руҳ жавҳарини тарқатувчи, қалб-

даги қондан иборат моддасини қадимдан касалликлар қилувчи фасод бу билан тамоман йўқолади.

### 15. Басфойиж — бистпоя

Бистпоя савдолли моддани юрак, миъ ва бутун бадандан сурини билан бевосита эмас, билвосита-билара хурсанд қилади.

«ЖИМ» Э |Ж| ҳарфи

### 16. Жадвор — задвор

Бу, юракни қувватли ва кучли хурсанд қилувчи муҳим дорилардандир. Бу парпига қарши ва илок чеққанда энг яхши тарафдир. Унинг иссиқлиги қаддан ташқари кучли эмас, шунинг учун у тереқ бўлиши билан ҳам хурсанд қилувчи, ҳам қувватлантирувчидир.

Задвор аристолохияга ўхшаш бир ёноч парчасидир. У парпи билан бирга ўсади ва парпи ўсимлигини заифлаштирадиган, ҳар қандай парпи унинг ёнида бўлса, унчалик ўсимайди ва мева бермайди. Ўйлашмича, бу сўтлуёт деб аталадиган ўсимлик бўлса керак, чунки унда ҳам шундай сифат бор. Бироқ, мен бу фикрда қатъий эмасман.

«ДОЯ» Э |Д| ҳарфи

### 17. Дарунаж — чиёнсимон дарунаж

Учинчи даража бошланғишда қуруқ ва иссиқдир. Аммо юракни қувватли қилиш ва хурсанд қилишда жуда кучли хосиятга эга. Ортиқ даражада иссиқлиги муҳуссиятига қаринилик кўрсатмайди. Бу муҳуссиятига унинг тарақлиқ қуввати ва литиф буриштириши ҳам ёради қилади. У барча захарларга қарши кучли тарақ, шунинг билан бирга, кучли хурсанд қилувчи ҳамдир.

Билъизда унинг шиддатли иссиқлигини унга олти шароби қўйиш билан сундирилади. Агар жуда иссиқ бўлган хафақон учун иссиқмола этишни хоҳланса, унга озгина кофур қўйилади. Бу ҳолда унинг хосияти сақланиб қолиб, кайфияти сундирилади.

### 18. Дорсиний — долчин

Долчин учинчи даражада қуруқ ва локчинчи даража охирида иссиқ бўлган найча шаклидаги нарсалардир.







## 25. Табошир

У юракни қувватлантириш ва хурсанд қилиш хосиятига эга. Ниссиқ бўлган хафақон ва қумдан кетмида фойда қилади; буриштиришни хосиятига ёрдам қилади.

Ниссиқ мизожларда совуқлиги иккинчи даражададир. Баъзан совуқ мизожларда истеъмоил этилса, уни заъфарон билан муътадиллаштирилади. Бунинг шодлантириш ва кучли қилиши руҳда мустақкамлик билан бирга порлоқлик ҳосил қилиши билан бўлса керак.

## 26. Тарахшақуқ — қоқигул

Бу ёвзойи сачратқи бўлиб, биринчи даражада совуқ ва қуруқдир. Тарёқ хусусиятига эга бўлганлиги учун юракни кучайтирувчилар қаторига киради; уни ҳам ичилади, ҳам боғлаб кўйилади.

## 27. Тин махтум — муҳр лойи

Мизожин ниссиқлик ва совуқликда муътадилдир. У ниссон мизожига жуда ўхшайди, аммо қуруқлиги ҳулликдан кўпроқ. Бунда қуруқлик билан шиддатли бир ҳолда аралашган ҳуллик бор. Шунинг учун муҳр лойида ҳам санишқоқлик ҳам елимлаш хусусияти бор. Қуруқлиги кўпроқ бўлганлиги учун бунда шимилш ҳам бор. Юракни кучли ва хурсанд қилишда ажойиб хосиятга эга. Ҳатто бу барча заҳарларга қаршилик кўрсатишда мутлоқ тарёқлик даражасига чиқади. Уни заҳар усиндаги ёки заҳардан олани ичилса, табиати у заҳарни қусиб ташлашга мажбур қилади.

Бунда руҳнинг нурлантириш ва муътадиллаш хосияти ҳам бор; узида бўлган елимлаш ва буриштириш қобилияти бу хусусиятига ёрдам қилади. Булар нағижасида руҳнинг инжиқлиги ортади ва у юракни хурсанд қилиш ва кучайтириш учун тўплайди.

## 28. «ПО» ۛ [И] ҳарфи

Ёқуғ<sup>37</sup>

Бунинг табиати муътадил бўлса керак. Юракни хурсанд қилиш ва кучайтиришда ва заҳарларнинг зарарига қарши туришда унинг хосияти жуда улугдир. Унинг

бу хусусияти жисми билан чекланган бир қувват бўлади. Балки магнитдан чиққан қувват каби ундан чиқиб турса керак. Шунинг учун магнит темирки узоқдан тортди.

#### Турли-туман хатолар тўғрисида

Мақолазни бошлайман ва дейман: модомки соғлиқ, бошиқа китобларда кўрсатилгани ва тушуштирилганидек, мизожининг<sup>3</sup> мўътадиллигига<sup>4</sup> ва тузилишининг тўғрилигига боғлиқ экан, бу жуда муҳимдир: уни сақлашга

баъзи ишларни муътадиллаш (тартибга солиш), баъзи ишлардан эса чекиниш орқали эришилади.

### Баъзи ишларни муътадиллаш

У ҳавони муътадиллаш, овқатни тартибга солиш ва ичимликни тартибга солиш, уйбоқликни тартибга солиш, уйқуви тартибга солиш, нафсоний ҳаракатни тартибга солиш, истироҳат ва сукунатни тартибга солиш, бадандан бўшатиладиган нарсаларни тартибга солишидир. Баъзи ишларда чекиниш (аъзоларни) эладиган ҳамда сиқирадиган, кесадиган ҳамда тўлдирадиган, қовурадиган ҳамда куйдирадиган ва притадиган ҳамда хоҳ совуқ, хоҳ иссиқ бўлсин, ўлимга сабаб бўладиган ёмон мизож тугдирувчи нарсалардан ва ўз хосияти билан мизожга акс таъсир қилувчи нарсалардан чекинишидир.

Бу айтилганларнинг ҳар бири бир умумий жинс ҳисоблашиб, унинг замиридан турлари билан ажралиб турувчи навлар ва хосиятлари билан ажралиб турувчи синфлар келиб чиқади. Биз буларни ойдинлаштиришимиз ва кўнайтиришимиз ҳамда маълум бир чегарадан чиқувчиларнинг турларини ҳисоблашимиз, шунингдек, қандай хатолар бўлишини бирма-бир ва мизожламизож кўрсатиб, уларга қарши турадиганларни ҳам бир-бир санаб чиқишимиз зарур. Бунинг билан маънавий нуқтонан назардан баён қилишимиз керак, зеро бу китобдан мақсадимиз ҳам, бизга амр қилинганидек, қисқалик бўлиб, калмининг<sup>3</sup> ҳақиқий томонини излаб ўтирмай, амалий чораларнинг баён қилиш ҳамда олдин биз старан даражада (баён) қилган ва бурунчилар инновт сарф қилган нарсалар ҳақида сўзлашдан четланмоқ эди. Шунга биноян, биз кишилар сақламини керак бўлган нарсалар билан шугулланиб ўтирмай (йўл қўйилган хатони) тuzатадиган нарсалар билан шугулланилик. Биз ҳозир содир бўладиган хатоларнинг турларини қисмларга ажратиш йўли билан эмас, балки умумий тарада синфлаштириш ва жамлаш йўли билан санаб чиқишимиз зарур. Сўнгра бобма боб батафсил баён қиламиз. Энди (ганни) ҳавони муътадиллаштиришдан бошлаймиз.

### Ҳавони муътадиллаштириш

Абу Али дейди: Ҳаво (сўзи) тиббий китобларда умумий ва хусусий тарада ишлатилади.

Умумийси — бу муштарақ ҳаво бўлиб, хусусийси ҳаммомдир. Шунинг учун ҳаммом ҳақидаги гап ҳаво тўғрисидаги сўз бобига киради. Ҳозир эса умумий ҳаводан бошлаймиз.

Деймишкки, ҳавонин мўътадиллаш қуйидагиларни тақозо этади: унинг иссиқ-совуқлигини мўътадиллаш ҳамда денгиз томонларда (унинг) намлигини, дашт ва чўл томонларида ва тоғларда эса (унинг) қуруқлигини мўътадиллаш; шунингдек куз фаслида ёки ҳаммомга киришда бўладиган иссиқдан совуққа ёки совуқдан иссиққа ўтишни мўътадиллаш; сассиқдан хушбўйликка ёки хушбўйликдан сассиқликка кўчишни мўътадиллаш; шимолдан жанубга; жанубдан шимолга, бир мамлакат мизожидан бошқа бир мамлакат мизожига кўчишни мўътадиллаш; вабо келтирувчи сасиш, — ҳаводани сасишни назарда тутаман, — вақтида (қилинадиган ишларни) мўътадиллаш. Агар вабо ҳаводани сасиш туфайли бўлса, ундай (ҳаво)ни ичга тортмишдан ўзини сақлаш керак. (Ҳавонинг) қамалиб қоллиш ва ҳаракатини мўътадиллаш лозим, чунки тўхталиб қолган ҳавода вабонинг ўзи бўлмаса, ҳам, иссиқ сасиш туфайли вабога ўхшаш ўзгаришлар келиб чиқади, чунки вабо бошқа сабаблардак келиб чиқади, ёки иситмага сабаб бўлувчи совуқлик кайфиятга олиб келадиган (ўзгаришлар юз беради). Доний ҳаракатдаги ҳаво туфайли ҳам баданларда турлитуман сфатлар бўладикки, уни ўз бобиди алоҳида текшираимиз. (У туфайли) мавзулардан тоза жойларга ифлос чанг ва бугларнинг келиб қоллиш (эҳтимолдан) ҳоли эмас.

### Ҳаммомни мўътадиллаш

Ҳаммомни мўътадиллашга келсак, у қуйидагилардан иборат: ҳавосини мўътадиллаш ва унга киришни тартибга солиш керак, токи дафъатан бўлмасин, сувини мўътадиллаш керак, токи у чучук бўлсин, шунингдек, жуда иссиқ ҳам, совуқ ҳам бўлмасин, (Ҳаммомда) туриш ҳам мўътадил бўлсин; уylan чиқиш, уқалаш, ишқаш ва юккиш тартибинин мўътадиллаш лозим.

Сўнг (ҳаммомда) кескин ҳаракатлар қилишдан, жинсий алоқадан сақланиш керак. Кириш вақтинин мўътадиллаш керак, токи қорин жуда оч ва бўм-бўш, шунингдек, жуда тўқ ва тўла ҳам бўлмасин; оғир ҳаракат, қон олдиркиш, сурги қилиш ёки кўп жинсий алоқа

каби қувватни пасайтирувчи нарсалардан сунг ҳам бўлмасли. Сунг ундан чиқкивга шошилнимайди.

(Ҳаммомта) шуичаки тушкямасдан, (унда) узоқ вақт қолнади ва иссиқ жойда ўтирилиб узоқ терланади. Шундай қилиб, биз ҳавонинг кайфиятазари ва уни мўътадиллаш ҳақида қисқача гапирдик.

### Овқатни мўътадиллаш

Миқдорда: кўпроқ ёки камроқ бўлиши мумкин; сифатда; иссиқроқ ёки совуқроқ, қуруқроқ ёки намроқ; таркиби<sup>о</sup> ортиқ даражада заиф бўлиб, тез бузилувчан бўлади, масалан, сут ёки ёмғир суви каби; ёки таркиби ниҳоятда (тиғиз) маҳкам бўлади, масалан, туруч ёки жўхори каби; ёки қўرға кўзиб пишпириладиган (кўмач) нон каби ёқименз, ёки жуда ёғлиқ нарса каби сермой, ёки ёғлиги ўзгар (иб бузил) адиган нарса каби бад-бўй, ёки шёз ва саримсоқ каби (таъми) ўткир; ёки аччиқ бодом каби аччиқ, ёки ўткир сиркя каби нордон, ёки ҳалим<sup>о</sup> ва баянқ каби елимшак ёки жиёда, чилонжийда ва беҳи каби дағал ва буриштирувчан, ёки Фолуд<sup>о</sup> ва араб олими каби силлиқ, ёки мизожнинг ҳўл ёки қуруқлигига қараб таъсирни турлича бўлган ловия ва туг каби ел пайдо қилувчи ёки совуқлиги ва ҳўллиги туфайли ел берувчи қатиқ кабилар.

Овқат ейишининг тартибини тузатиш,  
бири устига иккинчисини ейишнинг тўғри йўлиги  
ва тартибдаси хатолар

Агар жуда тез ҳазм бўлувчи нарса секин ҳазм бўлувчиининг ортидан борса, у ҳолда тез ҳазм бўлувчи ундан олдин ҳазм бўлади, бироқ тағида секин ҳазм бўлувчи тургани учун нарига ўтиб кета олмайди. Шунингдек, секин ҳазм бўлувчидай олдинги сиргалувчи овқат ёки таом билан бирга ёки ундак олдин ё кейин ичилган сурги, ёки таом устига беҳиники каби ширалар (пиши), мезъада туриб қолувчи кашинч каби нарсалар (истеъмола қилини), ёки кутилаётган бузилашга ёрдам берадиган нарсалар ейиш. масалан, карам устидан саримсоқ ва сут устидан пишлоқ, бунда биринчиси тез сасибди, иккинчиси тез ивийди, аралаш қилинган (овқатнинг) бузилаши унинг сасишга ёки ивийшга ёки туриб қолишга қобилиятличилиги билан, шунингдек сир-



тағиб өси еңкілінің екі сурілінің екі боһоға усул оңқа-  
лаи пәстга туһишга тайёрлығы билан булади. Аралаш  
қилишгаи (овқат) буғаланишининг боһоға бир тури (мод-  
далардаги) вақтида хусуситларга бөлениқ.

Тағам ыстемоя қилишини тузатиш йүригларидан би-  
ри ушинг вақтидир. Биринчиси (пәстроққар) туһтағалдан  
кейин иккинчиси тағовуа қилинади. Бирор тасодиғий  
(арамий) сабаб еки касаллик билан боғаниқ буғалтаган  
тағиний очаник сезилгенде, тағовуа қилинади. Шунинг-  
дек, тағам унга айланиб кетшин хавфи буғалган хилте<sup>10</sup>  
металдан ишқарылган буғаса, тағовуа қилинади; маса-  
лаш; меңдасенда сағро буға туриб қаттиқ ичинда шу-  
дан қилинади. Кетсен овқат эҳтиёжи билан қилинади-  
ган бодантарбим туғатган ҳам, ебиле береди.

### Хазмин яқинлаш йүригларидан бири

Клиш узининг ҳарокат, сукунат, уйқу ва уйғоқлик  
ҳолатлари устидан эътибор қилинидадир, токи узок  
вақт ҳаракат нәтижесинде (қориндаги овқат) чайқал-  
масин ҳамда хазм буғалач, узок вақт ҳаракатсиз қоли-  
ши туғайли (овқат) етилмай ҳам қолмасин. Уйғоқлик  
ҳаракат каби, уйқу сукунат кабидир. Рухий ҳолатлар-  
дан газаб ҳам (беҳад) шолзаниш ва шунига ўхшашлар-  
га эътибор беринш ҳам шулар жумласидандир. Чунки  
газабланган кайфиятга исеңлик овқат зарарли, тағ-  
тиниға қуруқлик овқат зарарлидир. Хурсандлик (ҳо-  
лат) устига ҳўа мизожли овқат (ейилса), ортинқалик-  
ка, яъни түрт хилтининг муштарак кулайиниға олиб ке-  
лади.

Шунингдек, қаттиқ хавф еки беҳад лаззат вақтида  
совуқлик (овқат) зарарлидир. Сукунатда кўи (овқат-  
ланиш) ва ҳаракатда ози ҳам (зарарлидир).

Шаробга келсак, уни ыстемоя қилишини тузатиш  
ҳам юқоридаги вақтлар юмасыдан булади. Шароб деб  
сунига ва мает қиладиган парсааларга, шунингдек, иши-  
тлар ва жева суваларга айғинади. Бу ерда ҳам мақ-  
садимиз сув ва боһоға (ичимликлар) ҳақидадир. Би-  
ринчидан, сувалар хусусинда гашириб, уни ыстемоя қи-  
лишини тузатиш ҳақида сузалаймиз. Узини мақдори до-  
зим буғаланидан юқори ҳам, дозим буғаланидан пәст қам  
буғаласин. Узини сифатига келсак, у сувиқ, ситил нәти-  
ли, ҳидени, тағмени, исең ва совуқин тез қабул қилу-  
ни, чет парсаалардан тоза ва чучук дой устидан оқает-

тан дарё суви бўлиб, чиқадиган маибандан уюқдониб, кўни ва шабадага тўли оғиб тез оқувчи бўлиши мисол. Дарё қанчаллик катта бўлса, суви шунча яшил бўлади. У муҳимият жиҳатидан чучук ҳамда меъда оғидан, қорурга келирчакли остидан тез тушиб кетадиган, сийдик билан тез чиқувчи ва терга айланувчидир.

Маъбодо, сув баландли, олтингустурган, зокли, аччиқтошли, мисол, ашгорли, зиринхли бўлса ёки бирорган бошқа маъданиниг қуввати бўлса, у турли касалтоқлар келтириб чиқаради.

Маъданили сувларнинг яхшиси унинг темирлигидир. Турли шўр ва тордан сувлар ҳам шулар жумласидан.

Сув негизанга қилинишиг вақтига тегишли муқориф-лантиришига келсак, уни ёт қоринга ёки тўғиб оққа еб бўлиган ааҳоти ичмаслик керак; шунингдек, оғир ҳаракатдан суни, кили баданини говаклантириб бўшантирувчи жансий алоқа ва ҳаммом қабиладан суни ва кишининг табиий ҳароратини ҳалдан ташқари кўтарилишига таъсир қилувчи газаб ва қуноғ қаби сабаблардан суни ҳам мулкни эмас. Овқат суйилиб оғил-ланиганда ва уни сийдириб ўтказиш учун эҳтиёж бўлганда ҳамда ўткир касалликларни даволаш олдиан (ишса) бўлади.

Бошқа шаробга келсак, уларнинг жанҳарини мулофидлантиришини турларидан бири миқдорларига тегишмасидир. (Ичмилкиниг) кўни бир-бирига энг икки ишини бажаради; исенқ (мизожли) баданларда сафрон ёки исенқ қорини қўлайтиради ёки уларни қилдиради, ёки саситади ёки аъзолариниг ич-ичига оқизади. Совуқ (мизожли) баданларга эса, биз қуйида таъсир этадиган совуқ ва рутубатли таъсир кўрсатади.

Унинг сифати (кайфияти)га келсак: исенқ мизожлиларга берилдиган жуда аччиқ ва қуюқ бўлмасин; совуқ мизожлиларга берилдигани жуда тахир ва суюқ бўлмасин; муътадил мизожлилар ичадигани эса аччиқлик, ранг, бадхўр таъмлик ва ҳид жиҳатидан ҳам (меърдан) оғиб кетмасин; балки улар учун мақбул ҳидли, тилдан ўтаётганида мазаси ёқимли туюлиб ёки буриштирувчи, ёки аччиқ, ёки нордон маза сезилмайдигани (моё келади).

Исенқ мизожлиларга энг маъқули нордонроқ узумдан қилинган оқ суюқ (шароблар). Совуқ мизожлиларга эса қизил, узоқ сақланган, тиниқ ва ўткир қилинган маъқулдир. Мизожли муътадилларга муътадилли (бўл-

син). Сув аралашгани несиқ ва қуруқ мизожли кимсга фойдали; эсаби заиф ва рутубати кўп кимсаларга эса зарарлидир. Шароб ички вақтини мувафиқлаштиришга келсак, оч ва бўғи (қоринга) уни ичиш, айниқса несиқ ва қуруқ мизожлилар учун ярамайди. Шунингдек, овқат ва ўткир мазали емаклар устига бўлмасин; бош сўриқ ёки оғир<sup>11</sup>-нафас сиқилиш ортидан; кўз оғриғи бошламаётганда ёки уч тур садда толиқинлар<sup>12</sup>, яъни чарчаш, тамаддуд<sup>13</sup> ва яра тўфайли бўладиган толиқинлардан бирортасенда ҳамда (толиқиннинг) мураккаб турларига муштало кимсаларга, бодан тешикларининг бўшашиб говаклашувига ва тузма ҳароратининг тарқалиб кетишига сабаб бўлувчи аҳвол юз берган кишиларга ҳам ичиш (мумкин) эмас. Хуморлик устига ҳам (ичилмасин), чунки бу зарарли, ўйлаганларидек фойдали эмас.

Ҳаракатга келсак, сафарлардаги ҳаракат, бадантарбия, жинсий алоқа (уни бўшатиш бобига жойлаштирилса ҳам дурустроқ бўларди, бироқ шу бобга киритишга раъй қилдик) ва нафсвий ҳаракат унинг жумласидандир.

Сафарлардаги ҳаракат тўғрисида алоҳида рисола<sup>14</sup> қилганимиз ва унда бу ҳақда шарҳи билан ёзилган.

Бадантарбияга келсак, унинг тўғри амалга ошириш миқдори билан боғлиқ, токи у чарчатадиган даражада узоқ бўлмасин, жуда оз ҳам бўлмасин. Унинг сифатини (муътадиллаш) шуки, жуда шиддат билан қилинмасин, чунки уни қисқартирилса ҳам узоққа ўхшаб қолади; лекин кучсиз ҳам бўлмасин, чунки уни узоқ давом эттирсанг ҳам озга ўхшаб қолади. Вақти: ички аъзолар ҳамда томирлардаги<sup>15</sup> биринчи таом ҳазм бўлгандан сўнг ва иккинчи таом олдида қилинади. Лекин таом устига ва тўлиқ<sup>16</sup> қоринга (мумкин) эмас; шунингдек, ҳаддан ташқари оч қоринга ҳам (мумкин) эмас — худди рўзадаягидек овқат ейилганига яна вақт ўтиши муносабати билан бўладиган очлиқни назарда тутган. Яна у муқаддам қилинган сурғи, жинсий алоқа қилини, бурундан қон оқиш, қон кетиш, сийдикни ҳайдаш ва яра ёрилиш каби ҳодисалар натижасида бўладиган бўшатишлар устига ҳам бўлмаслиги (керак).

Агар куч талаб қилувчи зарарли ҳаракатга зарурият бўлса, унинг (юқори даражасига) мулоҳималик билан, аста-секин этилади. Жинсий алоқа ҳаракати қорин мутлақо бўш ҳолда қилинмаслиги лозим, акс ҳолда у

сафрон ва бошқа нарсаларни қўзғатиб юборадик, уларни кейинчалик эслатиб ўтамиз. Бундан ташқари, жуда тўқлик устига ҳам, қон олдирини, ички сурини ва чарчатадиган ҳаракатдан сўнг, ёки иситма, ҳушдан кетиш, у ёки бу турдаги заифлик ортидан ҳам бўлмасин, ёки ҳазми оғир ишимаган таомлар устига ҳамда давомли буйрак касалликлари устига масалан: тош найло бўлиши, сийдик тўхтамаслиги ва унинг аччиқ келиши ёки тугилиб қолиши ҳамда диабет касаллиги руи берганда ҳам қилинмаслиги керак.

Шунингдек, икрийс, ирқаниасо ва шунга ўхшаш бўғинларда бўладиган бошқа оғриқларда, ҳис ва ҳаракатнинг увушини ёки сезмай қолиши ва фалаж каби офатларга учраганда, кўз оғриғи ва эшитишнинг заифлашуви устига, манкийнинг чиқиши табиатан қийинлашганда ҳам қилинмасин; яна кўпгина тортмаган кимса билан ёки шахват истогисиз зўрма-зўриқига ҳам қилинмасин. Ким куруқ мизожли, хусусан, унинг совуғи бўлса, ёки таъсил аъзолари совуқ, ёки кўриниши ориқ, яратилишдан аслий аъзолари заиф бўлса ҳам (мумкин эмас). Шунга ўхшаш (алоқага) ўрганиб қолган кишига агар унинг шахвати шиддатланиб турса ҳам, алоқа қилинганга узоқ вақт ўтган бўлса ва айниқса, у киши бекор, нозин неъматда яшаган бўлса ҳам баданни серҳосил ва кўп қилин бўлса, уни тарқ этиш ҳам зарарлидир. Нафсоний ҳаракат тўғрисида асо уйғоқлик ва уйқу (боби)дан сўнг сўзлаймиз.

### Уйқу ва уйғоқлик ҳамда уларни тўғри тартиблаш йўллари

(Уйқу) ўз вақтида бўлсин, мен меъдада овқат миқдори бирмунча енгиллашиб қолган (вақтин) назарда тутаман. Фараз қилинган вақт миқдори таъбга ва муътадилликка қараб (белгиланади). У 12 соатга яқин, бунинг кўп қисми кечасига ажратилади. Агар бадан гипозаланган бўлса, унинг бир ёки икки соатгина кундузга ўтказса ҳам бўлади. Лекин (бадан) гипозаланиши бўлмасе, (кундузги уйқунинг) өзгинаси ҳам керак эмас. Димо дам олишни возиж қилуни қаттиқ чарқаш, ортиқ галабланиш, фикр қилиш, сам каби сабаблардан бироғнаси бўлса, кундузги уйқунинг зарари йўқ.

Ҳаддан ташқари кўп уйғоқлик (ухламаслик), хусусан, ориқ бадан ва иситқ мизожлар учун зарарлидир.



Ҳаддан ташқари кўп уйқу, ҳеч шаксиз, семиз, тўлиқ баданларга зарарлидир.

(Бадани) бўшатиш ва акслича, (унда суюқликлар-ни) ушлаб қолиш ва унга ўхшашлар бобига қон олиш, сурги қилиш, тер, сийдик ва маший чиқариш киради. Маший чиқариш ҳақида сўзлаб ўтдик.

Қон олиш бирор заруриятдан келиб чиқши керак ва кишининг ёшига, одатига, табиатига ва қувватига ҳамда мавсумга қараб қилиниши зарур. У — ҳаракат, тўлиқлик, жинсий алоқа, ҳаммом ва чарчашдан сўнг зарурат бўлмаса, қилинмаслиги керак. Кўп сув ичиш ва хиятларини қўзғовчи ичимлик ичиндан сўнг ҳамда меъда ва юрак заифлиги устига ҳам имкон борица қилинмаслиги керак.

Ортиқларин босиш ирода этилганда, шундай ҳаракат қилинсинки, қоннинг (чиқариллиши) зарур (бўлган миқдор) икки ёки уч мартада чиқиб кетсин. Сўнгра (бе-морин) тинч қўйилади, аямо агар имконияти бўлса ух-ланилмайди. Агар айтганларимизга хилоф иш тутилса, (бошқа) касалликларга шароит туғиладик, улар ҳақи-да кейинчалик айтамыз.

Сўнг, Табиий (зарур) миқдордан ортиқча қон олиш оғриқиб турувчи иллатнинг, унинг моддаси қандай бўл-масин, тўзалиниши тезлятади. Бироқ туғма ҳарорат-нинг барқарорлиги қонга боғлиқ, ҳаётнинг барқарорли-ги эса туғма ҳароратга боғлиқ. Шунинг учун энг яхши-си ва энг маъқули эҳтиёт бўлиш ва тадоружини қилиш-дир.

Сурги қилишга келсак, уш бадан қувватли пайти-да ва унинг сургига ҳожати бор пайтида қилиш керак. Шунингдек, уш зарарли болиб хилти суриб чиқара-диган нарсая носитасида яхши эътибор билан амалга ошириш керак. Ундан олдин ёки кейин қаттиқ ҳаракат ёки жинсий алоқа бўлмасин; унинг устига кўп суя ичи-лмайди, меъдада овқат кўп бўлганда ҳам (сурги) қабул қилинмайди; шунингдек, унинг устига овқат, агар ич сурини тўхталмаган бўлса, ейилмайди. Уша қуви таом ва ичимликлар егиллатилади ва ҳар иккисининг мумкин бўлгани қадар (озин) билан хифояланилади<sup>17</sup>.

Бу бобга тааллуқли нарсалардан бири сурги ичиб, ичи сурилмаган ёки керагидан ортиқча миқдорда сурил-ган қимсаннинг тадоружини қилишдир.

Энди қусишга келсак, унинг ортиқчаси хилма-хил бузилишларин келтириб чиқаради, лекин уш ўз вақти-



да қилинса, катта фойдаси бор. Батъилларга пи қоринга ва батъилларга овқат устига жуда фойдалидир. Умуман (хустирини учун) яхши вақт қишдир.

Синдикки юригишга келсак, у ҳам қаддан ошиқ бўлмасин, шунингдек, оз ҳам бўлмасин. Терлаткиш ҳам шундай.

## ИККИНЧИ МАҚОЛА

### ҲАВО ТҮГРИСИДА

Иссиқ ҳаво қалбни қизитувчи, баданини бушаштириб товакляштирувчидир.

У тифиз бўлиб, ўт (сафро)нинг сасиши, бурундан қон кетиши, бош оғриқ, ва ўтқир хитма касалликларига шароит тайёрлайди. Табиий мизожли иссиқ (кимса)лар учун ҳамда табиийликдан чиққан мизожли совуқ (кимсалар) учун оз зарарлидир. Қимда унинг тескариси бўлса, кўп зарарлидир, эҳтиёткорлик билан сақлакиш ва ўзини ҳимоя қилиш керак ва ҳоказо.

### Иссиқ ҳаво таъсир қилган ва ундан зарарланганлар тўғрисида

Иссиқ қуруқ (мизожли) ориқ баданлилар бир кунлик ниситмага ёки сасишдан келиб чиқадиган ниситмага учрайдилар ва улар нигичка оғриқ касаллигига учрашлари ҳам эҳтимол. Шунингдек, улар бош оғриқ ва бурундан қон кетишга учрайдилар ва ҳоказо. Совуқ нам бадан эгалари энгил бош оғриққа, диққинафасликка, бўғинларнинг эанфлашувига ҳамда ҳаракатнинг қийинлашувини кабиларга учрайдилар, улар муътадиллангунча даволашшадди.

Давоси: кимга ушбу (ҳаво) зарар етказган бўлса, унга кофур, сандал ва гул суви ҳидлатили зарур; юзи, иккала ёғи ва иккала қўли совутилган гул суви ёки совуқ сув билан чайилади; ҳисримий, нишуқий<sup>18</sup> ёки кишкия<sup>19</sup> каби энгил латиф нордон емак едирлади. Юрагига семизўт<sup>20</sup>, сандал, гул суви ва кофур боғланади, совуқ (мизожли) хушбўй нарсалар искатиледи. Мева ичимликларидан нордон шароблар ичирлади. Сўнг кузатилади; улар хилларининг бирортаси ҳаракатланаптими? Ҳамда у (одам)ларда буғлар буғланаяпти-

ми? Халтларнинг ҳаракатига аъзолардаги кўчунчи оғриқлар ва ҳаракатдаги ланжлик, хусусан, агар хилтлар оғир ва ням бўлса ҳамда худди чина санчилагандек оғриши ва мушакларнинг ачишуви, хусусан, агар хилтлар сафродан иборат бўлса, далолат беради. Бугларга бошнинг тувиллаши, кузини тиниши ва муттасил бош оғриқ, айниқса, миаянинг орқа томонидан енгил оғриқ билан бошланса, далолат беради. Тиқилмаларнинг<sup>24</sup> ва енгил бош айланишининг келиб чиқиши ҳам бунга таъкидлайди. Агар оғир хилтлар безовталанса, қандай бўлмасин, қон олаш фойдалидир.

Сафроданга желтак, у ҳолда, бўшаткиш сафро бутунлай бўшатилгунча бўлмаслиги зарур. Ушга сундирувчига кўшпадиқчал нарсалар: тош шираси, тамаринд, шилонжиди талқони, илшуд, минн<sup>25</sup> шираси ва шунга ўхшаш нарсалардир.

Агар хилтлар кўп эмас, деб фараз қилингани ҳолда, ҳаракат пайтида аъоб берса, советувчилар ёрдамда тиқитиш билан шуғулланилади. Уларни сурғи ортидан эафляк келиб чиқмайдиган қолатгача тиқитиш яхшироқ. Бунда советилган аччиқ қаттиқнинг ва яппа кишикидан<sup>26</sup> олинган бўза (фуққо)нинг фойдаси катта. Агар меъданинг ҳазм қуввати кучли бўлса, баъзиқ ва мол гўштидан тавёрлаган қарис<sup>27</sup> хабб олақатларининг ҳам (фойдаси жуда каттадир). Бу борада нордончүк акорининг ҳам яхши хосияти бир. Нордонни эса ундаи кўра сундирувчироқдир, бироқ унда органича дағаллик бор. Ҳавонинг ёмоя таъсири кўпичта қалбга бўлади, олми бу борада яхши манфаат келтирувчилардандр.

### Совуқ урган кимселар ҳақида

Абу Али дейди: совуқ, кўпичта, баъдалларда эчлаништириш, темиратки пайдо қилиш ҳамда бадан аъзоларининг ичда тугма ҳароратини тўплаш каби ишларин баъжаради. Сўнг охирида (тугма ҳароратини) сундиради, кейин ҳалок қилади).

Совуққа, баъзан табиий миложи совуқ (бадан) яхши қаршилик кўрсатади, чунки нарса ўз ўхшашидан эмас, аксинча, эидидан таъсирланади; баъзан эса қаршилик кўрсатувчи кучли иссиқ миложлар ҳам (қаршилик кўрсатади), чунки эид ўзини ҳимоя қила оладиган кучли бўлса, ундаи таъсирланмайди. Совуқ агар эчлик кел-

тирса-ю, ундак зарар кўрилмаса ҳам тулиқ баданлар-  
да бугларнинг ажрალიшдан тўхтаб қолишига сабаб  
булади, хатар келтиради, сасин ва сасиш аломатлари-  
ни пайдо қилади. Тоза баданларга келсак, уларда муъ-  
тадил зичлаштириш тугма ҳароратининг бўғилишини во-  
жиб қилади; натижада у тўпланади ва кучаяди ҳамда  
унда гизонинг ҳазм бўлиши ва хилтларнинг етилиши  
пихонгда ва хўплаб ошади. Агар у совуқ аъзо ичига  
кириб бора оладиган кучда бўлса, ҳеч маҳолемиз, тугма  
ҳароратини сўндирди. Сўнишга қарши зудлик билан че-  
ралар кўрилсин, яъни (бадан) ичкарасидан табиатда  
тайёрланиб қўйилган (ҳароратин) тортиб оладиган  
гарса ёрдамда (қилиши) назарда тутаман; бу қандай  
яқин иш булади! Акс ҳолда, сасиб бузилади. Чунки са-  
син рутубатининг (ўзи учун) мудаббир қилинган тугма  
ҳароратдан бушатилишига (яъни ажралишига) ва унинг  
устига, тасодифий (ёти) ҳароратининг қамраб олиниши-  
га боғлиқ. Шунда (ёти ҳарорат рутубатин) тугма ҳаро-  
рат каби тасарруф қилмайди.

Давоси: зичлаштириш тўхтатиш, бу — иссиқ сувга  
ювишиш<sup>25</sup>, ишқаш, уқалаш ва сиқиндикр. Хусусан, ке-  
пак, мойчечак, гунафина, қашқар беда ва укрол каби  
мулоҳимлаштирувчи (қўшиб), қайнатилган сувада юви-  
ниш. Ёғларга келсак, зичлаштириш даволашда уларни  
қўлалишидан сақлашни керак; ёки улар билан ишқаш-  
дан сўнг тиклаларини пайдо қилувчи хусусияти келиб,  
фақат мулоҳимлаштиришигина қолгунга қадар ихти-  
лаб ювиш керак. Бироқ қўл ва оёқни сасиб бузилишдан  
сақлашда бальзам дарахти ёғи, нефть, ангуза ёғи ва  
булардан бошқа иссиқ (мизожли) ёғларни сурқаш қўл  
келади. Агар улар сасий бошлашса, унинг иложи «Йў-  
ловчилар тadbирлари» рисоламизда баён қилинганича  
булади.

Қалбин ва ичин совуқдан сақлаш ва совуққа (қар-  
ши) мопелик қиладиган иссиқ мизожни кучайтириш  
эса қиздирувчи маъжунлар, эски тоза шароб ва сарим-  
соқ билан, хусусан уш шароб билан қабул қилиш ор-  
қали (булади). Бундан ташқари, агар иссов совуқдан  
зарар кўрса, ёғлиқ гўшдан шўрва тайёрланиб, шароб  
аралаштирилиб, доривор — мурч, саримсоқ ва долчин  
билан хушқилили қилиниб, хўплаб-хўплаб ичса, маъ-  
қулдир.

Шу совуқнинг (зарарли) ишига кифоя қилади.

## Сассиқ ҳидлардан зарарланганлар борасида

Абу Али дейди: Бундайларни даволаш кофур ва сандал исқатиш, атиргул, гунафша ва нилуфар ёғларини бурунга тортириш орқали бўлади. Агар ҳидлар ўта таъсирчан бўлмасаларгина шундай (қилинади). Мабодо улар ўта таъсирчанлик қилсалар, унга мақбул келувчи даво турли тутатқилар, мушк ва заъфарон ҳидлатиш ҳамда бошдан иссиқ сув қуйишдир.

## Қўмир ҳиди урганлар борасида

Абу Али дейди: Қўмирнинг ҳиди миқдори билан эмас, заҳарлик сифати ҳисобига миёни қизиради ва қуритади ҳамда унинг қувватини заифлайтиради.

Давоси: мувофиқлиги туфайли руҳини талланганши учун мевалар, хусусан, буриштирувчи (мева) лар ҳидлатиш ҳамда кофур, сандал, анор пўстининг куйдирилгани ва беҳи ҳидлатиш. Агар иссоқ безовталаниб қаттиқ бош оғриққа дучор бўлса, у қуснидан манфаатдор бўлади ва иссиқ сувдан ҳам манфаатдор бўлади. У миёни устидан қуйилади, саримсоқ берилади; чучук суви бурунга тортирилади, буринни ювилади, гул суви тез-тез бурунга тортилади ва бошқалар.

Энг фойдали нарсас, айниқса, тулик баданларга, овқатдан сақланишдир.

## Хушбўй (ҳид)дан азипт чеккаслар борасида

Ҳамма хушбўй нарсалар ёқимли ва ҳидланадиган бўлгани учун миёна ва қалбга фойдалидир. Аммо қиздириш ёки совитиш билан баъзи ҳолларда зарарлидир: қуритади ёки рутубатли қилади, қисади ёки буриштиради. Атирсимон хушбўйлар, масалан: мушк, кофур ва уд набиларнинг кўпчилиги қуритишга мувофиқлашган бўлади. Сўнг, Кофур совитади, мушк эса қизитади; уларнинг ҳар бири иккинчисили совитишда ёки қизитишда даводир. Мушк билан кофур уд ва заъфаронларнинг таъсирига қарши тура олади; кофур билан мушк сандалнинг таъсирига қарши тура олади. Аммо гунафша ва нилуфар каби рутубат (пайдо) қилувчи хушбўй нарсалар билан ёки бурунга тортиладиган ёғлар билан қуритишга (қарши) туришига эътибор қилиш зарур.

Сўнг. Рутубатан бошқа ҳар қандай хушбўй нарсалар, ҳеч сўзсиз, совуқликлар. Агар у баъзи мизожларга ва баъзи касалликларга ўз рутубати билан азият берса, айталик, касалликни кучайтирса ва келтириб чиқарса давоси мушк, заъфарон ва ғолидир<sup>26</sup>. Қизилгул каби қисми орқали азият берувчи нарсаларни бир жамoa қисмини ва иссиқлиги билан, бошқалар эса ўзидоги ўткирлик билан, шунингдек, ҳар икки жамoa ҳам минъасиз совитиш билан тумовга дучор қилди дейдилар. Қисми унинг доимий қилиши.

Агар кимда ўша (дард) сиқишиш орқали рўй берса, унинг давоси юмшатувчи нарсалар, масалан юмшатувчи хушбўй нарсаларни ҳидлатиш. Бу хусусда айтадиларки, гунафша ва илуфар иккови қизил гулнинг зарарига қарши дилолардир. Бироқ бошдан иссиқ сўв қуйишига кифоя қилмайди. Сари ва тўпалоқ ҳиди ҳамда бошқа ҳиллар қабз қилганда давоси (юқорида) қайт қилинган юмшатувчилардир. Сижувчиларга (қарини) энг яхшиси, буритирувчилар ҳидлаш ҳамда бошдан юмшатувчилар қуйишдир, токи тарқалаётган нарса тўсиқлини, буришиб энчланиётган нарса эса тарқалсин. Бу хусусда ҳаммом қабул қилинган, седана ҳидлашда қизил гул зарарига қарши манфаат катта, ҳатто тўпалоқ ва қизил гул бирлашганда ҳам шундай. Устидан бурунга ёғ тортилса, қизил гулдан ҳеч қачон тумов келиб чиқмайди.

### Шамолнинг зарари

У баданини зичлайди, таҳаллулга тўсиқлик қилиб, минъи ва қоринини боғлайди. Натижада, унинг ортидан кўз оғриғи ва лутал келиб чиқади.

Шамол зарарининг давоси: Ҳаммомга тушиш, гура узум сувни қўшиб қилм қилинган тўтнб сурқани, кашҳо-шияга<sup>27</sup> заъфарон қўшиб епиш, қизил гул кичик кудчалари истеъмол қилиш, шаббўй ёғига қизил гул ёғи аралаштириб қулоқ ичига илиқ қолди томизишдир.

### Жануб шамолининг зарари

Унинг хосияти: хилларни эритиб тарқатиш ва уларни бадаи қаърига оқиғиш ҳамда минъи буг билан тўлдиришдир. Шу сабабли, шаксия, кўз тиниши, бош айланиши, қутир ва бошқалар келиб чиқади.



Давоси: Агар бадан тўлиқ бўлса, зудлик билан қон билиш, буриштирувчи мевалар ва буриштирувчи меваларнинг сувлари истеъмол қилиш, бошга мирга ёғи суртиш, кофур ва сандал ҳидлаш, овқатга аралаштириб ҳўл ва қуруқ қашич истеъмол қилиш, тўнғдан эса чекиниш. Агар зумкин бўлмаса, пордон нарсалар билан бирга (истеъмол қилиш), шунингдек, шаробдан ҳам сижланиш зарур. Мабодо ичмаса ҳам турши узумдан қилинган ёки бироз пордон бўлсин. Оғизни тайин ва совуқ сув, ҳусусан, қизил гул (суви)ни ҳидлаш. Буларнинг ҳаммасини амалга оширишдан олдин совуқ сув билан ювинишни (унутмаслик) керак.

Бир ҳаводан (иккинчи) бир ҳавога кўчиш (қуйидагича) бўлиши мумкин: нам ҳаводан қуруқ ҳавога ёки эсимча; совуқ ҳаводан иссиқ ҳавога ёки эсимча, бир хил сассиқ ҳаводан иккинчи хил сассиқ ҳавога, масалан: ташландиқлар сассиқдан оқизиқлар сассиқга ўхшаш. Бу ҳаволардан ҳар бирини мўътадиллаштиришнинг махсус йўриқлари айтилган. Бир (ҳаводан) иккинчи бирга кўчувчи учун уч нарсалар лозим: кўчишни аста-секин олиб бориш, токи тадрижий равишда бўлсин; унинг кийими, ҳидлайдиган нарсаларни ва овқатни анча мудатгача олдиги ҳавога мувофиқлашган бўлиши керак. Сўнг, унда юз берадиган бирор (касалликнинг) муолажаласи билан қарши томонга кўчмаган кийинки муолажаласидан кучлироқ бўлиши (лозим). Шунинг учун бурунги табиблар иссонга ҳан билан ватани сувиши ва унинг туپроғини олиб юришни ва уларни янги ўрнашлаган (жойлаш) суви билан аралаштириб (ичишни) буюрганлар.

### Вабонинг чорасини кўриш

Абу Али дейдики, вабо — ҳавонинг сасишидир. Агар ҳавога ёмон ёки яхши буғлар аралашса, лекин улар тўхтаб қолса ҳамда шамол уларни тэрқатмаса (ҳаво) ўзгарали. Модомки иссон ўз баданидан бошиқа молдаларга исбатан ўша (ҳаводан) ичга тортишга кўпроқ муҳтож экан, сўнгга ичга тортилган (ҳаво) кимсаннинг ҳаёт мавбани устига (тушар) экан, вабонинг зарари аввало қалб мизожининг ва ундаги (қалбдаги) ҳаётий руҳ мизожининг бузилишидан иборат бўлади. Сўнг баданнинг қалбга тобе бўлган бошиқа бўлақларига зарарини ўтказеди. Унинг ортидан туғма ҳароратининг ички

кубдириб чуқурлашганлиги сабабли, есртдан қараган-  
дан енгил, аслада оғир ва ёмон иситмалар келади. Сунг-  
ра сурункасига ҳушдан кетиш, дармонсизланиш, совуқ  
тер боёниши ва томирлар уришининг қисқариб кетиши  
келади.

### Вабони қарши олиш тўғрисида

Абу Али дейди: агар вабонинг аломатлари сезилса,  
яъни ҳавонинг настки қатлами рутубатли бўлиб, сунг  
уни жанубий (шамолнинг) эсини ва шимолнинг  
турғунлиги қизитса, худдиқ билан қон олиш ва сурғи  
қўлланилсин. Шунингдек, беҳи, олма ва узум турпан  
шинилари ҳамда чилонжийда шанингга ўхшаш бар-  
ча энциловчи, совиқувчи ва сундирувчиларни истеъмол  
қилинсин; татим, анор донсен ва шунга ўхшашлардан  
овқат тайёрлаб (ейилсин), кофур ва саидал ҳидлошда  
давом этилсин. Тезлик билан совиқилган ҳаволар қўл-  
ланилсин.

Вабонинг энг зарарлиси унинг (кўи) қонли бадан-  
ларда кз берганидир. Бурунчиларнинг ўзaro бир (фикр-  
га) келувчиларига хўра, вабони емишига қолар дори ялон  
тарбегидир. Жолшус таъкидлаган эдики, уларнинг (юр-  
тида) тарқалган кучли вабодан шунинг истеъмол қилган-  
ларга халос бўлганлар.

### Туриб қолган ҳавонинг зарари борасида

Абу Али дейди: унинг натижаида ёмон бугларнинг  
ва зисн етказувчи дудларнинг туриб қолиши юз бера-  
ди, кейин оқибатда вабоникига ёки уларнинг табиати-  
нинг бузилиш томонга ўзгаришига ўхшашан ҳолат юз  
беради.

Уларга қарши чора. Агар ўшандай ҳавода маълум  
даражада ҳарорат бўлса, баданини тозалашда давом  
этиш ва хий иссиқ мизожли бўлса, буриштирувчи ичим-  
ликлар ҳамда мева шинилари истеъмол қилиш, кий  
совуқ мизожли бўлса, мушк, шодлантурувчи дори<sup>30</sup> ва  
митридат истеъмол қилишда давом этилсин; овқатлар-  
ни енгиллатиш ва совуқлик хушбўй парсаларни бурун-  
га тортишда ҳам давом этилсин. Агар тўқай ва балчиқ  
ҳамоларига ўхшаш бузилиш томон бирор ўзгариш бўл-  
са, давоси; мушк ва заъфарон искаш, бадантарбия қи-

лиш, терлаш ва уқалаш истеъмол қилишдир. Ангузадан ҳам бу борада манфаат каятдир.

### Ҳаракатдаги ҳавонинг зарарлари

Абу Али дейди: кучли ҳаракатдаги ҳаво тери тешикларини зичлаштиради, пазлалар пайдо қилади, йўтлатиради, ёш оқизади ва қалбини туғма ҳароратга яқин ҳаводан маҳрум қилади. Агар у ёмон жисмлар ва ерлар орқали ўтса, у ҳолда унинг бузилиши вабодаги бузилишига ўхшаган бўлади.

Ҳавоси вабоникига ўхшаш бўлиб, вабо бобнда буюрилганлар қилинади. Аммо вабоникига ўхшамасдан давога (келсак), чучук сувда ҳаммом қабул қилиш ҳамда уқалаш, ишқош ва бадавтербия қилишда давом этиш орқалидир.

### УЧИНЧИ МАҚОЛА

#### ҲАММОМ ТУҒРИСИДА

##### Ҳаммомнинг ҳавоси муътадил бўлмаган чоғда унинг зарарлари ҳақида

Абу Али дейди: ҳаммомнинг ҳавосини муътадиллаш будир: умуман олганда, жуда иссиқ ҳароратли ҳам бўлмасин, тер қийинлик билан чиқадиган совуқ ҳам бўлмасин. Тафсилоти билан олсак, у кам деганда, уч (хона)дан иборат бўлади. Улардан биринчи хона муътадил бўлиши, яъни унда иссиқ ҳам, совуқ ҳам сезилмаслиги, иккинчи хона лоҳас қилмайдиган бўлиши, учинчи хона эса куйдир ёшламоччи ва бир текис нафас олишга монелик қилмаслиги керак.

Жуда иссиқ ҳаммом қотиб қолган хилтларини вазоларининг ич-ичига оқизеди, нағнжада баъзан тикилмалар, баъзан эса шишлар келтириб чиқаради. У хилтларини мияга кўтаради, натижада ёки кучли бош оғриқ ёки сарсом келтириб чиқаради. Рутубатларни (миянинг) холи бушлиқларига оқтиришга келсак, ундай қуёнчиқ ёки сакта келиб чиқади. Қуёнчиқ тикилмаларининг ҳамроқ бўлишида, сакта эса тикилмаларининг бутқул

(кўп) бўлишидандир. Соғуқ ҳаммом эса тер бўлиб чиқуви моддани юқис ҳаракатлантиради ва ундан зурли офатлар келиб чиқади; баъзан тумов ва қориннинг санчиб оғриниши келтириб чиқаради.

Иссиқ ҳаммом зарарининг тадорухи: Сўидирувчи ичмалликлардан: олма шинииси, беги шинииси, узум гўраси шинииси, тамарнид шароби, инжуқ шинииси, киви шароби, қизил гул шароби ва сикялжубиш, булардан ташқари, соғитувчилардан муз билан соғитиладиганларидан бошқалари. Суриниллардан: жигар ва юрак устидан сандал, кашини сув ва сирки ҳамда гул эти ва сирки лахласининг<sup>27</sup> иссиқ-соғуғини муътадиллаб боғига суртилади. У (бемор)нинг икки беги бирмулка вақт соғуқ сууга солинади. Сўнг, андак ўтгач, ундан бир оли кураклар устидан қуйилади. Яна бир оз вақт ўтгач, у билан бошини ишқалайди, сўнг оз-оздан устидан қуйилади. Соғуқ сув муътадил бўлиши, жуда ҳам соғуқ бўлмасанги керак ва уш тўсатдан иссиқ ҳаммомдан кейин ишлатмаслик керак. Сўнг ўртача юмшоқликдаги ўрнида ухлашга буюрилади.

Соғуқ ҳаммомининг тадорухи, Абу Али дейди: соғуқ ҳаммомининг тадорухи бу: таъб кўтарган иккдорда ўртача иссиқликда сув тайёрланади ва (ҳаммомдан) чиқишдан бир оз олдин бош устидан қуйилади ҳамда уқалаш, ишқаш, селаш ва терлатиш усулларини қўллашда дилом этилади. Чиқиш олдан фақатгина бошининг устидан иссиқ суя қуйилади. Сўнг (кун) иссиқ бўлса, сийлагилда салла, соғуқ шидлати бўлса калта салла ўрилади. Чиқилди-ю уқланади.

#### Ҳаммомга дилфъатан кириб ва ундан дилфъатан чиқиб ҳато қилганлар борасида

Улар ҳаф остида бўладилар. Агвр мизожлари иссиқ бўлса, киришда (уларга) туғма ҳароратнинг тарқалиб кетиши зарар етказиши, Унинг ортидан эса қалбнинг заифлашуви ва хафяқон<sup>28</sup> келиб чиқади. (Ҳаммомдан) чиқишда бўлса, иссиқлик назлалар<sup>29</sup>, ичакнинг шинишиши, бўғинларининг оғриниши билан масалланадилар.

Ким соғуқ мизожли бўлса, киришда сакта, фалаж ва хафяқон; чиқишда (аъзоларининг) қетиши, ҳаракат қила олмаслиги, сийдик тутмаслиги ва титроққа учрайдиги

### Ҳаммомга дафъатан кирганда (масалланган) иссиқ мизожли кимсани даволаш

Абу Али дейди: аста-секин биринчи хонага чиқарилади ва чап қўлтиенга, дафъатан, совуқ тул суви пуркалади.

Муздек кийимда тутилади ва дафъатан, унга совуқ сувдан бошқа ҳеч нарса тежизланмайди. Сўнг ҳаммом жуда иссиқ бўлганда, касалланган (кимса) нима билан даволанса, ўша билан даволашिलाди.

Ким совуқ мизожли бўлса ҳам шундай қилинади. Сўнг олма шарбатини озроқ мушк дориси билан араштирилиб бир оз ичирилади ва ухлатилади.

(Ҳаммомдан) дафъатан чиққан кимсани даволаш. Абу Али дейди: иссиқ мизожли бўлса, у ҳолда бошига кўлаб иссиқ суви қўйилади ва (бошига) иссиқ латта қўйиб боғланади ва ухлатилади.

Совуқ мизожли бўлса, жуда иссиқ уйда тутилади, бурнига ясмин ёғи ёки гуляфсар ёғи, каъматак ёғи тортирилади; бошига сувбул ёки тўпалоқ лахлаҳаси суртилади, аъзолари уқаланади ва митридат ёки тўрт (марсадан тайёрашадиган) тарёқ<sup>39</sup> ичирилади. Са-римсоқ солинган овқат едирилади, суви қўшилмаган шарбдан бир оз ичирилади ва ухлатилади.

### Ҳаммомдаги тузлик сувлар ҳақида

Абу Али дейди: (шўр сувлар) кўтир ва қичмага қарши фойдали, бироқ у терини ювакляштириб, кейин зичлаштирилади. Агар қичма бўлмаса, уни пайдо қилади, баданни озадилади. Кўзга зарар қилади ва назлалар ҳамда кўз оғриқ келтириб чиқаради. Ҳисларини хира-лаштирилади.

### Аччиқтошли суви ҳақида

Терини зичлади ва уни буриштирилади. Баъзан бир кунлик иситмани келтириб чиқаради. Занф баданларда томшир тортиши келиб чиқиши ҳам мумкин.

### Нефган ва олтингурутган суви ҳақида

Абу Али дейди: Бунинг ҳаммаси бадан терисини мизожини бузади ҳамда уни сасишга ҳозирлайди; турли назлаларни келтириб чиқаради. Агар тўхтаб қолган ҳавола



кўп турилса, унда истисқо касаллиги хавф солади, кў-  
винча ундаи сариқ (касаллиги) ҳам келиб чиқади.

### Темирли сув ҳақида

Унда чўмилишнинг фойдаси кўлдир ва арзигулик зар-  
рар рўй бермайди. Агар аччиқтош аралашган бўлса,  
у терини зичлаштиради.

### Ҳаммомда уқалаш ва ишқаш истисқо қилиш ҳақида, чўмилиш борасида

Баданининг (мизожи) муътадил нимса ҳаммомга кир-  
са, ҳар бир хонасида андак вақтдан туради ва то бада-  
ни нам бўлгунча ва терлашга сая қолгунча сабр қила-  
ди. Сўнг энг олдин икки елакадан, сўнг бошқа аъзолар-  
идан сув қўйилади, сўнг эса бошга ўтилади. Сўнг бош-  
ни қирилади, кейин силанади ва аста-секин уқалана-  
ди, айниқса, бўғинларга эътибор берилади. Бунда ҳеч  
кимга ёқимсиз ҳеч нарса қилинмайди, фақат ўпкадан  
хилтларни бўшатиш учун рабулик<sup>31</sup> кимсагагина мум-  
кин. Алам берадиган иш ҳам қилинмайди, фақат бўғин-  
лардан етилмаган хилтин бўшатиш учун етилмаган  
хилтлик кимсаларгагина қўллаш мумкин.

### Ҳаддан ошиқ уқалатиб хато қилиш борасида

Абу Али дейди: ҳаддан ортиқ уқалатганларда агар  
мизожи иссиқ ёки қуруқ бўлса, қувват камаяди ва саф-  
ро кўзгалади. Иситмага сабаб бўлиши ҳам эҳтимол.  
Агар бадани тўлиқ (кимса) бўлса, хилтлар ҳаракатга  
келади.

Бунинг тадорукни тўғрисида, Биринчи қисмига кел-  
сак, унинг давоси: тул ёғи ва гунафша ёғи билан иш-  
қаш; сўндирувчи музойим овқатлар, масалак, кишк ва  
мош ейиш; сўндирувчи ичимликлар, масалан: сиканжу-  
бин ва гулоб ичин. Агар у кимда табиатин боғласа,  
шилуфар шароби ичирилади.

Тузали сув зарарининг тадорукни. Ичига хушбўй тул-  
роқ солинган совуқ сувда ювиниш фойда қилади. Сўнг  
унинг кетидан иситилган чулук сувга ювиниб, сўнг хуш-  
бўй ҳаддан тул ёғи (суртилиб) уқалатилади; кетидан  
эса чулук сувга кетма-кет ювиниш керак.

## Аччиқтоғоли сув тадорукки ва унинг зарари

Чучук сувда жуда мириқиб ювиниш (керак), сўнгра терлагунча қайта-қайта яхинлаб уқдлавиш, ундан сўнг чўмилиш, ундан сўнг эса, мойчечак ва шаббуй ёғи билан ишқаш; сўнг уйқу.

Олтингувурт ва нефтли сувлардан келган зарарининг тадорукки. Абу Али дейди: мўътадил сомуқликдаги сувда, сўнг несик сувда чўмилиш, сўнг терлаш, кейин илтиқ сувда чўмилиш, сўнг терлаш, кейин илтиқ сувда чўмилиш ва сўнг хом қизил тул ёғи билан ёғлаш; сўнг унинг кетидан ухлаш.

## Ҳаммомдаги совуқ сувнинг таъсири

Абу Али дейди: агар ҳаммом совуқ бўлса, у қолда ундаги совуқ сув ундан тўсатдан чиқишининг ишнини қилади, баяки ундан ҳам кучлироқ; давоси ўшанинг давосидир, ҳатто кучлироғидир. Агар ҳаммом совуқ бўлса, у совуқ ҳавонинг қилмишини қилади. Агар азият берса, давоси олдинда айтилди ва тафсилоти кўрсатилди.

## Ҳаммомдаги несик сувнинг таъсири

Абу Али дейди: у ҳаммомдаги несик ҳаво қилмишининг ўзи ва ҳатто кучлироғидир; бироқ унинг муддатга оз бўлганлиги учун таъсири ҳам оз бўлади ва шунга кўра, қалбга акс таъсири урмайди ва зарари озроқ бўлади.

Унинг давоси: яновининг давосига ўхшашдир; яна тамаринд шароби берилади, агар кимда ич суриш пайдо бўлса, унга беҳи шароби, олма ва узум гўрасишини суви (ичирилади).

## (Ҳаммомда керагидан) кам бўлиб хато қилган киши туғрисида

Абу Али дейди: олатда шундан кейин бўғини оғриқли, мушакларининг чўзилиши пайдо бўлади. Бир кунлик иситма келиши ҳам эҳтимол.

Унинг давоси: несик сувда чўмилиш, мойчечак ёғи ва икки зайтуни ёғи билан аста-секин ишқолаш. Шу билан ҳам бўлмаса, қар эҳтимолга қарши ҳаммом қабул қилингандан кейин кун ўтгач қон олиш лозим.

## Ҳаммомдан олдин ёни суғ кескин ҳаракат қилганлар бораенда

Абу Али дейди: муътадил ҳаммом ҳаддан ошқ ҳаракат қилган ва ҳаммомдан суғ ҳаракат қилганини исгаган кимсага унча кўп зарар қилмайдигани эмас, агар у (ҳаммом) муътадил бўлса ва унда бўлиш (вақти) кўп терлатадиган миқдорда бўлмаса, балки унда бўлиш (ҳаммом) рутубатидан фойда қилмайдиган миқдорда бўлса, кескин ҳаракат қилган кишига (ҳаммом) ҳатто фойдалидир.

Кимки ҳаммомда у рутубатини ўзи беражигидан ортиқ миқдорда олгунчалик вақт бўлишга интиласа, у ҳолда (кескин ҳаракатдан) зарарланган. Кимда шу ҳол рўй берса ва юракнинг қизиши кучайиб кетса, интичка оғриққа дучор бўлади. Еки тугма ҳароратнинг тарқалиши натижасида истисқога йўлиқадн ва ички аъзоларининг мизожини совиб кетади.

Унинг тадорукни, Совуқ сувда чўмилиш, бошга қинда илиқроқ сув ва ёзда совуқ сув ва янги сэгилган сус қуйиш, бўғкиларга гунафша ёғига ийдирилган гулхайри ширасини суртиш, кўп (сув) қўшялган оқ шароб ичиш, қушларнинг ва кўзичоқларнинг қиймасидан қилинган шўрвани хўплаб-хўплаб ичиш. Агар ички аъзоларда совуқлик зоҳир бўлса, унинг аломати ҳазминият ёмонлашуви, дамлашиш ва нордон кекирикдир. Унинг тадорукни куркум дорисидир<sup>34</sup> ва кимнинг сафроси толиб бўлса, қулогига гунафша ёғи томнатиш ҳамда кимнинг ички аъзолари совиған бўлса, шаббуъ ёғи бу касал учун фойдалидир.

## Ҳаммомда кўп туриш

Абу Али дейди: У шиддатли ҳаракатни кига ўхшаш ишлар қилади ва давоси ҳам ўшалани кига ўхшашдир.

## Таом устига ҳаммомга тушини

Абу Али дейди: у ҳазм бўлмаган ғизоий моддаларни бадан сиртига тортиши натижасида жигар ва томирларда тиклмалар туғдиради, чунки тер ёрдами билан рутубатлар (бадан сиртига) томон оқади. Тиклмалар ортидан эса, шишлар, бадан сиртига ғизоининг чиқишига қаршилиқ бўлиши ва вақти-вақти билан ич суриш

каби тикилма касалликлари келиб чиқадиган; агар тикилма сасишнинг сабабларидан бири бўлса, сасишдан бўладиган иситма юз беради.

Унинг тадоруки. Уруғлар сиканжубини истеъмол қилиш, мёраж фикро ёрдамида (баданини) ситил бўшатил ва бир неча кун енгил овқатлар истеъмол қилиш.

### Ҳаммомда бўза ёки совуқ сув каби совуқ нарсалар ичиб қўйганлар туғрисида

(Бу жуда хатарлидир, чунки совуқ ва суяқ нарса ҳаммомдаликда меъдада пайдо бўлиб қолади, бадан тешиклари очилиб турган ва йўллар бўшатиб говақлашганлигидан, (совуқ нарса) дафъатан жигар ва қалбга ҳужум қилади ва иккаласини қаттиқ соғитиб юборади, ҳар иккисининг туғма ҳарорати тушиб кетади. Ички аъзоларининг барчасини кучсизлантиради ва иситишқа касалликнига замин тайёрлайди.

Унинг тадоруки. Ҳаммомдан сўнг тоза шаробдан бир оз ичиш ёки мушк дорисидан ёки лакк<sup>35</sup> дорисидан ёки куркум дорисидан ёки интридатдан бир қултуз ичиш, жигар ва қалбни иситиш латталар қўйиб боғлаш, дориворлар солинган овқат ейтиш; карамда бу касалликни зарарсизлантириш хосияти бор. Сабзавотлардан қора андиз ва ичимликлардан, хусусан, сабзи шароби, эрман шароби ва хандиқун<sup>36</sup> шаробидан ичиш.

### Баданининг (хилтлар билан) тўлган ҳолатида ҳаммомга кириш

Абу Али дейди: бу ҳам жуда оғир хатардир, чунки у сабабли баданда тўхтаб қоладиган хилтлар сасийди ва улар ҳаракатга келади ҳамда ички аъзоларда зотилжам, зотилкабд<sup>37</sup> ва зотирфия<sup>38</sup> каби шишлар пайдо бўлади; икка касалликларни ҳамда унинг яллиғлаиши ханф солади. Иситмалар эса ундан сираси кутиладиган нарсалар.

Унинг тадоруки. Абу Али дейди: унинг натижасида оғирлик, тамаддуд ёки яллиғлаишдан бўладиган чарчашлик келиб чиқса зудлик билан томирларни очиб юқишга миқдорда қон олиш зарур. Шунда ундай ҳолат йўқолиб тинчланади. Ундай бўлмаса, мева шароблари ёрдамида баданини бўшатил ва сасишга монелик қиладиган ичимликлар: олхўри шарбати, беҳи шарбати, ол-

ма шарбати ва бошқалар ичиш; жигар ва қалбга хаш-  
ишч, сирка ҳамда озроқ кофур ва сандал аралаштирил-  
ган итузум кабилар суриш керак.

## ТҮРТИНЧИ МАҚОЛА

### ТАОМ ТЎҒРИСИДА. КҮП ТАОМ ЕЙИШ (БАДХҲҮРЛИК) ВА ТҮЛИБ КЕТИШНИНГ ЗАРАРЛАРИ

Абу Али дейди: кўп таом ейиш жавҳарда ортиқча  
бўлган овқатдаги фойдаланишни камайтиради, етилма-  
ган хилти кўлайтиради, майда тешикчаларда тиқилма-  
лар пайдо қилади, табиий қувватларни сусайтиради,  
иситмалар, турли сасишлар, рабу, ирқ ан-ясо, иқрич  
ва бўғини оғриқларини келтириб чиқаради.

Унинг тадорухи — мулоҳимлаштирувчи латиф ов-  
қатлар ёрдамида табиатни юмшатишидир. Совуқ мизож-  
лига қарам шўрваси ва нўхат суви кабилар; иссиқ ми-  
зожлига — давлаги шўрваси, ясиқ шўрваси, кишик, ту-  
хум сариғини узоқ истеъмол қилиш.

Иссиқ мизожлилар учун қизил гуя шароби берила-  
ди, бироқ олхўри шароби ва тамаринддан четлашади-  
лар, чунки булар меъданинг овқатлар оғирлиги нати-  
жасида олган занфлиғига яна занфлик орттиради.  
Совуқ мизожлига келсак, унга шаҳриёрондан<sup>39</sup> ёки му-  
зукпё ё зира маъжунидан<sup>40</sup> ялатилади. Сўнг бир ёки ик-  
ки кунга енгил овқатлар берилади. Бадантарбия қўл-  
ланялади, шунда ҳам бўлмаса, ишнинг сабаби тўлиб  
кейтиш (имтило)дадир.

### Оз овқат ейишнинг зарари

Абу Али дейди: кўп одамларда қаҳатчилик даврида  
ёки сафарларда ёки ҳийинчиликларда ёки касалликдан  
келадиган бошқа бирор сабаблари туфайли қаттиқ оч-  
лик рўй беради. У иштаҳанинг ва қувватининг сусайиши-  
га, илгичка оғриқ касаллиги ва ҳушдан кетишга эмин  
ҳозирлайди. Совуқ мизожлида илгичка оғриқ касал-  
лигининг шайхухий<sup>41</sup> номин билан ташиланган турли воқе  
бўлиши эҳтимол. Унинг тадорухи. Абу Али дейди: улар  
овқат еб, тўйиб олтишга шошилмасликлари керак. Бир  
қайча қобуд бўлган одямлари кўрмишманки, сабаби;  
улар шу илларда Бухорода содир бўлган оғир қаҳат-



чиликдан чиққач, у ерда пош ва гўшт топиш имконияти бўлмаганидан, овқат ўзинга ўзларини истеъмол қилган эдилар, яъни пош ва гўшт топганларида бирданига кўп еб ўдидилар. Қўшилликка аста-секинликки маслаҳат берган эдим, соғ қолдилар. Агар кимда шу ҳол воқе бўлса, аввало овқатнинг қўш қаноли ва арза сувиغا ўхшаш латиғи ва енгилдан бошлашлари керак. Сўнг кам-камдан одатдаги овқатларини тавовул қила бошласинлар; шу орада кундур сақичи чапиаб турилади ва ҳалқумга ўқтин-ўқтин пат киргизиб қустирмадан жездан кўзатилади. Қовурга кемирчатиғининг настроғи енгил уқоланади. Овқатни бир неча галга бўлиб, ҳар гал жуда оз-оздан ейилади. Улар фақат шу йўсиндагина халос бўлишлари мумкин.

### Иссиқлик овқатларининг зарари тўғрисида

Абу Али дейди: иссиқлик овқатлар баъзан саримсоққа ўхшаш енгил жавҳарли, баъзан эса бақлажонга ўхшаш оғир жавҳарли бўлади. Саримсоққа ўхшаш кўпроқ миляга зарар. Унинг ҳосияти қовин қизитиш ва (уни) саситиш жавҳари оғирлари бўлса, кўпроқ настиқ аъзоларга зарар. Сўнг, Саудо аралаш қон туғдирди. Жигарга (унга) қарши туриб ҳамда талоққа (уни) ишириб ва оғирлатиб, шунингдек, бу иккиси билан ҳамкорликдаги бошқа аъзоларга зарар қилади. Биринчи қисмининг зарари тез ва осон тадорук қилинади, иккинчи қисмининг зарари эса секин ва қийин тадорук қилинади ҳамда даволанади.

Унинг тадорукки. Биринчи қисми мизожини ўзгартирадиган ва алмаштирадиган ва сўндирадиган, шунингдек, бир оз парчалайдиган нарсалар билан, масалан, сиканжубин билан ёки беҳи шароби, қизил тул шароби ва чилонжийда шароби каби миляда бугларни қайтардиган нарсалар билан даволанади.

Иккинчи қисми учун сўндирадиган, тикилмаларни очиб юборадиган, парчалайдиган нарсалар ва табиатини (ичини) сурадиган нарсалар истеъмол қилиш керак. Буларнинг энг фойдалиси доривор ҳамда девишчак сиканжубиндир. Суюқ оқ шароб ҳам баъзан уларнинг вази-фасини бажаради.

Агар кимки бундай иссиқлик овқатни кўпилаб истеъмол қилса, у қон олдиринишга ва ичига деишчак солинган нарса ёрдамида сурги қилдиришга шўшилиши ке-

рак. Бундай овқат бақлажон, туя гўшти, от гўшти, ур-  
ғочи ёвойи эшак гўшти, қуритилган гўшт, тузланган  
балиқ ва шу йўенидагилардир. Агар (баданни) бўша-  
тилмаса, мохов, псе, қара доғ ва темироткилар, тўрт  
қунда бир тутадиган иситма, қоражигар шишлари, тур-  
ли қуёнчиқлар, бавосир, вена кенгайиши, «фила касал-  
лиги», «иллон касаллиги»<sup>12</sup>, «тулки касаллиги»<sup>13</sup>, «ки-  
ла»<sup>14</sup> ва шуларга ўхшашлар хавф солади.

### Совуқлик овқатларининг зарарлари

Абу Али дейди: совуқлик овқатлардан мош ва арпа  
сунга ўхшаш баъзи бирлари енгил, балиқ ва қаттиққа  
- ўхшаш баъзи бирлари ҳўликка мойил оғир ҳамда турш  
беҳи ва яемиққа ўхшаш баъзи бири қуруқликка мойил  
оғир бўлади.

Енгиллари мизожни алмаштиришдан ташқари унча-  
лик оғир таъсир этмайдиган нарсалардир. Ҳўл ва оғир  
овқатлар эса хом хилат туғдиради, унинг натижасида  
фалаж, юз фалажи, титроқ, прқаниасо, буйрак ва қо-  
буқларда тош, турли қуёнчиқ ва сакталар ҳамда шунга  
ўхшаш бошқа касалликлар келади. Қуруқ ва оғирлари  
сокин савдо туғдиради, унинг натижасида қоражигар  
шишлари, сокин саратонлар<sup>15</sup>, вена кенгайиши ва вое-  
вос<sup>16</sup> келади. Агар (хом хилат) саспса, есеиқ оғир (ов-  
қатлар) ҳақида олдинроқ айтганларимиз сокин бўлади.

Унинг тадорухи. Совуқ енгилга келсак, унга вела  
суви, тоза шароб, қоразидиз шароби каби мизожни ал-  
маштирувчи ва (сиддикни) юриштирувчилар қарши  
туради.

Ҳўл-совуқ оғирини эса тезлик билан бадандан чиқар-  
иб танилашга ҳаракат қилиш керак ва шунингдек, қу-  
руқни ҳам. Кимда шундай (овқатларга) муолажа ва  
давоялиш учун эҳтиёж бўлса, бундан мустасно. Ҳўл ва  
оғирга қарши фалопһай<sup>17</sup> ва каммурий<sup>18</sup> истеъмола  
қилиш керак. Агар уларнинг чиқиши кечикса, шаҳриё-  
роний ва тамрий<sup>19</sup> истеъмола қилинади. Агар инсон ўа  
мизожда акс таъсир сезса, бу ишни табкатиға ҳўйиб  
бериш керак<sup>20</sup>. Сўнг, ишнинг охирида қолганларини  
юйиб ташлаш ва тиклимиларни очиш учун асал суви  
ёки кучлак уруғаврали (тайёрланадиган) уруғлар сў-  
канжубини<sup>21</sup> қабул қилинади.

Қуруқ оғир (овқат)га келсак, унга қарши: мизожни  
нинг есеиқлиги ҳаддан ошиқ бўлмаган кимсалар учун

сақланган тоза шароб, ҳаддан ошдиқ иссиқ бузуқ мизож кимсалар учун уруғи кучли денечак сиканжубини истеъмол қилиш зарур. Сўнг. Иккинчи овқати (иссиқ мизожга) муътадиллик билан қарши турадиган бўлиши лозим.

**Таркиби (қиёми) кучсиз овқатларнинг зарари ҳақида**

Таркиби кучсиз деганимизнинг маъноси шунки, унда намоянавийт қуруқлик билан аралашгани яқин бўлмайди, шу сەбабга ундай тезлик билан ажралади. Сўнг. Намани ўзига таъсодифан учраб қолган ҳар бир табиатга тез айланувчан бўлади. Булар сўт, шафтоли, ўрик, қовун ва шунга ўхшашлар. Ёмғир суви ҳам шунга ўхшабди.

Бу нарсаларнинг хосияти шунки, агар кўп туриб қолсалар, тез ўзгариб кетадилар. Агар ким бу таомлардан истеъмол қилса ва улар меъдада сафрога дуч келсалар, улар ўшага (яъни сафрога) айланиб кетади; агар балғамга дуч келсалар, ўшага (балғамга) айланиб кетади; қайси моддага айланган бўлмасинлар, у сасини тез қабул қилади. Натижада кўпинча ёки сафродан бўлган иситма, ёки балғамдан бўлган иситма келиб чиқади.

Ушнинг тадорук. Бунга қарши агар таъб (мизож) иссиқ бўлса, малибатрли сиканжубини, агар совуқ бўлса, доривор сиканжубини ёки асал суви ва умуман, табиатни юриштирувчи нарсалар истеъмол қилиш зарур. Агар бу камлик қилса, терлатилмади ва терлатолиши нарсалар истеъмол қилинади.

### Таркиби тигиз овқатлар

Абу Али дейди: бу овқатлар ҳазм бўлишини ва ўзгартишини кам қабул қилладиган гуруч, жўҳори ва шунга ўхшашлардир. Булар кабилардан ел, табиатнинг буғлангани, оёқлиги туғайли ички аъзоларнинг оғришлари ва стримлаган хилт касалликлари туғилади.

Ушнинг тадорук. Дастлабки таъовул қилинаётганда ушнинг устидан иссиқ мизожлига латиф енгил шароб ёки кўп сув қўшилган асал суви; совуқ мизожлига тоза шароб, кучли асал шарбати ичирилади. Сўнг уни ҳазм қилдирадиган, пастга туширадиган ва сирғалтирадиган нарсалар берилади. Бу — бодом ёки аралаштирилган

тамрий, зайтуш ёғи аралаштирилган шаҳриёрон; ёғлардан кўзда тутилган мақсад сурилтиришдир.

### **Ёқимсиз овқатнинг зарари тўғрисида**

Абу Али дейди: аъзолардаги табиий қувватлар табиати ёқимсиз бўлган овқатлардан қочади. Ҳазм, тундир, туртиш, тортиш ва даф қилиш сусаяди. Бундан изтиробга солувчи нилар юз беради. Ёқимсизлиги билан меъда оғзи мизожини бузади, иштаҳа ҳам бузилади.

Унинг тадорук. Ё қусиш, ё кўнгил тусайдиган нарсалар: иштаҳага қараб ширин, ширин, ё лордон нарсалар ойиш. Нордон, ширин нарсаларда ёқимсизликни аритиш ҳиссаси бор.

### **Сермой овқатларнинг зарари**

Абу Али дейди: сермой овқат меъдани, хусусан, унинг оғзини заифлантиради: майда тешикчаларни тўсади ва гизоин ўтишга қўймайди. Шуниси ҳам борки, у яхши озиқлантиради.

Зарарининг тадорук. Унга қарши беҳи каби сувни териб бурштирувчиллар, сирка ва сиканжубини каби парчаловчиллар таяовул қилиш ва уни тезда тушириб юборишга ҳаракат қилади. Сўнг асал суви ва доривор сиканжубинининг ёрдамида ҳайдашда давом эттиш ёки шилоқ, гўра узум ҳамда беҳи кабилар билан ошлаш.

Сермой (овқат)лар бобида айтилганларнинг устига тез саситади.

### **Бадбўй (овқат)нинг зарари**

Унинг зарарининг тадорук. Сермой (овқат) бобида айтилганларни истеъмол қилиш ҳамда уларни долчин, петрушка ва хушбўй дориворлар б-н хушбўй қилиш керак. Агар овқатга бир оз ангуза қўшилса, унинг бадбўйлигини йўқотади.

### **Уткир овқатнинг зарари**

Улар саримсоқ ва пилёга ўхшашлар бўлиб, меъдани эчиштиради ва унинг оғзини қитққлайди, тўрт туғма қувватни туширади ва ичакларнинг юзасида яралар пайдо қилади.

Унинг тадорукли. Унга таъзда энд турадиган нарсалар, масалан, ширинликлар ёйилади; улар ачиштирилганда сермой нарсалар тановул қилинади, крахмал ва ундан тайёрланадиган нарсалар, шунингдек, семизут, олабута, қовоқ, тлррак ва бодринг каби беъза ва таъми ҳеч таъсирсиз нарсалар юқоридаги (ўткир) нарсаларнинг зарарини йўқотишда яхши таъсир қиладилар. (Ўткир) нарсаларга қарши сирка истеъмол қилмаслик зарур, чунки сирка ўз ачиштирувчанлиги билан уларнинг ишига ёрдам беради.

### Аччиқ (овқатлар)

Мизожга, иштаҳага ва табиатга энё қилади, чунки у овқатнинг жавҳаридан жуда узоқ нарсалар. Жолниуснинг раъйига кўра, овқатнинг жавҳари — бу ширин нарсалар. (Аччиқ нарсалар) баъзан тиришиш пайдо қилади.

Унинг тадорукли, Ширинликлар, сирка сермой овқатлар тановул қилиш ҳамда хушбуй (нарсаларни) ҳидлаб ва чайнаб истеъмол қилиш.

### Нордон (овқатлар)

Асабларнинг юзлари ва сиртларига ўрнашган рутубатларни дарааллаштириши ва уларни ҳайдаш билан исъда ва жигарга зарар қилади ҳамда сўндирилганининг шиддати билан ва ачиштирувчанлиги билан ҳиссий қувватларга энё етказди; ҳикичоқ, тиришиш ва кувозга<sup>54</sup> дучор қилади.

Унга қарши турши ва тадорук қилиш. Ислағул шираси, қовоқ, арвб елки, крахмал ва янширилиб тайёрланадиган ширинликлар каби елимловчи нарсалар ёки сермой шурва бўшаштирадиганлар ёки сифати билан бўлмаса-да, жавҳари билан мизожга мувофиқ келувчи гуштли овқатлар каби ҳисга лаззат берувчилардир. Унинг зарарини бартараф қилишга пўсти арчилган бодом ёғини сут билан ичинининг фойдали хосияти бор.

### Буриштирувчи дағал (овқат)нинг зарари

Кулаш қилиш ва тугма намликларни қуритишлар. Унинг тадорукли. Ижжосий<sup>55</sup>, мишмиший<sup>56</sup> ва киш-хийларга кўп ёғ қўшиб тановул қилиш.



## Елликларнинг зарари

Куланж<sup>51</sup>, бобоғриқ, таом ҳазм бўлмаслиги, ҳаракатсиз ва ҳаракатли томirlлар ёрилиши, қулоқ шангилаши ва гувиллашдан иборат.

Унинг тадорук. Кундур сақичи ва зира чайнаш, футалажий<sup>52</sup> ва каммуний тановул қилиш ва устидан озоқ сув ичиб юбориш. Шундан тўрт соат ўтгач, ўртача миқдорда шароб ичиш.

### Тез ҳазм бўлувчининг оғир ҳазм бўлувчи устига

#### тановул қилиниши борасида

Агар тез ҳазм бўлувчи секин ҳазм бўлувчи устига тановул қилинса, ундан олдин ҳазм бўлади. Ҳазм бўлиши биланоқ ичакларга ўтиб кетиши лозим бўлади. Бироқ у шунга ҳаракат қилса ҳамки, ўзинга йўл топа биламайди, чунки остидаги қийин ҳазм бўлувчилар. Шунга кўра, туриб қолади ва ўзинга яқин турган таомни саситади. Бу нарса ёмон хиллар юзага келтиради ва унинг бузуқ ва зарарли бўлиши миёга кўтарилади.

Унинг тадорук. Биринчидан, зикр этилган зарарсиз сургилардан несиқ мизожлар учун: олхўри, тол шираси, мева шароблари, ялакадиган мевали дорилар, совуқ мизожлар учун эса, шаҳриёронли, мулукий ва арманли жуворишлар ёрдамида сўриш.

Уни бошқача даволаш ҳам бўлади. У ҳам бўлса, қуриштирган кашич, ҳўа шилдоқ, туриш беҳи, испоғул, семизўт каби таъсири кучли, жавҳари билан ҳазмин секинлаштирувчи ва даволанги бор нарсалардан тўлиб кетганлик устига яна тўлиб кетиш келтириб чиқармайдиган, балки моқсаддин амалга оширадиган миқдорда бир оз тановул қилиш. Асга ҳазм бўлувчидан олдин сиргантирувчи (нарсалар ейлаганда), агар қовун, ўрик, олхўри ва тут каби сиргантирувчилардан кейин таркиби ортиқча (қуюқ) бўлмаган нарсалар келса, олдингисини тейилади ва нاستга тез тушиб кетади. Натижала, кейин ейилгани ҳам меъдада ҳазм бўлмай туриб униси билан настга тушиб кетади. Шундай қилиб, ҳали ҳазм бўлмаган ва бутунлай ўзгариб улгурмаган овқат мосторик<sup>53</sup> орқали жигарга тортिलाди ва тикилмалар келтириб чиқарали.

Унинг тадорук. Еки чиқинчилар тезлашувига ёрдам бериш ёки тойдирувчи таомдан олдин, ё агар ичкония-

ти бўлса, устига ўхтатувчилар тановул қилиш. Сўнг ўрнига чузилш ва чан (томоқ) билан ухлаш. Сўнг аҳволга ҳароб (ўша) айтилганининг устига шароб, дориворли сиканжубни ва асал суви каби тиқилмаларни очиб юборувчилар ва сийдик ҳайдовчилар истеъмол қилиш.

### Таом устига ичилган мева ширасининг зарари

Абу Али дейди: бир важҳдан сиргантирувчининг зарарига яқин ва иккинчи бир важҳдан ундан узоқ. У таомдан суюқ ва латиф бўлганда тез тушириб юбориш хусусияти жиҳатидан унга ўхшайди ва ўзидан энч нарсанинг тушишини секкилатиш жиҳатидан эса унга (ўхшашликдан) узоқ туради. Демак, у тойилтирувчининг зарарини қилади ҳамда сасиувчининг зарарини ҳам қилади.

Унинг тадоруки. Иссиқ мизожли ва сафроси гөлибларга: бўшаштирувчи-мулдойимлаштирувчилар ёки шунга ўхшаш нарсалардан — олхўри, тамаринд, тоғ шираси, ишсуқий ва мажия<sup>20</sup> истеъмол қилиш; бу нарса яхши натижа беради. Совуқ мизожларга мудукий ва шаҳриброн (берилади). Шунингдек, каллақанд ва асал; бу иккаласи энг яхши ва мувофиқ нарсалар. Сўнг юқоридан айтилгандек тозалаш, (тиқилмаларни) очиб юбориш ва сийдикни ҳайдаш орқали даволанади.

### Меъдада узоқ туриб қолувчи (овқатлар)

Улар кашини каби нарсалар бўлиб, зарари саситишдир.

Унинг тадоруки. Юқоридан сасишга хўмаклашувчилар бобидан айтиб ўтилганларга ўхшаш.

Қилиншлари саситиш бўлган бирор нарса тановул қилинганч, ортидан унга хўмаклашувчи, масалан, қарам устига саримсоқ ешилганда бунинг зарари тез сасишдир.

Унинг тадоруки. Сиканжубни каби сўндирувчи-парчаловчи нарса ҳамда беҳи қиёми, олма қиёми ва гўра узум қиёмига ўхшаш буриштирувчилар тановул қилиш.

### Ивиш (қотини)га ёрдам берувчилар

Бу — сўт устига пишлоқ ва унинг устига сирка ҳамда шунга ўхшашлар; шунингдек, тухум устига пишлоқ,

Балиқ устига беҳи ва шу кабилардир. Унинг зарари ҳазм бузилиши ва қулайждир.

Унинг тадоруки. Парчалайдиган ва эритиб тарқатадиган нарсалар, масалан, фанжийуш, дашқол шаробидир. Сўнгги иш меъдада қолганини укрои суви ёрдамида қусиб ташлашдир. Агар у ичакларда бўлса, шаҳриёрон, мулукай ва унга ўхшаш нарсалар ҳамда муътадил қувватли сурти шамдори кўтарилади.

### Таом устига таом тиккиштириши

Бу уч ваҳҳдан зарар қилади. Унинг дастлабкиси шукки, қувват биринчи овқатдан бўшамасдан туриб иккинчи овқат уни (ишлашга) мажбур қилади, натижада уни ҳам ҳазм қилади. Бу ҳол аса (қувватнинг) заифлашувига сабаб бўлади.

Иккинчиси ҳазм бўлган (овқат) ҳазм бўлмаган билан аралашади ва шу ҳолда томирларга ўтади ва натижада, тиккилмалар шужудга келтиради. Учинчиси я келсак, ҳазм бўлган ҳазм бўлмаган билан аралашади ва у билан бирга тўхталиб қолади; ҳазм бўлар экан, у билан (томирларга) ўтиб кетишга интилади. Узоқ туриб қолиши ва туриб қолишининг табиқий зарур (вақт) дак ортиқ бўлиши туфайли осийди.

Унинг тадоруки. Албатта қусиш, пуқса, ичин суриндир. Сўнг бошқа бобларда эслатилганлар ёрдамида ҳайдаш ва ювиш. Сўнг ўша (таом) ортидан узоқ очлик ва кун уйқу ҳамда ўша уйқу ортидан баддинтарбия.

Меъладаги мажмуд моддага айланувчи таом тановул қилганлар борасида.

Бу саффо устига асаи, белғам устига сув тановул қилишдир. Овқатнинг (моддага) айланиши туфайли ёмон моддаларнинг қупаймаслиги учун тановул олдида яхшироқ қусиб ташлансин, аке ҳолда, зикр қилинган ҳос касалликларнинг ҳаммаси рўй беради.

Унинг тадоруки. Екки ўша таом қусиб ташланади ёки унга зидлар билан даволанилади. Агар модда саффо бўлса ёўра узум шароби, олма, анор шароби, сиканжубин ичин ҳамда овқатлардан таррак, қовоқ, семизўт; сиканжубин аралашган испағул ҳам бунга ёоят фойдалидир. Сўнг у ҳазм бўлгач, ортидан оахўри, тамарикд ва иш-

шукни сурғиларни берилди. Агар модда балғам бўлса, таза шароб, асал суви, ровоч қўшиб тайёрланган сиканжубини ва зира жуворишини ичирилади. Сўнг, ҳазм бўлгач, мулукий, занжабил аралашган турбуд толқонини ва нёраж ёрдамида енгил сурғи қилинади. Унинг зарари кучлидир, ҳаргиз эътиборсизлик қилинмасин.

### БАДАНТАРБИЯ (РИЕЗАТ) ҲАҚИДА

Чиқиндиларнинг бир қисми биринчи ризодан бўлиб, уларни нажас ва сийдик билан чиқарилади. Унинг иккинчи ва учинчи ҳазмдаги қисми эса жигар, ўт қопчиги ва қоражигар томонларда, сўнг ҳаракатли ва ҳаракатсиз томирларда ва ниҳоят мушакларда ва бўғинларда қолиб кетувчи чиқиндилардир. Агар доимо шунга эътибор бериб чиқариб турилса, бадан чиқиндисиз қолади. Уларни чиқариш усули қуйидагича: уларнинг ичакларга яқин турган (қисм)ларнинг мулоимлаштирувчилар, сийдик юриштирувчилар ва бадантарбия ёрдамида (чиқарилади); аъзоларнинг замирига яқин турганлари эса, бадантарбия билан (чиқарилади). Уртача мулоимлаштирувчи-қустирувчилар ҳамда сийдикни юриштирувчилар фойда қилмайди. Фақат одатдагидек кучли сурғиларгина фойда беради. Бадантарбиянинг биргина ўзи ҳам икки ҳолатнинг ҳаммасига бас келади, ички ва сийдикни юриштиради; шунингдек, терлатади ҳам. Овқат ҳазм бўлишга яқин қолган ҳолда ҳали етилмаган бўлса, унга туғма ҳароратни кучайтириш билан ёрдам берилди. Бадантарбия — соғлиқни сақлашда улуғвор усулдир.

**Оз бадантарбиянинг ҳамда олдинги овқат ҳазм бўлмай туриб бадантарбия қўлламай икки овқат тикшиштирилиши зарари**

Бунинг зарари овқат устига овқат тикшиштирилиши зараридан ортиқроқдир. Агар таом устига таом тикшиштирилса, кўпинча у оғирлашади, пастга тушади ва чиқиб кетади; унинг аъзоларининг замирига кирувчи чиқиндиларни ҳам, бузуқлиги ҳам бўлмайди. Энг яхшиси, тўхталиб қолган нарсаларни баданининг ҳайдаш йўлларида табиатин бир оз мулоимлаштирувчилар ёрдами-

да бўшатишдир. Бироқ бадантарбия ёрдамида даф қилинишга муҳтож нарсалга келсак, у аъзоларнинг ич-ичларига чуқурлашиб бөрүвчи чиқиндилардир.

Унинг тадоруки. Агар у кўплик қилган бўлса-ю, сўнг тортишиш (тамоддуд), чидаб бўлмас оғриқ, яра, бе-сабаб чарчаш ва аъзоларда оғриқ келтириб чиқарса, ўша (оғриқ)нинг ҳис қилинишга қараб кучли ёки ўртача (кучдаги) сурғи билан даволавилади. Бироқ, агар кўплик қилмаган бўлса, очлик билан ҳамда мўътадилликдан ортиқроқ шиддатга эга бўлган бадантарбия билан (даволавилади). Сўнг бадантарбия ортдан ҳайдовчилар ҳамда доривор ёки довпечак сиканжубини каби майинлаштирувчилар ёки ўртача миқдорда турбнт билан долчин аралашган доривор сиканжубини истеъмол қилинади.

### Таом устига ҳаракат

У таомни бузади ва уч ваҳдан зарар қилади: уларнинг бири шуки, уни (таомни) қаттиқ чайқалтиради ва уни қамраб турган олат (аъзо)ларнинг юзаси унча узоқ тегиб турмайди, натижада у ҳазм бўлмайди. Иккинчиси шуки, туғма ҳарорат билан сиртида тарқалади ва унинг ичи сонуқлигича қолади ҳамда ҳазм қилувчи куч ўзи муҳтож бўлган туғма ҳароратини йўқотади. Учинчиси шуки, у таомни ҳали ҳазм бўлмасидан олдин тушириб иборлади ва юқорида айтилганларни қилади.

Унинг тадоруки. Ўша овқатин мужкин қадар чиқариб юборишга ҳаракат қилиш, сўнг унинг қолдиқларини ўтган бобларда айтилганидек қилиб ювишдир.

### Кўп ҳаракатсиз қолиш

Унинг зарари овқатин етилмаслик, иккинчи ва учинчи чиқиндилар бўшалувини тўхтатиш, моддаларнинг бўғинларда ва мушакларда қамалиб қолиши ҳамда уларда қотиб қолишидан иборат.

Унинг тадоруки — бадантарбия қилмаслигининг тадорукига (ухшашдир). Аммо қиздирувчи ёки совитувчи нафсоний ва табиий ҳолатлар пайтида таом (ейишга) келсак, унда биз (илгари) айтганларимиздан бирортасига муружаат қилинади.



## БЕШИНЧИ МАҚОЛА

### СУВ ВА ИЧИМЛИКЛАР ТУҒРИСИДА

#### Кўп сув ичиш (нинг зарари)

Абу Али дейди: бу уч важдан зарар қилади. Биринчиси шуки, у барча аъзолардаги туғма ҳароратни сусайтиради; бошқарувчи аъзоларда эса, айни шу вақтда, тўрт табиий қувватни сусайтиради. Иккинчи тонфа қурол аъзоларни ҳаракатининг сусайишига ва титроққа гирифтор қилади.

Иккинчиси, жигардаги ажратувчи қувват қондан сувни айиришга заифлаш қилиб қолади. Бироқ, агар сув қорви лардаси билан қориннинг юмшоқ жойи ўрталиги томон оқса, мейсмон истеъсо қасолалигини келтириб чиқаради. Агар қон билан биргалликда аъзоларга оқса, энда бўладиган истеъсонни лайдо қилади. Буйракдаги айирувчи қувват (заифлашса), қийналиб сийини билан бирга сийдик тутолмаслик лайдо бўлади ва буйрак заифлашади.

Учинчиси, овқатни суюлтиради ва вақтидан олдин тушириб юборади.

Унинг тадорухи. Ким соууқ мизожли бўлса, унга шаробга қўшиб мушк дориси ёки асоносне<sup>61</sup> ва митридат ичирилсин, токи у ўз қуввати билан сийдикни юриштирсин. Иссиқ мизожлига сийдикни юриштирувчи дори, доривор маъжуни ва латиф хушбўй шароб бериллади. Сўнг сув ичишни тўхтатиб, сабр қилинади. Унинг овқати сифатида туффохия<sup>62</sup> ёки савфаржалли<sup>63</sup> каби сийдик юриштирувчилар ҳамда чайқоқни қондирувчилар белгиланвади.

#### Балчиқли сувнинг зарари борасида

Балчиқли кўлмак сувнинг меъядан тушиб кетиши ва овқатга ейтиши секин бўлади, чайқоқликини өрттиради, қувватни эса заифлаштиради, чунки у тоза сув эмас, балки унда ер моддаси кўп. Ундан шиншасмон балгам хилати ва баъзан унинг савдойиеси туғилади. Шу сабабли, ким уни кўп ичса, унда қоражигар касалликлари кўпаяди, шунингдек, бавосир лайдо бўлади ва жигарининг мизожли бузилиши туфайли истеъсо ва буйраги мизожининг бузилишидан сийдик тутмаслик содир бўлади.

Унинг тадоруки. Агар имкон бўлса, шу каби сув қайта ҳайдалени, сўнг ичилсин. (Ҳаядаш) эса ёки қовоқ ва анбиқ<sup>64</sup> орқали бўлади ва сув қайнатилмайдиган идини оғанга юнг кўйиб, кейин уни сиқиш билан бўлади. Ёки юн ва олма ёки беҳи (соллинган) сузғичда сузилади, шуниси яхшироқ.

Агар уни ўз ҳолидалигича ичилган бўлса, унга қарши зированд маъжунни ейлади ва устидан кўпаб сийдикни ҳайдовчилар, унинг ҳам устидан тоза шароб ичилади. Хомлигича ейилган пивзда уни зарарсиалантирувчи хосият бор. Агар инсон уни нчгандан сўнг бир кун ўтгач, наҳорга бир ол шароб икса ва унинг мизожиде бунга монелик бўлмаса, ундан жуда фойда қилади.

### Олтингугуртли сувнинг зарари

Бу сув хилларини куйдиради ва узарини саситади. Унинг ортидан дастлабки пайтда сафродан бўлган пентмалар, сўнг охирида қонини куйдиришин сабабли сабродан бўлган пентмалар келади. Ундан туғилган савло эса ёмон бўлади. Мен, биз қоразг деб атайдиганини назарда тутаман. Бу сувнинг зарарлари — сариқ касаллиги, пентма, қичима, кунора тутадиган пентма, (табақали) пентма, бошоғриқ, кўзоғриқ, кесик назлар, сайдик тутилиши ва ошшдир.

Унинг тадоруки. Агар имкон бўлса, бир неча марта, биз айтиб ўтганимиздек, қилишиб ҳайдалени, шу яхшироқ. Агар сирка билан ичилса ҳамда ичига арман лойи ёки муҳр лойи солинса, зарарини камайтиради. Агар ўз ҳолича ичилса, гунафша шароби аралаштирилган аяор шароби унинг зарарини жула яхши кесади. Шонини армайдн. Шакар сижанжубини сирка билан ичмаса ва беҳи шираи ичмаса, унга ичингича қарши туради. Шунингдек, семизўт уругини янчилгач, мағзини гунафша ва олма шароби билан ичилса, фойдавандир. Қизил тул сувини ичин ҳам унга қарши фойдали.

Сўнг. Мой ва зайтун ёғи солинган енгил серег овқат ҳам (фойдали). Агар ундан зарар зоҳир бўлган бўлса-ю, пентмаси бўлмаса, устидан сут ва мойнинг ичкисини қиздириб ичиш херик. Агар пентма билан бўлса, арна сувини сижанжубин билан ёки нимтуруш аяор суви билан ичмасын.

## Аччиқтошли сув

Унинг зарари бурштириш, табкатиш (ичиш) қотириш, кўкракни дағаллаштириш, товушни бузиш, сийдикни тўтиш, овқат ўрнини торайтириш ва (кишини) олдирришдир.

Зарарининг тадорук. Еёлиқ (овқат)лар истеъмол қилиш, унинг устига зайтун ёғи ёки бодом ёғи, шунингдек, ёнғил хушбўй (шаробни ичиш), ичимликлардан: гунафша шароби, олхўри шароби ва арпа суви унга жиддий қарши таъсир кўрсатади. Нўхат суви ҳам хушбўй ёғ билан ёки ёйиладиган ёғларнинг қайси бири билан бўлмасин, фойдалидир.

Унга қарши таъсир кўрсатувчиларнинг энг фойдалиси кепак ва шакардан қилинган умоч (ҳолвайтар) дир; шинилардан қилинган жуаоришининг ҳам анчагина фойдаси бор.

## Зокли сув

Унинг зарари аччиқтошли ва олтингугуртли (сувлар)нинг зараридан таркиб топган. Улар аччиқтошли (сув)да содир бўлаганига ўхшаш бурштириш ва дағаллаштириш, гугуртли (сув) вужудга келтирганга ўхшаш сасиш ва моддалар куйишини вужудга келтиради. Унинг ўикага зарари кўпроқ.

Унинг тадорук. Унга қарши совуқ эуфо шароби ичиш, тул шаробини чучукниё қиём билан тановул қилиш; шунингдек, тарвузн лавга (ўраб қўрда) иширгандан сўнг, ундан сиқиб олинган сувни тановул қилиш; яна бодринг ва таррак суви, испағул уруғи билан беҳи уруғининг ширасини мураббо қилинган гунафша билан (истеъмол қилиш); буларнинг ҳаммаси унга қарши таъсир кўрсатувчилардир.

## Зирниҳли сув

Уники гугуртли сувнинг зарарига ўхшайди, бироқ унинг ичакларни яраловчи хусусияти ҳам бор.

Унинг тадорук. Гугуртли сувнинг тадорукига ўхшаш ва яна: унинг шиддатли бурштиришига қарши туриш учун араб елимни кулчалари ва табошир кулчалари каби ичакларнинг яраланишини тўхтатувчиларни

гунафиза шароби билан истеъмола қилиш. Испағул унга жуда фойдалидир.

### Зангорли сув

У ҳам гусуртли сувга ўхшашдир. Аммо у бир вақждан (ундан) кўра кўпроқ зарарлидир. Бу — томирларнинг оғизларини очиб юборувчи ва уларни (томирларни) ёювчи бўлиши туфайлидир. Шунинг учун у қон ўтиш ва ўнкадан қон кетишга учротади.

Унинг тадорухи. Унга қарши қаҳрабон кулчалари ҳамда сумжақий ва зеришкяйлар истеъмола қилиш; муҳр лойининг кулчалари унинг буриштирувчанлик хусусияти билан ҳамда тарққилиши билан, шунингдек, узум шароби қонни қуюлтириш хусусияти билан унинг зарарини даф қилади.

Кўкнор ядамликлари истеъмола қилиш керак, чунки улар унинг ҳар икки буйракдаги ва ўнкадаги зарарини йўқотади. Унинг таъсири қайси аъзода шиддатлироқ эканига диққат қилиш керак. Сўнг ўша аъзога мос (дори)лар билан даволанилади. Жигар ва у билан боғлиқ аъзолар учун қаҳрабон кулчалари, ўнка учун кўкнор кулчалари, ичаклар учун муҳр лойининг кулчалари, буйрақлар учун пақлақ кулчалари ва анор гулли кўкнор кулчалари мосдирлар.

### Навшаднама сув

Навшадилли сув ҳам зангор суви каби, ҳатто ундан ёнпроқдир. Унинг хосияти (зарари) мияга ва кўзгадир.

Унинг тадорухи. Зангор суви тадорухи борасида инчалар истеъмола қилинган бўлса, ўшаларни кофур кулчалари қўшилган кучли сўндирувчилар билан истеъмола қилиш ҳамда уни (кофурни) ҳидлаш, бошга гул ёғи, сирка, гул суви, сандал ва совуқлик сабзавотларнинг шираларидан қилинган дахлахаларни совуқликча (суртиш) лозим. Кўзга кашнич суви ҳамда узум гўраси сувидан тайёрланган суртма суртиш фойдали.

### Мисли сув тўғрисида

У зангорли сувдан зашфроқдир ва унга ўхшашдир.

## Нефган сув тўғрисида

У олтингусуртан сувдан заифроқ ва унга ўқнашдир.

### Тузли сув

Унинг хусусияти кўришнинг хиралашуви, эшитишнинг оғирлашуви, бошнинг гувиллаши ва қичима вужудга келтириб чиқаришдир.

Унинг тадорук. Унчалик буриштирмовчи совуқ қисмлар билан сундириш, ўтган бобларда айтулганлар устига ёлги нарсалар истеъмол қилиш ҳамда кўзга узум гўраси сувда пиширилган тўтиё суриш ва қулоқ ичига шаббўй ёлги томишиш.

### Ачкиқ (какра) сув

Хилларини саситади ва сафродан булган нешталар вужудга келтиради. У сабабдан истеъсо қасаллиги хавф солади.

Унинг тадорук. Гулоб ва гунафина шарбати каби ишрин ичимликлар истеъмол қилиш; қозун, таррак, бодринг ва қовоқ эти каби сийдик ҳайдовчилар истеъмол қилиш.

### Норлон сув

Ичанлар ва меъдани тирнайди, ўқчитади ва истеъсо қасаллигини вужудга келтиради.

Унинг тадорук. Елимловчилардан қалла-пачалар қабиларини қора зира билан ҳамда Рум зираси ва қалликўт каби елни кесувчилар билан истеъмол қилиш; шушунгдек, сабзи шарбати, қора андиз шаробиг; овқатлардан эса чала пиширилган тухум ва иликка<sup>63</sup> ёқимли туз қўшиб таковул қилиш.

### Наҳорга (ичилган) сувининг зарари

Меъдани заифлаштиради ва мияни совиштиб икки ваҳждан пазлалар вужудга келтиради. Биринчиси (миянинг) меъда билан ҳамкорлиги билан; иккинчиси эса тоза сув буғларини мияга кўтарилаши билан бўлади. Жигар ва қора жигарин совитади ва уни истеъсо қасаллигига тайёрлайди.

Унинг тадорук. Унинг устига сақланган тоза (шароб)дан бир оз ички; сўнг тезликда қуруқ пон, казе<sup>66</sup>



ва талқон тавовул қилиш. Унинг ишларидан бири (бадандаги) сувни ичимчи ва уни тез сиғиб кетишидан тўхтатишдир, токи асал ёки сақланган шароб туфайли унинг совишига йўл қўйилмайдн ва уни ҳуққатириб, сиғиб кетишига ҳам йўл қўйилмайдн.

### **Тўйганлик ва таом устига (ичилган) сувнинг зарари тўғрисида**

Таом ва уни қабул қилувчи меъда булакларини ўзaro ажратиб қўяди, натижада овқатнинг ҳазм бўлишига тўсқинлик қилади. У (овқат)ни меъданинг тагидан ушқиг оғзингача сувдириб чиқаради, ҳазм қилувчи кесди ва уни ўз совуқлиги билан заифлаштиради, ҳазм бўлмаган (овқат) сув моддасининг оқиши билан бирга сиғийди ва кўпинча жигар билан меъда оғрийди.

Унинг тадорухи. Тезликда унга қарши беҳи сиғари сиқувчи ва сиғдик юриштирувчиларни тақомул қилиш керак. Ушқиг (беҳининг) ҳосияти тезлик билан бадан сувини чиқариш, сўнг сиғдикни юриштиришдир. Бу соҳада беҳидан (мувофиқроқ) парса йўқ. Бироқ, овқат ҳазм бўлгач, кўп сув ичилганда тўпланиб қолган парсази кески учун бир оз шароб ёки асал ичяш керак. Беҳи — совитувчидир; ёки бир оз петрушка уруғи билан қаллақанд истеъмол қилинади.

Агар жигарда ёки меъдада оғриқ пайдо қилса, камунини билан даволанилади. Агар у савбдан дудланиш (ҳолати)га ўтаётган таомнинг бузилиши сезилса, мева широблари билан сурғи қилинади, пордонлик (сезилса) шохриёрон билан сурғи қилинади. Бу борада бепарволик қилинмасин, бу ҳаммомда сув ичиш тўғрисида сузлаганимизга ўхшайди ва тадорухи ҳам унинг тадорухига ўхшашдир.

### **Қаттиқ ҳаранат ёки бошқа сабаб билан баданнинг сийрақлашуви устига (ичилган) сувнинг зарари**

Бу ҳаммомда сув ичиш бобида айтганимизга ўхшаш ва тадорухи ҳам унинг тадорухига ўхшашдир.

### **Жинсий алоқа устига (сув ичишнинг зарари)**

Хусусан, юрак хафақони ва унинг заифлашуви, умуман аса, ҳаммомда сув ичиш борасида айтилган бошқа (касаллик)ларни келтириб чиқарошдир.

Унинг тадоруки. Мунки ҳидлаш ва ширин мулк до-  
ричи ички. Истиқ мизожли киши — тоза шаробни, со-  
вуқ мизожли — тоза шаробга қўшиб изадди. Шунингдек,  
заржушиб<sup>от</sup> таношу қилиш.

### Бузанинг зарари

Жигарни, мивни, юракни, меъдани, қаражигарни,  
ичакларни, буйракни ва қовуқни бузиш ва уларни ҳол-  
дан тойдирини. Сўнг, Титроқ, фалаж, ҷажон, нес, сий-  
дик тутмаслик, қовуқ қичмаси, истисқо касаллигини  
туғдирини.

У асабга жуда зарарли нарсадир. Шаҳват ва жин-  
сий алоқага аке таъсири бор, у совилади ва ҳўллайдди  
ҳамда асаблар юзаридаги наманларни қамраб ола-  
ди ва ёмон назлалар ҳамда қуягушаар келтириб чи-  
қаради.

Зарарининг тадоруки. Енғоқ, бодом ва данаклар  
истеъмол қилиш ҳамда сийдик ҳайдовчилар истеъмол  
қилиш. Унинг устига шароб ичишдан ҳамда шароб усти-  
га узи ичишдан четланилади, чунки шароб узи асаб-  
ларининг ич-ичига ва бўғинларга сиқидириб юборади;  
ажелоча, унинг устиди асал ва мой ялаки зарурдир,  
Сийдикни қўлаб юриштирувчи истеъмол қилинади.  
Заржушиб ҳар важҳдан ҳам бўзанинг тарғибдир. Буза-  
нинг яхшии сонга мўл долчини, газак ўт ва яллиз ара-  
лаштириб қилишганидир.

### Қўл шароб (ичиш)нинг зарари

Кимияниг мизожли жуда истиқ бўлса, унинг томирла-  
рида ва ички аъзоларида сафронинг тўпланиши, қон-  
шинг ғалабаси ва бўшлиқлар ва (бадан ичкиларини)<sup>от</sup>  
лиммо-лим қилувчи тўлаб кетиш хавфи пайдо бўлади;  
натихада, қон сактаси ва тўсатдан ўлиш содир бўлади.

Агар ким совуқ мизожли бўлса, узи ички ваиждан  
барча асаб касалликларига дучор қилади. Уларининг би-  
ри беҳад қўллаш—бу майнинг (доимий) қилиши. Ик-  
кинчиси, унинг майда бўшлиқларга бурлишидир; бу  
беҳад (зарарли) бўлиб, у асабларни тирнайди, нати-  
жада, ундан совуқ сакта, узоқ уйқу, антаргия, фалаж,  
титроқ, юз фалажи ва бадан сезмай қолити пайдо бў-  
лади. Шаробдан келиб чиқадиган молдалар енгил бўл-  
ганлиги учун бу касалликлар бошқа сабаблардан кел-  
либ чиққанлисига исбаган осонроқ тузалади.

Унинг тадоруки. Иссиқ мизож соҳиби қон олдирини- да ва мева шароблари воситасида сургин қилдиришида давом этиши ва кўпилаб анор шароби истеъмол қилиши зарур, чунки бу унга бон тарбқдир.

Совуқ мизож соҳиби яси, эрман кулчаларини ва ча- камут кулчаларини кучли илдиз суви билан тановул қи- лишида давом этиши ва бадантарбия ҳам қилиши зарур. Агар ушлуксиз давом этуви оғирлик ва бадан учини селилса, истамаҳиқун<sup>62</sup> ҳаби ёрдамида бўшатиллади.

#### Кучли қора шаробнинг зарари

Қонни куйдириш, хилларини бузини, ҳижоб<sup>70</sup> ва миъ- ти иширини (ялмиллатини) ва сил.

Унинг тадоруки. Алор шаробини гунафша шароби билан ичши; содда нордон сикашқубини арпа суви бил- лан истеъмол қилини, жигар, қалб ва миъга юқориди энкр этилган совуқ лаллаҳани қўллаш, кичик сандал кулчалари тановул қилиш ва устидан беҳи ва чилонжий<sup>71</sup> да тоғинини; овқатни нордон нарсаларга мойил қилини.

#### Кучсиз суюқ шаробнинг зарари

Балғамли баданларда наъзалар ва асаб касаллиқ- лари келтириб чиқаради.

Унинг тадоруки. Устидан кўнкорлик кучли зуфо ша- робини озроқ асососиё солиб истеъмол қилиш; шунинг- ден, иккинчи кун турбит ва занжабил билан асал оли- ниб, бир ёки икки ялам (яланади). Сўнг агар бадан жуда ҳам лиқ тўла бўлмаса, бадантарбия қилиш ёки гардан ва бўғинларни қаттиқ уқалаш.

#### Тахир шаробнинг зарари

Табиятни қабз қилиш ва қонни лойқатишидир.

Унинг тадоруки. Унга қарши суянган ширин шароб ёки асал шароби тановул қилиш; иссиқ мизожли киши ушдан оз зарарланса ҳам шу иссиқ мизожлига эчкиш шаробни гунафша шаробига аралаштириб тановул қил- диркиш.

#### Оч қоринга шароб (ичиш)нинг зарари

Ингичка оғриқ касаллиги, ички аъзолардаги шш- лар, сасишдан бўладиган иситмалар ва кучли бош оғ- риқ.

Унинг тадоруки. Қуритни ва (шаробнинг) қувватини кесни учун устидан арпа талқони тановул қилиш, та-боширни арман лойи билан тановул қилиш ва чилон-жийда билан беҳидан тотиниш. Агар зарар қилса, унга қарши турадиган парсаларнинг энг яхшиси нордон анор ва узум гўраси қисмидир. Агар қаттиқ зарар қилса, ко-фур қулчалари ичиш. Лекин унинг устидан анихор си-канжубни истеъжол қилинмайди, чунки ширин парса унчалик манфаат келтирмайди, аксинча зарар қилади ва сафрога айланиб кетиши аҳтимол. Нордон парса эса аъзоларга зарар. Сўнг. Саудо аралаш қон туғдирадди, натижада шароб зарари устига яна зарар ортади. Сўнг юрак, жигар ва миё устига сиртдан лахлахалар қўйиш тамини ейиш керак.

**Исптма устига ёки бошогриқ устига шароб кетган  
кимса тўғрисида ва унинг тадоруки**

Агар (хилталарга) жуда тўла бўлса, дарров қон олиб, қон моддасини то ҳундан кетиш ҳафти туғилгунча чи-қариш керак. Қон олдиришдан бир оз ўтгач, кчин бу-шатувчи мева эгиниларидан: олхўри, кишук қисми, тут ичиниси, гунафша шароби ичиш лозим.

Агар тўлиб кетмаган бўлса, кофур қулчаларини қи-зил гул шароби билан ҳамда олхўри шароби ва лахла-халар ичирилади. Шунингдек, бошқа аъзоларга таъкиз-май бошдан кесик сув қўйилади.

**Ўт (сафро)дан бўладиган нафас қисилиши устига  
шароб (ичиш) ва унинг тадоруки**

Унинг устидан кўкнор шаробини гунафша шароби-га аралаштириб ичиш, сув ўрнига гул суви ичиш керак ва оққатнинг енгилроғини (ейиш) зарур.

Энди боқланган кўз огриқ устига шароб (ичиш) ва унинг зарарининг тадоруки. Ўша заҳотнеқ, шошилинч равишда ҳалила қайнатмаси билан сурғи қилиш ҳамда қуруқ кашични одатта мувофиқ шакар сепилган ис-пағул билан тановул қилиш. Шунингдек, зияга совуқ лахлахалар қўйиш. Худди шундай ҳолатда карам уру-ғини кашич билан тотинилса, фойда беради. Шакар-дан қилинган сиканжубни унинг ўрнига ўтади.

**Уч хил гўлиб кетишининг бирортаси устига шароб  
ичган кимса бѳрасида ҳамда уни даф қилиш**

Шишлар ва иситма келиб чиқмай туриб, олдинки  
олишга шояшлиш лозим: анчагина қон олянади ва со-  
вуқ мизож соҳибига қарамдан тайёрлаяган яламд до-  
рини анор суви билан ичирилади. Иссиқ мизож соҳиб-  
ига эса, кўкнор шаробини анор суви билан 6 унинг ша-  
робин билан ичирилади.

Овқати: қон олишдан кейин суммоқий<sup>2</sup>, қон олш-  
дан олдинки нишуқ ёки икжосий.

### **Хуморга шароб (ичиш)нинг зарари**

Бошогриқининг кучайиб кетиши, кўнгил айниши, ич-  
гичка ориқ қасаллиги, оғир иситмалар ва ички аъзолар-  
даги шишлар.

Унинг тадорукни. Сикашжубини ва иссиқ суз ёрдами-  
да қусиб ташлашга ҳаракат қилишади. Сўнг шиктуруш  
анор сиқилади ва ундан оз-оздан аста-аста ичилади.  
Агар яна қусиқ рўй берса, иккинчи марта қайтарилади.  
Агар қусиш тўяса, уаум кўраси шининси ва унинг ша-  
робин истеъмол қилинади. (Беморнинг) овқати: ҳудом<sup>2</sup>,  
қарис ва мейда балиқлардан иборат. Ювнингач, ухлай-  
ди; шунингдек, қишдан бошқа вақтда боз ва меъдага  
иснагулин сирка билан совиштиб истеъмол қилади. (Қиш-  
да) бошга плитиб боғлақади, меъдага эса уртача со-  
вуқликда ишлатилади.

## **ОЛТИНЧИ МАҚОЛА**

### **ҲАРАКАТЛАР ҲАҚИДА**

#### **Кўп ҳаракат бѳрасида**

Абу Али дейди: кўп ҳаракат қилиш дастлаб жуда  
қаттиқ қиздиради ва қуритади. Сўнг эса ишнинг охири-  
да совитади.

Унинг зарарларининг энг биринчиси (хиятларин)  
саситини ва ёмон модаларини аъзоларининг ич-ичларига  
кўчиришдир. Иккинчи зарари совуқ эсаб қасалликларни  
ҳамда қувватининг пасайиб кетиши. У баъзан қафқор  
ва ҳушидан кетишга ҳам сабаб бўлиши мумкин!



Унинг тадоруки. Ювинки керак: ёзда совуқ сувда, кинда эса илқроқ чучук оқин сувда ювинилади. Қофурдан бўлган тутатқилар тутатилади ва қиймаланган гўшт ва бир оз пухат солиб иширилган гўштли шўрвадан хўплаб-хўплаб ичилади; бироқ беҳад кўп ичиб юборилмайди. Сўнг ёр билан ишқаланади; ундан бўғиллар терлайди. Қулоқ ичига ҳам ундан томизилади, бошдан эса сўт соғилади. Бир оз муллат дам олинади ва ухланади. Овқат латифлаштирилади: дастлаб ипмбргит тухумининг сариги ва парранда қанотлари билангина овқатланилади, сўнг одатдаги овқатларга аста-аста ўтилади.

Бироқ, қувват пасайиб кетганда, кучли гўшт сувини бир оз райҳоний шаробига қўшиб берилади.

### Кучли ҳаракат борасида

Унинг иши кўп (ҳаракат) инкига ўз қизитиши билан яқин, аммо (моддаларки) тарқатиши уникидан озроқдир.

Унинг тадоруки. Овқатлар воситасида қувватни кутаришга қараганда иссиқ мизожини алмаштиришга кўпроқ мойил бўлиш керак. Шунинг учун юрак ва томир уриб кетиши босилгач, мева қиёмлари ва совуқ сув ичирилади.

### Кўп ҳаракатсиз қолиш борасида

Бунинг натижасида етилмаган хилтлар туғилади, пайлар ҳаракатда мушякка итбат қилишдан бош тортади ва ҳислар ўтмаслашиб қолади.

Унинг тадоруки. Агар (сукунат) узоқ давом этган бўлса, истумаҳиқун ҳаби ёки қуқоё ҳаби ёрдамида бўшатилиш; узоқ давом этган бўлмаса, қаттиқ бадавтарбия қилиш ҳамда ҳаммомда уқалатиш ва силатиш.

### Бўшатиллар устига қилинган ҳаракатлар

Бунинг устига гўшт шўрвасини райҳоний шаробини билан хўплаб-хўплаб ичиш керак. Мизожи иссиқ климатларга уқини устидан олма шаробини хурсанд қилушчи совуқлик дорилар билан ичирилади.

## Таом устига ҳаракат (қилиш)

Унинг зарар ва тадоруки ҳақида илгарги ҳам гап бўлган эди. У (овқатни) чайқалтиради, ҳазмга монелик қилади, таомни ҳазм бўлмағи туриб тушириб юборади ва тикқилмалар пайдо қилади.

Унинг тадоруки. (Овқатни) чиқариш ва тушириб юбориш ҳийласини қилишдир. Сўнг тикқилмаларни очиб юборувчи ва унинг олдинги зарарли таъсирларини камайтирувчи нарсалар қўлланилади. Унинг кетидан ейиладиган таомни енгиллатилади.

## Жуда кўп бедорлик ҳақида

У жуда кўп ҳаракатга ўхшайди, фақат унинг зарари кўпроқ мияга ва юраккадир.

Унинг тадоруки. Мияни намлаш учун бошга гунафша ёғи қўйиш, уни бурунга тортиш ҳамда қулоққа томилаш; гул суви ҳидлаш, шунингдек, кўп сув қўшилган шаробдан ичиш керак. Иссиқлиги мўътадил чучук судан енгил ҳаммом қабул қилиш ва исмалоқ ё ошқовоқ ёки лавлагини шўрвасини ҳўлаб-ҳўлаб ичиш; олма шароби тановул қилиш ва юрак дахлаҳасини совуқ суртма (дори)лар билан қўллаш.

У кўп беҳаракат қилишини ишизи қилади. Унинг зарари кўпроқ миягадир.

## Кўп уйқу ҳақида

Унинг тадоруки. У кўп ҳаракатсиз қилишда бўлишнинг тадорукига ўхшайди. Бироқ мияга жуда кўп эътибор қилиш лозим: асиртирувчилар истеъмол қилинади, мушк ва ангуза ҳидланади, горчиқа миррий билан иёраж фиқро билан оғиз чайилади. Ҳолат бўшатини тақозо қилса, қуқоё билан ёки иёрож ҳабдориси билан бўшатилади.

## Кўп жинсий алоқанинг зарари

Зўр-зўрақай ва иштаҳасиз қилинган жинсий алоқанинг зарари ҳаётини руҳини жавҳарига нуҳсон етказиш, юракни сусайтириш, хафақон, ҳисларини хиралантириш, қувватнинг пасайиши ва шунингдек, совуқ ил-

ложилларни бэрча аслаб касалликларига, иссиқ милож-  
лиларни эса янгичка ориқ касаллигига тайёрландан  
ибарат.

Ушбунинг тадоруки. Бунинг зарари яқин пажҳдан  
бўлади: бири — мизожнинг совуқликка мойил бўлиши  
ёки тоқиллишуви; аъсоарда совуқ ҳис қилиниши ва на-  
спиннинг совуқдан азобланиб, иссиқдан роҳат қилиниши.

Иккинчиси — мизожнинг иссиқда ва янгичка ориқ  
касалигига мойил бўлиши.

Унинг аломати: томир уришининг кетма-кет ва тез  
бўлиши ва жинсий алоқа ҳаракати тингач, (баданда)  
ёнишининг вужудга келиши; шунингдек, овқатланилгач,  
басҳузурлик ва алангаланиш пайло бўлиши. Шундай  
бўлгач, унинг тадоруки ҳам яқин пажҳ эътиборида қи-  
линади. Мизожлари совуққа мойиллашган кимсалар  
хушбўй (райҳоний) шароб ичишлари, гўштининг таъми  
йўқоғунча пиширилган қийма шўрвага туҳум сарғил  
қўлиб ва долчин, қалампирмушчок, ёввойи сабзи уру-  
ғи солиб ичишлари, мушкни ҳидлашлари, мушк дориси  
тановул қилишлари, ичадиган нарсаларига шароб ара-  
лаштиришлари, қуймоққа пиёз ва гандан пиёзи солиб  
истеъмол қилишлари, кўл иўлат нектмасини шаробга  
аралаштириб ичишлари, иссиқ сувда ювинишлари, мой-  
чечак ёғини қизил гўл ёғига аралаштириб сурқашлари  
ва дориворлик таомлар охи қилишиб бўлгач уқлашлари  
керак. Агар меъда кучли бўлса, қовурилган пиёз ёки  
бўлмаса сабзи уруғи аралаштирилган гўз ёки саҳапқур  
тузи солиниб қовурилган сабзи ва шолғом истеъмол  
қиладилар.

Агар кимнингки мизожи иссиққа мойиллашган бўл-  
са, у яқин маънони — сўилрини ҳамда маъийининг тар-  
қалган қисмини вужудга келтириши (маъносини) ни ўзида  
жамлаган нарсаларни истеъмол қилишга муҳтож бў-  
лади.

Бу — қарья<sup>73</sup> ва салқия<sup>74</sup> ҳамда чала пишган ту-  
хумнинг ҳам оқи, ҳам сарғил, ширин сут, янтоқшакари,  
дўл темиртиканининг сувда пиширилган кишиклардан  
ибарат. Пиширилган кишк ва иўлатлардан қилинган  
умиш, тозуқ ва хўрозларнинг миялари, қовурилган ба-  
лиқ, унинг иссиқи ва катта-кичиклиги ўртачаси, шакар,  
пўсти ажратилиб янчилган бодом ва янчилган кўкиюр  
уруғдан кўл ейлади. Шакар ва бодом солинган сов-  
ринжон ҳам истеъмол қилинади: унинг бу ёрада ало-  
ҳида ҳосияти бор. Гўшт шўрвасини олма шароби билан

ҳўнлаб-ҳўнлаб ичилади; аз ҳадди кофур ҳидланади ва маракии далаҳалар билан совиқлади.

### Жинсий алоқани тарқ қилишининг зарари ҳақида

Шуни идад қилган кимсани бўғин ва мўялар оғрийди, боши ва ҳаракатлар олғирлиги ва тилласи оғрийди.

Унинг тадорухи, Агар имони бўлса, жинсий алоқа қилиш, Йўқса, совуқ мизож соҳибига напжамуғит уруғи ва газакўт уруғини шикар билан ичтеъомол қилиш. Иссиқ мизож соҳибига коҳу уруғи ва семизўт уруғини ичтеъомол қилиш; шушигдек, гўшти аз ва бордон ошқатлар ейни ҳамда бонга кўргошани боғлаш керак.

### Очлик устига жинсий алоқанинг зарари

У кўп жинсий алоқа (қилиш)нинг зарарини ўқийди ва тадорухи унинг тадорухини ўқийди. Бироқ унга гўштиник ошқатлар мушофиқроқдир. Унда сачратқи кулчалари ёрдамида киричка оғриқ касалидан сақланиш муҳимроқдир.

### Тўқлик устига жинсий алоқа (қилиш)нинг зарари ҳақида

Унинг зарари таом устига ҳаракат қилишишига ўқийди, бироқ унинг зарари кўпроқ ва шикатлироқ ва ҳазм бўлмаган ошқат билан аъзоларининг ичкарисига кириб борувишироқдир. Ундан отир қулашж келиб чиқини ҳам ақтимол.

Унинг тадорухи. Текшириб кўрилсин, токи ошқат (ички) юмшатишгани, дам қилишгани ёки қотпришгани мойиллиги кузатилади. Чевка аъзоларда санчик борми? Агар (ички) юмшатишга мойиллик бўлса, у юзага чиққунча, ўз ҳолига ҳўйлади. Ундан кейин (беморга) қайнатилган нўхат сувини бир аз шаробга аралаштириб, яхшигина ичирилади. Сўнг кундурий маъжун берилади, агар ким энг совуқ мизожли бўлса, унга асососиё маъжун ичирилади. Сўнг тухумсиз пиширилган гўшт шўраси ҳўлаб-ҳўлаб ичилади ва нўхат иштмаси қайнатилмай ичилади. Агар дам қилишга мойил бўлса, дамлик босилгунча каммуний ичилади.

Агар (ички) қотиришга мойна бўлса, сиргаатирувчилар ерданида чиқариб юборилади. Агар овақатнинг тухтаб қолиши унинг санимаклиги ва дағаллиги сабабли бўлса, жасадни, гуруч ва тариқники сиргари, уни мева шароби ва хайришонлар каби сиргаатирувчини озгина долчин, турбуд каби эриткичи ва оғиб юборувчилар билан чиқарилади. Агар ёшиқоқлиги ва намлиги сабабли (ички) қотирса, унинг устидан зарур миқдорда нёраж фидро ва шаҳрирон истеъмол қилинади.

**Қон олдирини устига жинсий алоқа қилганининг зарари**

Бу ишнинг тез олдими олмоқ зарур. Қолдан ошиқ жинсий алоқа бобида биз айтган насиҳатга амал қилиниб тайёрланмаган гушт шўрвасидан ҳўлаб-ҳўлаб ичилади. Уни қанзқумурут ёки солиб тайёрлашдан ёки устига ундан пазоқ қўйиб юборилади. Иштилган тухум саригига шароб ийдирилади ва унинг устига бир шайга миқдорда мунк бўлаги солинади. Қоймаланган гушт солиб олмдан тайёрланмайдиган олқат қилиниб, у то сўзишнинг мазаси қолмагунча қайнатилади. Сўнг уни сузилади ва ичезин сиқиб сувдан унга қўйилади. Сўнг шароб сузилиб, унга юқорида айтилган сувдан ундан бири қўйилади. Сўнг то суюқ этала долатига киргунча устидан нўлат ва боқила ундаридан сепилади. Сўнг уни роса қайнатилади, кейин унинг устига тухум сариги солинади, сўнг ундан ҳўлаб-ҳўлаб ичилади. Аммо аста-секин бўлмоғи керак, бирданга эмас. Сўнг эса ичезик сулни қанжом қабул қилинади ва мияга кирта ва қизил гул ёғидан мўл қилиб суртилади. Эритилиб сузилган эчки мойини ёки ўрдак мойига ийдирилган қизил гул ёғини икки оёққа суртиб ухланади.

➤ **Сурги устига (қилинган) жинсий алоқа тўғрисида**

Унинг зарари ёмондир.

Унинг тадорукни. Дастлабки олма қиемини хурсанд қилувчи дори ёки мунк дори билан ичилади. Сўнг агар ҳушдан кетми содир бўлмаган бўлса, андай пақт кундура сақичи чайналади. Сўнг зирбожидан озгина ичилади. Сўнг элек яшилган шўрвадан ҳўлаб-ҳўлаб ичилади, сўнг унинг устига бир бўлак беҳи тановул қилиниб, унинг сувини сўрилгач, қолдиги ташлаб юборилади. Сўнг ухланади.



Агар дам бўлиш кузатилаётган, бир ёл райҳоний шараб-  
дан ичиш керак. Агар ҳушдан кетган содир бўлса, гушт  
сувиш шараб билан ҳушлатиш, бўғинларининг ҳамма-  
сини ёққа ботирини, райҳоний шарабда ичирилган катъ  
едирини ва юзига совуқ суо ва гул суви сепиш лозим.

#### **Буйрак занфлиги билан (қилинган) жинсий алоқа зарарининг тадоруки**

Ёнгоқ, бодом, фундуқ, чилғуза, ер бодом лонаси, ҳабб  
ал-қилқил ва сақич дарахтининг меваси каби мағизлар-  
ни хурмо билан истеъмол қилиш. Агар занфлик иссиқ  
милоланишнинг ёмонлигидан бўлса, бодом, кўкнор уруғи ва  
олдинги айтганимиз қабилида шакар истеъмол қилиш  
лозим. Буйракда тош бўлганда, даръуний жуворишин  
ва митридат истеъмол қилинади.

#### **Бош оғриги устига (қилинган) жинсий алоқа зарарининг тадоруки**

Бошига испағул шираси билан дахлаха қўйиш ва ун-  
га (бошига) митра ёти шқаш керак, энг маъқули шу.  
Яна жинсий алоқа олдиндан билмак, сон ва иликлар боғ-  
ланади; шунингдек, энгир шираси ичилади.

#### **Кўз оғриги устига (қилинган) жинсий алоқа зарарининг тадоруки**

Бош оғриқ устига (қилинган) жинсий алоқанинг та-  
дорукига ўхшайди. Шунингдек, ҳўл кашич сувиш ту-  
хум оқига аралаштириб кўзга томизиш, акки елка ора-  
сига ўли мажмама қўйиш ва чолқанча ётиб ухлаш.

#### **Бўғин оғриқларига учраганларга жинсий алоқа зарарининг тадоруки**

Ундайлар ҳаракатни эҳтиёткорлик ва мулоҳимлик  
билан қилишлари керак. Буидан олдин оғриган бўғин-  
ларини андак вақт испағул ичиди сақлайдилар. Жўй-  
лашшида (оғриқ) бўғинларга қарам қарши турган  
